ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبکستان ادبیاتی وصنعتی

1991

ҲАФТАЛИК 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

12 ИЮЛЬ, № 28 (3132). ЖУМА

«БИРИНЧИ ЎЗБЕК АЛИФБОСИ»

Ҳурматли редакция! Мен Й. Абдуллаевнинг ҳафтаномаининг шу йилги 8 февраль сонида эълон қилинган «Биринчи ўзбек алифбоси» мақоласини катта қизиқиш билан ўқидим. Бироқ ушбу мақоланинг баъзи бир жиҳатлари менда шубҳа уйғотди. Сиздан қуйидаги фикрларга изоҳ беришингизни сўрайман:

Аввало, Октябрь инқилобига қадар Қозоғистоннинг Қизил Ўрда ва унга тобе бўлган Қармоқчи (Жусали), Ғазали (Казалинск) қалъаларида жуда кўп ўзбеклар яшардилар. Уларнинг ўз мачитлари, ўз мактаблари бор эди. Мен ҳам Қармоқчи қалъасида туғилиб-ўсганман, эскича хат-саводни ўша ерда ўрганганман. Олдин Қори Бобомурод деган муллада, сўнг мулла Шариф деган киши қўлида ўқиганман. 1916 — 17 йилларда ўша жойда Абдулла исмли татар мулласидан сабоқ олганман. Ўша кезларда мен эски араб ёзувида икки хил манзарани кўрганман. Аввалги мактабда ҳозирги «а» ҳарфини «алиф» тарзида ўқиган бўлсам, татар муллада бошқача шаклда ўқидим. Сўзлар ҳам икки хилда ёзиларди. Ажабо, араб ёзувларининг Қозон босмаси шунақами!

Иккинчи саволим: Й. Абдуллаев биринчи ўзбек алифбоси дарсликлари номини «Устоди аввал», «Адиби аввал» деб кўрсатади. Мен татар муллада ўқиган дарсликлар номи «Муаллими аввал» (алифбе), «Муаллими соний» (ўқиш дарслиги) эди...

Қурбон БАДАЛИЙ,
кекса педагог,
шахсий пенсионер

●

Ҳурматли Қурбон Бадалий! Сизнинг мактубингизга жавобан қуйидагиларни баён қилишни лозим кўрдик.

Биринчи масалада Сиз ўзингизни ўқитган Қори ва Мулла бир хил сўзларни икки хил ёзиб ўргатганини кўрсатиб, улар нима учун шундай қилганликлари сабабини тушунтириб беришни сўрабсиз.

Ҳақиқатан ҳам, Ватанимиздаги туркий халқлар ёзувида (улар 23 хил) 1905 — 1907 йиллар инқилобидан 1927 йилгача араб алифбосидаги баъзи ҳарфларнинг шаклини ислоҳ қилиш, туркий халқларнинг ўз тилларига хос нутқ товушларини араб алифбосидаги ҳарфлар билан ифодалаш, имло қоидалари яратиш юзасидан катта иш олиб борилган. Бу ҳаракатга ўз даврининг тараққийпарвар, маърифатпарвар зиёлилари бошчилик қилганлар. Татаристонда ҳам, Туркистонда ҳам, шунингдек, бошқа ерларда ҳам бу борада маълум ишлар қилинган. Натижада, 1910 йилдан кейин туркий тилларда, жумладан, татар ва ўзбек тилида нашр қилинган газета-журналларда ҳамда янги усулдаги жадид мактаблари учун нашр қилинган баъзи ўқув китобларида ислоҳ қилинган араб алифбоси ва янги имло қоидалари ўз ифодасини топа бошлаган (бошқа ҳолларда эса анъанавий ёзув қўлланаверган. Маърифатпарвар зиёлиларнинг бу интилишларига эскилик тарафдорлари, жумладан, болаларга таълим-тарбия бериш билан шуғулланган мулла ва қорилар ҳам тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатишга уринганлар.

Маълум бўладики, ҳурматли Қурбон Бадалий, Сизга хат-савод ўргатган қори Бобомурод билан мулла Шариф ўз-

МУЛОҚОТ

бекча сўзларнинг ёзилишини ислоҳ қилинмаган араб алифбоси асосида «эскича» ўргатганлар (улар ўша даврда қилинаётган ислоҳлардан бехабар бўлганликлари ҳам эҳтимолдан холи эмас). Татар мулласи эса Татаристонда ислоҳ қилинган араб алифбоси ва янги тузилган имло қоидалари асосида иш кўрган — сўзларни мулла ва қори кўрсатганидек эмас, бошқача ёзиб берган.

Улуғ Октябрь инқилобидан кейин Туркистон Мухтор жумҳуриятида ва Бухоро Халқ жумҳуриятида алифбо ва имло қоидаларини ислоҳ қилиш юзасидан Маориф халқ комиссарлиги ва халқ Маорифи нозирлиги раҳбарлигида расмий иш олиб борилган, чунончи, 1919 йил ва 1921 йилнинг 8 январида Тошкентда, 1923 йил октябрь ойида Бухоро Маориф халқ нозирлиги раҳбарлигида ўзбек тили, алифбоси ва имло масалаларига бағишлаб жумҳурият анжуманлари ўтказилган, мазкур масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиниб, улар ҳаётга жорий қилина бошланган. 1927 йилдан эса ислоҳ қилинган ва ислоҳ қилинмаган араб алифбосидан воз кечиш, лотинлаштириш бошланган.

Иккинчи саволингизга жавоб: ўзбек (сартия) тилида биринчи марта болалар учун ёзилган ва кўп нусхада нашр қилинган алифбо дарсликлари тошкентлик Саидрасул Саидазизовнинг «Устоди аввал» (Тошкент, 1902 йил) ҳамда Мунавварқори Абдурашидхоновнинг «Адиби аввал» (Тошкент, 1907 йил) китоблари эди. «Устоди аввал»нинг биринчи нашри қачон чиққанлиги матбуотда кўп йиллар давомида 1900, 1901, 1903 йил тарзида нотўғри кўрсатилди. 1990 йилда Андижон вилоят нашриётида 5000 нусхада чиқарилган «Устоди аввал»нинг қайта нашри ноширлари бундай деб ёзишган: «Устоди аввал» 1338 ҳижрий (1909 милодий) йилда тошкандлик Мулла Саййидрасул Хожа домла Сайидазиз Хожа Махдум Муфтий ўғли томонидан таълиф этилган ва тош босма йўли билан нашр этилган эди».

Бунда сана яна нотўғри кўрсатилган. «Устоди аввал»нинг 1-нашри 1902 йилнинг сентябрь ойида 3000 нусхада чиққан ва зудлик билан рус-тузем мактаблари мудирларига «Мусулмонча синф»да фойдаланиш учун Туркистон ўқув бошқармаси чиновниклари томонидан расмий ёзишлар билан тарқатилган. Бу дарсликнинг қайта ишланган 2-нашри 1903 йилда чиққан (шундан бир нусхаси менинг шахсий кутубхонамда бор).

«Устоди аввал»дан фақат рус-тузем мактабларида эмас, баъзи янги усул жадид мактаблари муаллимлари, ҳатто, инқилоб арафасида янгиликни фаҳмлаган мактабхона домлалари ҳам фойдалана бошлаганлар.

Қармоқчи қалъасида 1916, 1917 йилларда янги усул мактабида татар мулла ишлатган «Муаллими аввал», «Муаллими соний» деб номланган китоблар эса татар тилида Қозон шаҳрида нашр қилиниб турган Аҳмад Ходи Мақсудий ёзган дарсликлардир.

Эҳтимол, ўша йиллари Қозоғистоннинг Қизил ва унга тобе бўлган қалъаларида ўзбек болалари таълим-тарбия олган янги усул мактабларига ўзбекча «Устоди аввал», «Адиби аввал» каби алифбо китоблари етиб бормаганлиги учун татар мулласи татарча китоблардан фойдаланишга мажбур бўлгандир.

Умуман, янги усул мактабларида ҳамда Октябрь инқилобининг дастлабки йилларида шўро мактабларида ҳам ўзбек мактаблари учун бир қатор дарсликлар ўзбек тилида нашр қилинмаганлиги учун татар тилида чиққан дарсликлардан фойдаланилган, ибтидоий ўзбек мактабларида ҳам ўқитувчилар етишмаганлиги сабабли Татаристон Маориф халқ комиссарлиги орқали ўқитувчилар Туркистонга таклиф қилинган ва улар ўзбек адабий тилини яхши билмасалар ҳам мактабларда болаларларга таълим-тарбия берганлар, кўмаклашганлар. Давр талаби шуни тақозо қилган.

Йўлдош АБДУЛЛАЕВ,
педагогика фанлари номзоди

СУРАТДА: Саидрасул Саидазизов

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ



Жумҳурият кундалик матбуот нашрларида хабар қилинганидек, 5 июль куни Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов жумҳурият маданият ва халқ маорифи ходимларининг катта гуруҳига СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларини топширди.

Мукофотларни топшириш маросимида ҳукумат раҳбарлари, маданий жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. Мукофот олганлар орасида СССР халқ артистлари С. Эшонтўраева, М. Қаюмов, Ўзбекистон халқ ёзувчилари С. Аҳмад, П. Мўминн, Ў. Ҳошимов, СССР халқ ўқитувчилари У. Обидов, Ҳ. Ҳошимов ва бошқалар бор.

Суратларда: мукофотларни топшириш маросимидан лавҳа.

В. МИЛЕНЬКИЙ ва Р. ЖУМАНИЕЗОВ суратга олган (ЎзТАГ)

ИХТИЁР МЕНДА БЎЛСА...

Ҳар бир виждонли ўзбек каби қалбимни эзиб келаётган чигалликлар ҳақида сўйлашдан ўзимни тиёлмайман. Халқнинг ризқи раҳбарнинг бошида бўлади. Ичкилик ишлаб чиқаришни оқибатини ўйламай қисқартириш шу қадар кўп мушкулчиликларни келтириб чиқардики, уларни санаб адо қилиб бўлмайди. Мен ароқни кўпайтириб, унинг нархини кескин туширардим. Ароқ ичиб жиноят қиладиганлар эса қонун олдида жавобини беравер-син.

Болани фақат она сути билан боқишни одат тусига киритардим. Ўвуз сутига тўймаган бола яхши ўсмайди, овсар бўлади...

Гапираман десам, гап кўп, не қилай?

Яккабоғ — **Тоғаймурод ҚОСИМОВ**

●

Ўзбекистонни дарҳол БМТга аъзо қилардим. Миллатимизни обрўсини ҳар томонлама кўтариб, ҳатто ёқмаса ҳам, ўз миллий аскариятимизни тузардим.

Марҳамат — **Т. ҚОРИЕВ**

●

Мустақилликка эришмагунча барча орзуларимиз сароб бўлиб қолаверади. Марказ беҳудага иттифоқни сақлаш учун жон-жаҳди билан уринаётгани йўқ...

Наманган — **У. ҲАЙДАРОВ**

●

Ўзбек тилининг бутун жумҳуриятда 8 йилда эмас, уч йилда юз фоиз амал қилишини таъминлар эдим.

Жумҳурият ўз пул бирлигига эга бўлишига эришардим. Олтин конларининг фақат биттасини қолдириб, қолганларини ёпиб ташлар эдим. Улардан келажак насллар фойдалансинлар.

Самарқанд — **А. ФАРМОНОВ**

●

Кадрлар масаласида фақат икки мезон: софдиллик ва ишбилармонликни қўярдим.

Қонунлар мажмуасида лоқайдлик, номардлик, иккиюзламачиликка жазо белгилардим.

Термиз — **Р. УБАЙДУЛЛАЕВА**

●

Янги рукн очилибди. Бизга ўхшаган ихтиёри ҳеч қачон ўзида бўлмаганлардан ҳам ихтиёр сўралибди. Майли, киши бироз бўлса-да, овунади. Ширин хаёлларга берилади.

Ихтиёр менда бўлса, ўзим ва болаларим учун уй-жой ва сигир сотиб олар эдим.

Қонун бузган қонун ҳимоячиларини қаттиқ жазолар эдим.

Сирдарё — **Мағрифат НАЗАРОВА**

●

Дўконларнинг пештоқларини молга тўлдириб ташлар эдим.

Меҳнатобод — **С. ИНКОРОВА**

●

Йигитларга қиз болаларни ҳурмат қилишни ўргатардим.

Тошкент — **Н. АҲМАД қизи**

●

Сиз, газетчиларга ихтиёр берар эдим. Ундан сўнг дунёга яшаш учун келганимни баралла айтардим.

Тошкент — **Карим ДЎСТНАЗАР**

●

1—2 йил ичида жамиятимизни ички носозликдан қутқарар эдим.

Тошкент — **Ҳ. ОТАМУҲАМЕДОВ**

●

Меҳнаткаш, меҳр-оқибатли, пок, доно кишиларнинг умрларини узайтирар, уларга чексиз ҳурматда бўлардим.

Когон — **Равшан МУРОД**

●

Раҳбарларни эллик фоизга камайтирардим.

Бойсун — **Умарқул БЎТА**

●

Ихтиёр менда бўлса, раҳбар бўлмасдим.

Гурлан — **Абдураҳим АСҚАР**

КЕЛГУСИ СОНДА:

- Чайқовчининг ҳомийси
- Талон-тарож қилинган мулк
- Келинчакнинг сирли ўлими
- Шоир нега баҳор билан хайрлашади?
- Беҳбудий қачон туғилган?

СИЗ ЭНДИ КУМУШБИБИСИЗ!

Шундай кунларни одамлар кўпдан интизор кутиб эдилар. Ниятлари вожиб бўлди.

Гап шундаки, яккаҳокимликнинг ёвуз чангали исми шарифимизга ҳам тажовуз қилиб, уларни миллий табиати ва тароватидан, ўз ранги ва жарангидан мосуво этганди. Образли қилиб айтганда, исми шарифимиз дўпписиз қолиб, шажарасидан узилиб кетган эди.

Ошкоралик ва миллий ўзўзини англаш самараси ўлароқ яна бир ҳақиқат қад ростлади. Жумҳуриятимиз Президенти Ислом Каримов шу йилнинг 14 июнь кунида «Ўзбекистон ССРнинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга имзо чекди. Унга биноан Ўзбекистон ССРнинг 1969 йил 6 июндаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила тўғрисидаги Кодексига талай янгиликлар, жумладан қуйидаги қўшимчалар киритилди:

1. Кодекс қуйидаги мазмунда бўлган 77-модда билан тўлдирилсин:

«77-модда. **Исми, ота исми ва фамилиясининг ёзилиши**

Боланинг исми, ота исми ва фамилияси ота-онанинг хоҳишига кўра ҳамда миллий-тарихий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда бир ёки бир неча сўзлар билан ёзилиши мумкин.

Ўзбек исмлари, ота исми ва фамилиялари бошқа тилларда ёзилганида уларнинг асл (бирламчи) ёзилиши сақланиб қолади. Ўзбек исмлари, ота исмлари ва фамилияларини ёзиш ўзбек тилининг талаффуз мезонларига бўйсунади».

2. 76-модданинг биринчи қисми «Ота-онасининг ихтиёри билан, миллатидан қатъий назар, болага бувасининг ёки отасининг исми фамилия қилиб берилиши мумкин» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 27-модда қуйидаги мазмунда бўлган учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўзбек миллий анъаналарига кўра боланинг исмига ота-онасининг хоҳиши билан «хон», «жон», «бек», «бону», «биби», «ой», «хўжа» ва бошқа қўшимчалар қўшиб ёзилиши, ота исми эса — отасининг исмига «ўғли», «қизи» сўзлари, «ий», «зода» қўшимчалари қўшилган ҳолда ёзилиши мумкин».

Бу муҳим янгиликлар ҳар биримизга маъқуб ва мақбул бўлганлигига шак-шубҳа йўқ. Буёғи энди ўзимизга, бу ишни амалга оширишга мутасадди ташкилотлар вакилларининг масъулиятига боғлиқ.

Алқисса... Эй, ота юртимнинг бой табиатию она халқимнинг соҳир фазилатларидан бино бўлган малика! Сиз энди мен учун яна ўша-ўша бетакрор КУМУШБИБИСИЗ!

С. ҲАКИМ

ҲАФТАЛИК ВА БОЗОР ИҚТИСОДИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИМИЗ ЙИҒИЛИШИДА

Ўтган ҳафта газетамиз таҳрир ҳайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Унда ҳафталикнинг 1991 йилнинг биринчи ярмидаги ижодий иш фаолияти муҳокама қилинди ҳамда йилнинг иккинчи ярмида амалга ошириладиган иш режалари кўриб чиқилди.

Халқ турмушида ва ижтимоий ҳаётда ўзгаришлар кучайиб бораётган бир шароитда адабиёт ва санъат газетаси олдида кишиларни янги замон руҳида тарбиялаш, умуминсоний демократик қадриятларни кенг тарғиб қилиш, ёқлаш ва онг дунёсига сингдириш, сиёсий тафаккур маданиятини кучайтириш каби олижаноб вазифа туради.

Бозор иқтисодига ўтиш ва шундай иқтисодий иқлимда яшаш ҳар бир кишидан, ҳар бир катта-кичик раҳбардан инсоннинг бутун жаҳон тан олган барча эркинликлари ва ҳуқуқларини тан олиб, уларга ҳар қандай шароитда риоя қилгандагина кутилган натижани беради. Инсон эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар асосида оғишмай иш олиб бориш давримизнинг энг олий маънавий мезони бўлиб қолди. Ана шу мезонгина бизнинг турли қийинчиликлар, етишмовчиликлар устидан инсоний ғалабамизни таъминлайди.

Таҳрир ҳайъати аъзолари ҳафталик ишидаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиб, айниқса, қонунлар ва уларнинг ижроси билан боғлиқ ҳолларга алоҳида эътибор бериш, турмуш муаммоларини дадил кўтариб чиқиш, халқ ва инсон манфаатларини ҳимоя этиш, яқин ўтган тарихимизга холис қараш, уни бошдан оёқ қоралаб ташламаслик, яъни ўз ўтмишимизга туҳмат қилмаслик ҳақида сўз юритдилар.

Газета ўз яхши анъаналари, рост сўзи, ҳаётга ҳалол муносабати, халқ ва замон олдида масъулиятни доим сезиб туриши билан жамоатчилик ва ўқувчиларнинг меҳрини қозонган. Шу анъаналарни кучайтириб бориш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ишонч, ҳурмат-эътибор уйғотиш энг муҳим ишдир. Газета доим ўзини янгиликлар ва катта масалаларни, ранг-баранг мавзуларни кўтаришга чоғлаган. Саҳифаларни сарлавҳадан тортиб, бериладиган суратларгача қизиқарли қилиш ўқувчига бўлган энг катта ҳурмат ҳамда унинг муҳаббатини қозонишнинг бирдан-бир йўлидир.

Таҳрир ҳайъати газета демократизм идеалларини тарғиб қилиш, фикрлар, қарашлар ранг-баранглигига алоҳида эътибор бериши лозимлигини таъкидлади. Фақат бунда адолат ва ҳаққоний мезонларидан чекинмаслик зарурлиги уқтирилди.

Бозор иқтисоди даврида-ги газета бу — ҳар томонлама қизиқарли ва ҳалол бўлган газетадир. Таҳрир ҳайъати шароитни ҳисобга олиб шундай хулосага келди.

«НАВОИЙ АСТРОБОДДА»

ЯНГИ СПЕКТАКЛЛАР

Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон ўзбек давлат драма театри ижодий жамоаси улуғ мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига Иноят Махсумовнинг «Навоий Астрободда» драмасини саҳналаштирган. Мазкур спектакл-даги Алишер Навоий ролини истеъдодли артист Низомиддин Қодиров ва саҳналаштирувчи режиссёр Иброҳим Нурмановнинг ўзи маҳорат билан талқин этаётирлар. Қолган ролларни вилоят комсомоли мукофоти соҳиби Абдуғани Абдураззоқов, Искандар Султонов, Зарил Зоиров, Хайринисо Пардаева, Фахриддин Аминов ҳамда жумҳуриятда хизмат кўрсатган артистлар — Нуриддин Ўтаев ва Нурат Ҳожиев ижро этмоқдалар. Спектаклнинг муваффақиятли саҳналаштирилишида театр бош мусаввири Ноила Қораева, самарқандлик пардозчи-рассом Давид Исаҳоров, овоз ёзиш ва ёритиш бўйича мутасаддилар Сафар Болтаев, Суннатилла Норов ва бошқаларнинг муносиб хизматлари бор.

Абдуазиз ҲОШИМОВ

«ХАНДАҚ»

Бухоро давлат қўғирчоқ театрида ёш ижодкор Бахшулла Ражабнинг «Хандақ» асари асосидаги спектакль премьераси бўлиб ўтди. Пьеса катта ёшдаги болаларга мўлжаллаб ёзилган.

Асарни театрнинг бош режиссёри Шомурод Юсупов саҳналаштирган. Саҳна безакларини ёш мусаввир Эркин Жўраев чизган. Спектаклдаги асосий ролларни театрнинг истеъдодли актёрлари Салоҳиддин Каримов, Бўрон Акобиров, Карима Жабборова, Ўринбой Иброҳимов, Гулбаҳор Файзиева ва Ихтиёр Каримов маҳорат билан ижро этдилар.

СУРАТДА: актёрлар ўз қўғирчоқлари билан

Ҳ. ҚУРБОНОВ суратга олган

МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАШНИ БИЛАМИЗМИ?

Жумҳуриятимиз миллий мустақиллик йўлини тутди. Жаҳон мамлакатлари билан ўзаро иқтисодий-ижтимоий алоқаларни кенгайтириш зарурати мутахассислар тайёрлаш соҳаси олдига ҳам янги талаб ва вазифаларни қўймоқда. Бу борада университет таълимининг ўрни беқиёсдир. Негаки, у кўп асрлар мобайнида жаҳон ижтимоий-иқтисодий тараққиёти синовидан ўтган. Мухбиримизнинг В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорулфунуни илмий ишлар бўйича проректори, ЎзФА мухбир-аъзоси Т. ДОЛИМОВ билан суҳбати университет таълимининг бугунги жараёндаги ўрни ҳақида.

— Тўрабек Нўъмонович, жумҳуриятимизда университет таълими соҳасида кенг уфқлар очилаётир. Албатта, бу жаҳонда ўз миллий мустақиллигини намоён этаётган жумҳурият учун муҳимдир. Суҳбатимизни асрлар синовидан ўтган жаҳон университетлари тарихи ва тажрибасидан бошласак.

— Жаҳонда биринчи университет ташкил топганига 900 йилдан ошди. Польшадаги Ягеллан университетини барча дорулфунунларнинг «отаси» десак бўлади. Бугунги кунда бундай олий ўқув юртларининг сони уч мингдан кўпроқ. Хўш, университет деганимиз нима? Аслида университет ҳар бир миллатнинг юзи, қиёфаси бўлиши керак. Тузумлар ўзгариб боради, одамлар, ҳукмдорлар ўзгаради, бироқ университет ўзгармаслиги, у ҳамиша ўз қиёфасини сақлаб қолавериши керак.

Умуман, университет шаклидаги олий таълим замонлар, асрлар синовидан ўтиб, ўзининг бугунги мукаммал қиёфасига, Ғарб мамлакатларида шаклланган қиёфасига эга бўлди. Рўй-рост айтадиган бўлсак, уларнинг биздаги университетлардан анча фарқи бор. Ғарбда университетлар кўп. Масалан, 5 миллион аҳолиси бўлган кичкина Финляндияда 17 та университет бор. Шу ўринда «Нега бу мамлакатлар биздагидек институтлару академияларни кўпайтирмайди», деган савол туғилади. Уларда биринчи университетлар қиёфаси муайян тизимга айланиб қолганининг сабаби нимада? Қадимда ўша университетларда таълим берувчилар биринчи навбатда олим, иккинчи навбатда эса ўқитувчи бўлган. Университет дегани кенг қамровли дегани. Университет таълими деганда ҳам биринчи навбатда фанни тушунилади. Шунинг учун уларда университетлар академияларга нисбатан кучли бўлган. Асосий куч университетга қаратилган. Ҳатто АҚШдаги катта-катта заводлар, техника корхоналари қошида ҳам университетлар мавжуд. Университетлар шу корхоналар, завод ва компаниялар билан бир бутун. Бунинг афзаллиги шундаки, университетда ҳамиша кадрлар алмашиниб туради, тоғ дарёси сингари тоза ирмоқлар келиб қўшилади. Шу сабабли ўқитувчилар ҳам ҳамиша спортчилардек «форма»да бўлишади.

Биз эса Россия академия тизимини ўзимизга намуна қилиб олганмиз. Аслида Пётр I ҳам энг аввал «Кунст-камера», яъни тоғ ишлари бўйича олий ўқув юрти тузиб, олимлар билан ўқитувчиларни бирлаштирган эди. Екатерина академия тузганида ҳам университет бўлган эмас. Кейинчалик Ломоносов Москва давлат университетини очган. Бу икки илм маскани бир-биридан ажралиб қолган. 700—800 йил олдин ташкил бўлган университетлардагидек кадр тайёрлаш тизимини ўша вақтда Ломоносов ҳам қўллаган. Масалан, биринчи-иккинчи курсни битирган талабалар бу ёғига яхши ўқий олишмаса, истеъдоди, қобилияти тўғри келмаса, шунга яраша диплом берилиб университетдан учирма қилинган. Лотинчада грамматика, риторика, логика ўқитилиб бакалавр унвони берилган. Кейингисида астрономия, математика, адабиёт сингари фанлар мукаммал ўқитилиб, магистрлик унвони берилган. Ўқитувчи билан талаба-шогирд бир жойда турган. Мутахассисни босқичма-босқич тайёрлаш ўша вақтда ҳам бўлган. Ҳозир чет элдаги жуда кўп университетларда шу услубга амал қилинади.

— Ҳориждаги дорулфунунларда талабалар қандай қабул қилинади. Уларда ҳам биздагидекми ёки...

— Бошқачароқ. Хитойга борганимизда Урумчидаги Шинжон университетида: «Сизларда ҳам ўқишга қабул қилиш атрофида ҳар хил гап-сўзлар, муаммолар борми?» деб сўрадик. Улар: «Бизда бундай муаммо йўқ», деб жавоб беришди. Маълум бўлишича, ўқиш уларда пулли экан. «Пулли бўлса, пулсизлар орасидаги истеъдодлар нима қилади?». «Бизда ҳукумат томонидан банкларга кўрсатма берилган, — дейишди. — Ўқишга кирмоқчи бўлган абитуриентлар банкдан қарзга пул олишади. Бу пулни ўқув юртига тўлайди. Агар беш йил ичида ўзини кўрсатиб яхши ўқиса, банк ўша пулнинг 90 фоизини кечиб юборади». Яъни, керакли мутахассис тайёрлангани учун давлат қарзнинг бир қисмини тўлашдан озод қилади. Бордию талаба ўқишни яхши давом эттиролмаса, бирор сабаб билан ўқишни ташлаб кетса, қарзни тўлиқ тўлашга мажбур. Биз ҳам буни ўйлаб кўришимиз керак. Яқинда Мюнхен университети томонидан дорилфунунлар рейтинги аниқланди. Шунга кўра бизнинг дорулфунун жаҳондаги университетлар орасида 152-ўринда деб топилибди. Табиий фанлар соҳасида анча-мунча яхши тадқиқотларимиз бор. Кўп ҳолларда ҳамма соҳада қолоқмиз, деб келамизу аслида шундай иқтисодий қолоқлик даражасида ҳам фанний жиҳатдан кўп ишлар қилиб улгурилган. Мен умуман ўтмишни кўр-кўрона қоралашга қаршиман. Ўша вақтда ҳам Ҳабиб Абдуллаев, Саъди Сирожиддинов, Убай Орипов, Содиқ Азимов каби буюк олимлар бўлган. Олимларимиз яратган кашфиётлар жиҳатидан юзимиз ёруғ, аммо бу кашфиётларни амалга ошириш борасида ниҳоятда орқадамиз. Яъни, иқтисодиётимизнинг тараққиёти билан университетлар ҳам бир йилда 600 миллион доллар сарфлайди. Биз эса 28 миллион сўм. Доллар билан сўмнинг ўртасидаги фарқни гапириб ўтириш шарт эмас. Москва давлат дорулфунуни 150 миллион сўм сарфлайди. АҚШда бир профессор 50—70 минг доллар маош олади. Битта талабанинг ўзи икки хонали уйда туради. Ўқишга университетнинг махсус автобусида бориб келади. Факультетлар ниҳоятда замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Тайёрлов курсида фақат икки фан тури — инглиз тили ва компьютер ўргатилади. Чунки, жаҳон фан-техникаси даражасида иш юритмоқ учун компьютерни билиш зарур. Биз ҳам бу йилдан бошлаб тайёрлов бўлимларимизда чет тили ва компьютерни кенгроқ ўтмоқчимиз. Бизда компьютер оз эмас, аммо ишлатишни билмаймиз, самараси кам. Негаки, уларни яхши ишлатадиган мутахассис йўқ, программалар ниҳоятда содда ва жўн.

Биринчи муаммомиз бизда ҳам тил билиш ва компьютер маданиятини худди ҳориждагидек йўлга қўйиш. Иккинчиси — университетга ажратиладиган маблағ масаласи. 20 минг талаба, икки мингдан ортиқ ўқитувчимиз, 600 дан ортиқ илмий ходим бўлсаю бор-йўғи 28 миллион сўм билан иш олиб борсак. Бу билан дурустроқ, самаралироқ натижага эришиш қийин. Ҳозирнинг ўзидаёқ талабанинг стипендияси ўқитувчининг иш ҳақига яқинлашиб қолди. Бизда халқ депутати бўлган академиклар ойига аранг 1300—1400 сўм олади. Бу 40—50 доллар деган гап. Ҳолбуки, ҳорижда битта ҳайдовчи 400 доллар олади. Бундай аҳволда биз фанни, фан фидойиларини бўлган олиму профессорларни йўқотиб қўймасмиканмиз? Олий ўқув юртлари ҳаётидаги бемазагарчиликлар, кўзбўямачиликлар, биз истаймизми-йўқми, шунга ҳам келиб тақалади. Олим одам янгилик яратишдан манфаатдор бўлиши лозим. Акс ҳолда диссертациясини бир амаллаб ҳимоя қилиб олади-да, сўнг жон қойитмайди. Янгилик яратгани билан у амалга ошмаса, маъмурий тўсиқлардан ўтолмай токчаларда чанг босиб ётаверса, бунга ким ҳам қизиқарди.

— Дорулфунунлар асли қандай мутахассис тайёрламоғи керак!

— Фақат олим, олим даражасидаги мутахассис тайёрлаши керак. Фанни ривожлантирадиган, шу орқали иқтисодий ва маънавий тараққиётга йўл очадиган, бунга нақд ҳисса қўшадиган истеъдод эгасини тайёрлаши зарур. Биз эса асосан ўқитувчи тайёрлайдиган «педвуз»га айланиб қолдик. Ҳаммавақт ҳам шундай бўлган эмас. 30—40-йилларда дорулфунунимизда йирик олимлар дарс беришган. Академиядаги катта олимларнинг бу ерда ўз кафедралари бор эди. 60—70-йилларда фармойиш чиқиб, икки жойда ишлаш, бошқа жойда ярим ставка ишлашлар тўхтатилсин, деган гаплар бўлган. Бундан фан ҳам, талабалар ҳам ютган эмас, аксинча ютқазган. Бу талаб ўқитиш билан фан орасидаги тафовутни буткул ошириб, академия билан анча-мунча шаклланиб келаётган алоқаларни узиб юборди.

Бизнинг академиямиз ҳам университет сингари кучли илм масканларидан биридир. Шундай кучли институтлари борки, Ғарб ҳам тан беради. Масалан, Биоорганика институтида ажойиб кимёгар олимлар ишлашади. Бироқ бизга келиб дарс беришолмайди, маъмурий тўсиқлар бор. Бу ҳолда фундаментал илм ривож топадию унинг ҳаётга, тайёрланаётган мутахассисларга фойдаси тегмайди. Ўсимликлар кимёси институти ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Энг катта муаммомиз — бу, академия билан университетни бирлаштиришдир. Бу икки соҳа бир бутун бўлиши керак. Агар шундай бўлса, академиянинг йирик олимлари университетда кафедра ёки лабораторияларга раҳбарлик қилишар, илм соҳасини бошқариб, талабаларга фойдаси кўпроқ биватида фаннинг ютуқларини хуш кўрмаслик мавжуд. Маъмурий тўсиқлар тўлиб ётибди. Хорижда эса фирмалар, ишбилармонлар, олимлар янгиликларнинг изидан қидириб юради. Бирор фойдали нарса учраб қолса дарров амалга оширади. Кўрилган фойдадан янгилик муаллифи ҳам, уни тарбиялаган университету ўқитувчи ҳам бебаҳра қолмайди.

Биз фанимиз равнақини фақат коинотдаги тадқиқотлар билан ўлчашимизнинг ўзи етарли эмас. Нуқул осмонга қарайвериб, оёғимиз остидаги чуқурни кўрмасдан унга йиқилиб тушаётганга ўхшаймиз. Бирлашган Араб амирликларида бўлганимизда университет проректоридан: «Сизларга бир йилда қанча маблағ ажратилади?» деб сўрадик. У аввал саволимизни тушунмади. Тушунтирганимиздан сўнг: «Биз қанча керак бўлса, шунча сарфлаймиз», деди. Бунақасини ҳеч бир жойда учратмагандик. Масалан, Вашингтон университети ҳам бир йилда 600 миллион доллар сарфлайди. Биз эса 28 миллион сўм. Доллар билан сўмнинг ўртасидаги фарқни гапириб ўтириш шарт эмас. Москва давлат дорулфунуни 150 миллион сўм сарфлайди. АҚШда бир профессор 50—70 минг доллар маош олади. Битта талабанинг ўзи икки хонали уйда туради. Ўқишга университетнинг махсус автобусида бориб келади. Факультетлар ниҳоятда замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Тайёрлов курсида фақат икки фан тури — инглиз тили ва компьютер ўргатилади. Чунки, жаҳон фан-техникаси даражасида иш юритмоқ учун компьютерни билиш зарур. Биз ҳам бу йилдан бошлаб тайёрлов бўлимларимизда чет тили ва компьютерни кенгроқ ўтмоқчимиз. Бизда компьютер оз эмас, аммо ишлатишни билмаймиз, самараси кам. Негаки, уларни яхши ишлатадиган мутахассис йўқ, программалар ниҳоятда содда ва жўн.

Биринчи муаммомиз бизда ҳам тил билиш ва компьютер маданиятини худди ҳориждагидек йўлга қўйиш. Иккинчиси — университетга ажратиладиган маблағ масаласи. 20 минг талаба, икки мингдан ортиқ ўқитувчимиз, 600 дан ортиқ илмий ходим бўлсаю бор-йўғи 28 миллион сўм билан иш олиб борсак. Бу билан дурустроқ, самаралироқ натижага эришиш қийин. Ҳозирнинг ўзидаёқ талабанинг стипендияси ўқитувчининг иш ҳақига яқинлашиб қолди. Бизда халқ депутати бўлган академиклар ойига аранг 1300—1400 сўм олади. Бу 40—50 доллар деган гап. Ҳолбуки, ҳорижда битта ҳайдовчи 400 доллар олади. Бундай аҳволда биз фанни, фан фидойиларини бўлган олиму профессорларни йўқотиб қўймасмиканмиз? Олий ўқув юртлари ҳаётидаги бемазагарчиликлар, кўзбўямачиликлар, биз истаймизми-йўқми, шунга ҳам келиб тақалади. Олим одам янгилик яратишдан манфаатдор бўлиши лозим. Акс ҳолда диссертациясини бир амаллаб ҳимоя қилиб олади-да, сўнг жон қойитмайди. Янгилик яратгани билан у амалга ошмаса, маъмурий тўсиқлардан ўтолмай токчаларда чанг босиб ётаверса, бунга ким ҳам қизиқарди.

— Дорулфунунлар асли қандай мутахассис тайёрламоғи керак!

— Фақат олим, олим даражасидаги мутахассис тайёрлаши керак. Фанни ривожлантирадиган, шу орқали иқтисодий ва маънавий тараққиётга йўл очадиган, бунга нақд ҳисса қўшадиган истеъдод эгасини тайёрлаши зарур. Биз эса асосан ўқитувчи тайёрлайдиган «педвуз»га айланиб қолдик. Ҳаммавақт ҳам шундай бўлган эмас. 30—40-йилларда дорулфунунимизда йирик олимлар дарс беришган. Академиядаги катта олимларнинг бу ерда ўз кафедралари бор эди. 60—70-йилларда фармойиш чиқиб, икки жойда ишлаш, бошқа жойда ярим ставка ишлашлар тўхтатилсин, деган гаплар бўлган. Бундан фан ҳам, талабалар ҳам ютган эмас, аксинча ютқазган. Бу талаб ўқитиш билан фан орасидаги тафовутни буткул ошириб, академия билан анча-мунча шаклланиб келаётган алоқаларни узиб юборди.

Бизнинг академиямиз ҳам университет сингари кучли илм масканларидан биридир. Шундай кучли институтлари борки, Ғарб ҳам тан беради. Масалан, Биоорганика институтида ажойиб кимёгар олимлар ишлашади. Бироқ бизга келиб дарс беришолмайди, маъмурий тўсиқлар бор. Бу ҳолда фундаментал илм ривож топадию унинг ҳаётга, тайёрланаётган мутахассисларга фойдаси тегмайди. Ўсимликлар кимёси институти ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Энг катта муаммомиз — бу, академия билан университетни бирлаштиришдир. Бу икки соҳа бир бутун бўлиши керак. Агар шундай бўлса, академиянинг йирик олимлари университетда кафедра ёки лабораторияларга раҳбарлик қилишар, илм соҳасини бошқариб, талабаларга фойдаси кўпроқ биридан ажратмаслик керак. Илм ўргатган олимнинг, иқтидорли ўқитувчининг обрўсини оширишимиз керак.

Буни бежиз таъкидлаётганим йўқ. АҚШдаги Массачусетс технология институти профессори Генри Фолл бизга шундай деди: «Сизларда диплом учун кураш кетади. Бизда эса дипломнинг ичидаги ёзув учун». Ҳа, уларда мутахассис қандай ўқиган, ким ўқитган, нимага қодир, кимнинг қўлидан чиққан деган гаплар муҳим. Завод ва корхоналар, фирмалар бирор мутахассисни ишга оладиган бўлса, у қаерда таҳсил олгану кимнинг қўлидан чиққан — асосан шунга эътибор беради. Бизда эса дипломи бўлса бўлди. Ҳатто уни қандай йўл билан олгани билан ҳам ишимиз йўқ. Ҳамма бир хил. Текисчилик... Бизнинг турмушимиз, тузумимиз, иқтисодиётимиз оёғига тушов бўлаётган нарса мана шу жойда ўзини намоён этади.

Хорижда мутахассисни ишга олувчи ташкилот ҳам университетга, ҳам уни ўқитган ўқитувчига пул тўлайди. Шунинг учун уларда «брак» — савиясиз, қўлидан иш келмайдиган мутахассис тайёрланмайди. Бордию бирорта заиф мутахассис чиқиб қоладиган бўлса, ўша университетнинг ҳам, уни ўқитган ўқитувчининг ҳам обрўси тушади. Ҳеч ким улар тайёрлаётган мутахассисга харидор бўлмайди.

Бизда ҳам университет оммавий касбдаги мутахассисни эмас, ноёб мутахассисни тайёрлаб бериши зарур. Умуман, университет миллатнинг элитасини, яъни «қаймоғи»ни (дипломатлар, олимлар, дин ва фан арбоблари, ҳ. к.) етказиб бериши зарур. Университет таълимининг моҳияти ҳам шунда. Мана, масалан, журналистика. Ҳар йили 25—50 та талабани ўқишга қабул қилардик. Бунча кўп журналист кимга керак?

— Бу фикрингиз тўғри-я, бироқ журналистикага киролмаган ёшлар дипломли журналистларга қараганда тузукроқ ёзишяпти.

— Буни ҳам тан олиш керак. Бизнинг қабул тизимимиз, маъмурий тўсиқларимиздан шу чоққа қадар иқтидорлилар эмас, уддабуронлар осон ўтиб келишди... Аслида биз 10—15 та, бироқ ташқи сиёсатни, иқтисодни, халқаро алоқаларни биладиган, дунёнинг истаган мамлакатига бориб ишлай оладиган журналист тайёрлаб беришимиз керак. Ёки бўлмаса, 150—200 физик ҳам шарт эмас. 25—30 та кифоя, бироқ улар шундай мутахассис бўлиши керакки, бемалол Вашингтон ёки Нью-Йорк университетида ишлай оладиган бўлсин. Савияси уларнинг савияси билан тенглашадиган, ҳамкорликни бемалол уддалайдиган бўлсин. Бунинг учун университетларга ажратиладиган маблағ масаласини ҳал қилиш керак. Шу маънода ҳозир ташкил бўлаётган университетларга ҳам асос яратиб бериш, маблағ масаласини ҳал этиб, уларни ёппасига қадр тайёрлайдиган илм ўчоғи эмас, озу соз, юксак малакали мутахассис тайёрлайдиган масканга айлантириш зарур.

Ҳозирги бизнинг университетдаги ўқитиш шакли жуда эскирган. У давр талабларига жавоб бермайди. Биз бу муаммони ҳал этиш йўлларини излаяпмиз. Энг аввало, мутахассис тайёрлаш услубини ўзгартиришимиз, унга бошқача ёндашишимиз зарур. Бироқ бунга ҳали жумҳуриятнинг иқтисодий шарт-шароитлари етарли даражада тайёр эмасга ўхшайди. Қани эди ўқишни хоҳлаганларнинг ҳаммасини, шаҳар ва қишлоқлардан келаётганларнинг ҳаммасини бир йил ўқитиб уларнинг ичидан танлаб олсак. Бунинг механизмлари бор. Ҳозир вазирликда ҳам, турли ташкилотлар, институтларда ҳам бу методика ишланмоқда. Биз ҳам ўз таклифларимизни бердик. Бизнингча, ҳозирги қабул имтиҳонлари тизимидан воз кечиш керак. Январь ойидан бошлаб газеталар орқали ўқувчиларга саволлар (текстлар) эълон қилинса. Масалан, бу йил химия бўйича мана бундай саволлар қўйилган, десак. Талабгорлардан ёзма равишда келган жавоблар ўқитувчилар томонидан кўриб чиқилиб, баҳоси қўйилиб, натижа маълум қилинса...

— Талабгорлар жавобларни ёзишда китобдан, бошқаларнинг ёрдамидан фойдаланса-чи!

— Барибир, нимадан фойдаланса ҳам, талабгор китоб кўради-ку! Шу тариқа тайёргарлиги ошади. Қолаверса, саволлар ҳам бор билимни ишга солиш имконини берадиган қилиб тузилиши мумкин. Шу шартларни бажарганларни университет ҳеч бир тўсиқсиз ўқишга қабул қилиб, бир йил стипендия бермасдан ўқитсин. Бир йил ичида худди ҳозирги тайёрлов бўлимларида бўлгани сингари талабгорларнинг савияси аниқ бўладиқўяди. Факультетлар улар орасидан фанга лаёқати борларни саралаб олиб, ўқитиши керак.

— Ҳозирги аҳволимиз ўзингизга маълум. Шундай шароитда уни рисоладагидек қилиб амалга ошириб бўлармикан!

— Қийин бўлиши мумкин. Бироқ барибир ишни бошлаш керак. Ҳозирги услуб жуда эскирган, уни тузатиб бўлмайди. Ҳар хил кўзбўямачиликларга йўл очаверади...

— Бу йил дорулфунунга талаба қабул қилиш сони бироз камайган, деган гап бор, шу ростми!

— Ҳа, рост. Ўтган йили кундузги бўлимга 2250 талаба қабул қилган эдик. Бу йил 1750 нафар талаба оламиз. Сиртқи ва кечки бўлимларда ҳам нисбатан камроқ талаба қабул қилинади. Мен буни тўғри деб топаман. Бу ётоқхоналар, аудиториялар етишмаслигининг олдини олади. Мутахассис тайёрлаш сифатига ҳам таъсир этади. Талабаларни кўпроқ улар истиқомат қиладиган жойларга яқин олий ўқув юртларида ўқитиш мақсадга мувофиқ.

Бизда талаба қабул қилиш озайган бўлса-да, бошқа олий ўқув юртларида кўпайди. Масалан, бизда ҳуқуқшунослар тайёрлаш сони камайган бўлса, Нукус, Самарқанд ва Фарғона университетларида кўпайди. Халқаро иқтисодий алоқалар соҳаси бўйича мутахассислар янги ташкил бўлган Сиёсатшунослик институти ва Иқтисодиёт университетларида кўпроқ тайёрланади.

— Бу йилги қабул мавсумида яна қандай янгиликлар бор!

— Илгари иккита қабул комиссиямиз бўлиб, табиий ва ижтимоий фанлар бўйича алоҳида-алоҳида эди. Бу йил эса саккизта қабул комиссияси туздик. Соҳаси бир-бирига яқин бўлган филология-журналистика, физика-математика сингари факультетларнинг ҳар иккитасида биттадан қабул комиссияси бор. Илгари бутун дорулфунун бўйича бир неча предмет комиссияси бўларди. Бу йил фақат ўзбек тили ва адабиёти бўйича тўртта комиссия бор. Математика бўйича учта, тарих бўйича тўртта ва ҳоказо. Биз деканатларга ўқитишни ишонганимизнинг кейин қабулни — талабаларни саралаб олишни ҳам ишонишимиз керак. Бу ишни нисбатан енгиллаштиради. Факультетларнинг масъулиятини оширади. Норозиликларга ўз жойида барҳам бериш мумкин бўлади. Эҳтимол майда-чуйда гап-сўзлар ҳам шу билан камаяр, деган умиддамиз. Ҳуқуқшунослик, Шарқшунослик институтларимизда ҳам алоҳида қабул комиссиялари ишламоқда.

— Бундан буён кечки таълим бўлмайди, деган гаплар юрибди...

— Тўғри, шундай тахминлар бор. Аммо бу йил кечки ўқувга талаба оламиз. Мутахассис сифатини биринчи ўринга қўядиган бўлсак, умуман кечки таълимнинг баҳридан ўтиш керак. Биз мутахассисларни сон жиҳатдан тайёрлаш «вазифа»сини ҳал этиб бўлдик. Энди сифатни ўйлайдиган вақт етди. Оз бўлсину соз бўлсин. Сиртқи таълимни эса сақлаб қолиш керак деб ўйлайман. Иккинчи мутахассисликни эгалламоқчи бўлганлар, ишлаб ўқимоқчи бўлганлар кўп...

— Ҳориждаги университетларда ҳам мутахассис тайёрлаш учун имкониятлар борми!

— Бор. Биз Вашингтон университети билан талаба алмашамиз. Кўп эмас, уч-тўрт талаба алмашинади, холос. Улар тарих, ўзбек тили, туркология, табиий фанларга кўпроқ қизиқади, биздан борганлар эса физика, математика, шарқ тиллари, ҳуқуқ бўйича касб эгаллашади. Улар савияси баланд, ноёб мутахассис бўлиб қайтишмоқда. Фақат талабалар эмас, ўқитувчи-профессорлари м и з ҳам хорижга бориб туришади. Масалан, профессор Азимбой Саъдуллаев Вашингтон ва Канада университетларида дарс бериб келди. Гамбургда, Францияда профессор Акром Муҳаммаджонов дарс берган. Профессор М. Мусахонов эса Триестда ишлаб келди ва энди Вашингтонга бориб дарс ўтишга тайёргарлик кўрмоқда. Бу борадаги алоқаларимиз яхши. Бироқ, эндиликда учтўрт талаба алмашиш билан кифояланиб бўлмайди. Биз хорижга бориб ўқишни хоҳловчи, бунинг учун билими етарли бўлган, тил биладиган барча ёшларга шарт-шароит яратишимиз, кенг имкониятлар очиб беришимиз керак. Ана шундагина Ўзбекистоннинг фани ҳам, иқтисодиёти ҳам жаҳон талаблари даражасига кўтарилиши мумкин.

МАРМАРИМИЗ БЕҲИСОБ ЭМАС

Биз эртак-афсоналарда, бадиий ва тарихий асарларда мармар қасрлар, мармардан яратилган ёдгорликлар ҳақида кўп ўқиганмиз. Унинг олтин, кумуш каби қадрланишининг гувоҳи бўлганмиз.

Хўш, мармар қандай жисм? У табиатда қай ҳолда учрайди, инсон ҳаётида ва кундалик турмушида қандай аҳамиятга эга?

Мармар табиатда кам учрайдиган, таркиби, ранги ва жилоси билан фарқланадиган тоғ жинси бўлиб, нодир фойдали қазилма бойликлардан биридир. У маҳаллий эҳтиёжлар учун ишлатиладиган маъдан бўлиш билан бир қаторда четга чиқариладиган қимматбаҳо хомашё ҳамдир. Жаҳон бозорида мармарнинг тимқора, оқ ва яшил ранглилари, айниқса, қадрлидир.

Мармар — силлиқланиши енгил ва соз, жилоси кишини мафтун этадиган, кимёвий таркиби бир хил, лекин турли хусусият ва кўринишларга эга бўлган жинс. У оҳактошларнинг ер қаърига кирган сайин юқори босим ва ҳарорат таъсирида ўзгариши натижасида пайдо бўлади. Ранги таркибидаги иккиламчи қўшимчалар миқдорига қараб, юзага келади.

Мармарнинг табиий ҳолда кўриниши кўпинча кулранг, сариғиш, қизғиш, оқ ва қора рангда бўлади. Оппоқ ва тимқора мармарлар табиатда жуда кам учрайди, шунга кўра нисбатан юқори баҳоланади. Умуман олганда, мармар тошлар яхши кесилиши (арраланиши) ва жозибали сайқалланиши билан бошқа тоғ жинсларидан ажралиб туради.

Қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлардан фойдаланиш узоқ тарихга эга. Қадимий Ҳиндистондаги археологик қазилмаларга қараганда, эрамиздан 2,5 минг йиллар муқаддам ишланган Мохенжо-Доро ва Хараппа буюмлари орасида олтиндан, кумушдан, мисдан, темир ва бронзадан ясалган жиҳозлардан ташқари аметист, амозонит, лазурит, яшма ва баъзи жилоли тошлар — мармардан ясалган буюмлар ҳам топилган.

Монументал қурилишларда тошлардан, жумладан, мармарга она жинс ҳисобланган оҳактошдан кенг фойдаланиш қадимий Миср ва Ассири-Вавилон маданияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Масалан, бундан 28 аср муқаддам Нил дарёси чап қирғоғининг Нубий саҳролари билан чегарадош ҳудудида ўтган даврларнинг ягона қурилиши — Хиопс пирамидалари салобат билан қад кўтарган. Улар ўзининг буюклиги, ҳашаматлилиги, аниқ симметрияси ва тошкесар усталарнинг маҳорати билан ҳамон кишиларни ҳайратга солиб келмоқда. Бу пирамидаларнинг баландлиги 147 метргача бўлиб, оҳактошлар тарашланиб бир-бирига шундай зич жипслаштирилганки, тахтига ўткир тиғли пичоқ ҳам кирмайди.

Ҳиндистон тош меъморчилиги ҳақида сўз борганда, дунё бинокорлигининг рамзи ҳисобланган, кўпчилик қисми оқ мармардан ишланган Тожмаҳални эслаб ўтишнинг ўзиёқ кифоя.

Қадимий Юнонда ҳам тош санъати гуллаб-яшнаган. Афина шаҳри яқинида ҳайкалтарош ва бинокорлар учун ажойиб хомашё ҳисобланган ипаксимон, сариғиш ялтироқликка эга оқ мармар кони жойлашган. Бутун дунёга машҳур архитектура ёдгорликларидан бири Парфенон шу кон мармаридан барпо этилган. Эллада ҳайкалтарошлари бу мармарлардан дунё тош санъатининг ноёб асари — Дискобол, Мирон, Афлодит, Книдекая, Пракситель ва бошқаларни яратганлар.

Асримиз бошларида қадимий Рим меъморчилигида мармар катта аҳамиятга эга бўлган. Улар турли-туман санъат асарларини бунёд этишда, қурилишларда кенг қўлланилган. Рим ҳайкалтарошлари оқ мармардан ясаган аёллар сиймолари ҳанузгача инсониятни ҳайратга солади. Қадимий Византия — Константинопольда қурилган «Муқаддас София» қасри тошкесарлик санъатининг олий намунасидир. Уни безаш учун мармарни Юнондан, қизил порфир ва бошқа рангли тошларни Мисрдан ташиб келтирганлар.

Петр Биринчи ҳукмронлиги давридан бошлаб Россияда кўпчилик кошоналар турли хил мармарлар билан ҳусн оча бошлади. Кейинчалик мармар аста-секин биноларнинг ташқарисидан ичкарисига ҳам кирди ва уларнинг ички жозибасини ошира борди.

Мовароуннаҳрда яшаган қадимий халқлар ҳам турли тошлар қатори мармардан ва турли гиллар — каолин, соз тупроқ ва гилмоядан моҳирона фойдаланганлар. Машҳур усталар оддийгина гилдан ёғоч ва бир дона ҳам миҳ ишлатмай яратган тарихий меъморчилик обидалари Бухоро, Хева, Самарқанд, Туркистон шаҳарлари шуҳратини дунёга таратди.

Ўзбеклар диёрида мармардан фойдаланиш милоддан ҳам илгари бошланган. Бунга кўҳна тош ёзувлари ва қабр тошлари яққол далил бўла олади. Мармардан биноларни безашда, даҳмалар қуришда, қабр тошлари ясашда кенг миқёсда фойдаланилган. Бобур замонида Ат-Термизий даҳмасининг қурилишида ишлатилган мармардаги ўймакор нақшлар меъморчиликда ўхшаши йўқ тош санъати сифатида узоқ асрлардан бери кишиларда ҳайрат уйғотиб келмоқда. Темурийлар даврида ҳам мармарга ўйма нақш солиш усули тараққий этган. Ҳозирга қадар сақланган Гўри Амирдаги мармар тахт, Ўшдаги Бобур манзилгоҳи безаклари шундан далолат беради. Айниқса, Бибихоним мадрасаси ҳовлисидаги Қуръонни қўйиб ўқишга мўлжалланган нақшинкор мармар тахтачалар, Шоҳизиндадаги шу каби мармар лавҳалар киши дилига завқ бағишлайди.

Минг афсуски, Мовароуннаҳр диёридаги тарихий обидалар ва кошоналар маҳаллий шаҳзодалар ўртасидаги низолар ва чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати даврида, қатағон йилларида вайрон бўлди, баъзи бирларигина ҳамон ўз кўрки-жозибасини сақлаб келяпти.

Ўзбекистонда ҳозир ўттиздан ортиқ мармар кони бор. Бизда Иттифоқимизда ягона, дунёда иккинчи ҳисобланган қора «гавҳар» кони — қамёб мармар ҳам топилган. Унинг макони Молгузар тоғлари этагида, дарёлар туташган ерда жойлашган. Бу қора гавҳар силлиқланганда унга қараган одам ўз аксини кўриши мумкин.

Бундан ташқари, қора мармар Китоб тумани тоғ ёнбағирлари, Бодомзор ва Севазда, Нурота ва Наманган атрофларида ҳам топилган. Бироқ улардан жумҳуриятимиз меъморчилиги эҳтиёжлари, халқимизнинг иқтисодий шарт-шароитларини яхшилаш йўлида фойдаланиш кўнгилдагидек эмас.

Ҳолбуки, Ўзбекистон турли соҳаларда — бинокорликда, ҳайкалтарошлик, рассомчилик, ўймакорлик, наққошликда кенг қўлланиладиган турли хил мармар конларига бой диёрдир. Оламшумул шуҳратга эга Ғозғоннинг рангдор мармари давлат монополияси даражасига кўтарилган. Унинг, айниқса, яшил ранглиси Иттифоқда машҳур. Москва, Ленинград ва Киев метроларининг энг гўзал бекатлари ҳам ана шу ноёб яшил жилоли Ғозғон мармари билан безатилган. Лекин Тошкент метросига бу сержило яшил мармар ишлатилмаган. Таъбир жоиз бўлса, бўзчи белбоққа ёлчимаганидек, бу ўз бойликларимиздан бебаҳра қолганмиз.

Бугун мана шундай номуносибликка чек қўйдиган, қурилажак муҳташам биноларимиз, ер ости саройларимиз, жаҳоннинг кўзи тушадиган иморатларимизни ноёб турдаги мармар билан безашимиз зарур. Бугина эмас, Ўзбекистон чет элларга маълум миқдорда мармар сотиб, ўз хазинасини бойитиш, шу йўл билан халқимизнинг турмуш шароитларини ўйлаш имкониятларини ҳам ахтариш керак.

Тошкент геология бошқармасига қарашли «Химгеолнеруд» экспедициясининг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган геолог С. Ғ. Ғофуржонов ва Т. Толипов раҳбарлигидаги геологлари томонидан кўплаб мармар конлари очилган ва турли даражада ўрганилган. Сирасини айтганда, жумҳуриятимиз заминида турли рангларда жилоланадиган ҳамма мармар турлари мавжуд. Уларнинг кашф этилганига анча бўлди. Бундай мармар ётқизиқларининг тоғ бағридаги қалинлиги қоҳо 1000 метрдан ошади, узунлиги эса бир неча километрга чўзилади.

Ҳозирги кунда мармар қазиб олинувчи конларнинг бир қисми (Ғозғон, Ғазалкент, Омонқўтон, Султон Увайс тоғ) Ўзбекистон қурилиш материаллари вазирлигига қарайди. Қолганлари эса «Ўзбекмармар», «VI комбинат» сингари турли корхоналар ва кооперативлар томонидан қазиб олинмоқда. Бу соҳада ўзбошимчаликлар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун жумҳуриятимиздаги барча мармаркесар хўжаликларни бирлаштириб, уларни ягона муассасага бўйсундириш зарур. Чунки мармар конлари ҳар қанча беҳисоб бўлмасин, у кўчада ётган тош эмас. Масалан, бўлаклари 4,5—8 куб метрга тенг бўлган I гуруҳга кирувчи мармарнинг ҳар куб метри 260 сўм туради. Нон ҳам нон, унинг увоғи ҳам нон, деганларидек, мармарнинг майда увоғи ҳам мармардир. Агар мармарнинг катта-кичиклиги 5—10 мм бўлса, унинг бир куб метри 7,31—10,36 сўм туради. Қолаверса, рангли мармардан ишланган плиталарнинг квадрат метри 49 сўмдан 73 сўмгача баҳоланади. Шу боис мармарни паланартиш усуллар ёки портлатиб қазиб олиш қатъиян ман этилади. Шунга қарамай, айрим шошма-шошарлар ҳамон эски усулдан воз кечмаётирлар.

Хуллас, қимматли фойдали қазилмаларимиздан бири бўлган мармар юртимизнинг нодир бойлиги ҳисобланади. Ундан узоқни кўзлаб фойдаланса, халқимиз фаровонлигини яхшилашга катта ҳисса қўшган бўлур эдик. Бундай фойдали қазилма бойликлар

Қозоқбой МАҲМУДОВ, Маҳмуд Кошғарий мукофоти лауреати

МУШТАРАК ТАҚДИР

ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ХАЛҚЛАРИНИНГ ДЎСТЛИГИ ТАРИХИДАН

ИНСОНИЯТ НАСЛИ ТАРИХАН МИНГЙИЛЛИКЛАР ОША жуда қадимги аждодлар билан боғланган, бир наслдан тарқаган халқлар замонлар оша турли номлар билан яшаб келган. Ҳар икки халқнинг дўстлик тарихини кўрсатувчи манбалар битигтошларда, кийик терига ёзилган обидаларда, тарихий ва бадиий асарларда акс этган.

Қадимги турк ҳоқонлари топшириғига кўра жуда кўп битигтошлар яратилган, бу битигларнинг кўпчилиги урхун-енисей ёзувидадир. Жумладан, Қорабалиғасғун мангутоши уч хил: урхун-енисей, суғд ва хитой ёзувида битилган бўлиб, у VI аср турклар тарихига бағишланган, Шунингдек, мелоднинг VI асрига оид Буғут битигтоши ҳам маълум. Унда биринчи турк ҳоқонларининг фаолияти ҳақида сўз боради. У хитой, суғд ва номаълум бир хат билан ёзилган. Бу битигтошлардаги туркча, суғдча ёзувлар турк ва суғд халқларининг ўзаро сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатлари турк ҳоқонлиги ташкил топгандан бошлаб мавжуд эканини кўрсатади.

Мелоднинг VI асрида (570 йилда) Турк ҳоқонлиги эфталитларни тор-мор қилиб, Ўрта Осиё ўлкаларини эгаллаб олди. Ашин уруғидан тарқалган турк ҳоқонларининг авлоди Ўрта Осиёда ҳукмронлик қила бошлади. Тарихий ёзма манбаларда Ўрта Осиёда, хусусан Бухорода Абаҳон (А. Н. Гумилев), Ўғул Тархон (Култигин ёдномаси) каби хонлар ҳукмронлик қилганлиги таъкидланган. Шунингдек, Наршахийнинг маълумотига кўра, Бухорода Ашин авлодларидан иборат бухорхудотлар: Тоғшода (Тоғ+шод+Апит), Хотун, Тоғшода ўғли Қутайба, Бунёд ибн Тоғшода каби хонлар ҳокимлик қилганлар. Бухорода Ашин авлодлари суғдлар (суғдлар кейинчалик ҳар икки халқнинг — ўзбек ва тожик халқларининг таркибига сингиб кетган) билан бир жон, бир тан бўлиб, араб босқинчиларига қарши курашганлар.

Муғ ҳужжатларида халқларимиз дўстлигини, бирдамлигини кўрсатувчи кўпгина далиллар мавжуд. Ҳужжатларда турк йигити Ўттегиннинг суғд қизи Чатага уйланиш учун ўзаро никоҳ битими тузилганлиги ҳақида маълумот учрайди. Муғ ҳужжатлари орасида урхун-енисей ёзуви билан бутилган хатлар ҳам бор. Сўғд ёдгорликларида араблар босқини олдида Самарқандда Диваштич, Чочда (Тошкентда) эса Тудун лақабли, Фарғонада Тутуғ деб аталган турклар ҳокимлик қилганлиги таъкидланади. (М. Исҳоқов. «Сўғдиёна тарих чорраҳасида». Тошкент, 1990).

Сомонийлар даврида турк ва тожик халқлари қатор ўлкаларда аралаш яшаган, ҳатто улар бир-бири билан қариндош ҳам бўлган. Сомонийлар қўшини деярли туркий қавмлардан ташкил топган эди. Жумладан, турк қавмига мансуб Алп Тегин саркардалардан бири эди. Қорахонийлардан Қодирхоннинг сомонийлардан ҳокимиятни босиб олиши эса турк ҳоқонлари ҳамда бухорхудотларнинг меросхўри сифатида қаралгани учун юз берди. Турк ва тожик халқлари эса ўзаро дўсту қариндош бўлиб яшайвердилар.

Қорахонийлар ҳамда ғазнавийлар ихтиёрига ўтган ўлкаларда турк, форс-тожик адабиёти равнақ топди. Кошғарда Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари, Ғазнада Фирдавсий томонидан «Шоҳнома» каби шоҳ асарлар яратилди. Қорахонийлар, ғазнавийлар, шахсан Маҳмуд Ғазнавий илмга, маданиятга ҳомий бўлдилар. Ҳар икки халқнинг маданияти юксалди, шоирлар, адиблар, олимлар анжумани ташкил топди, турк-ўзбек ва тожик халқлари орасидан бутун жаҳонга машҳур мутафаккирлар, буюк алломалар етишди.

АБУЛҚОСИМ ФИРДАВСИЙ «ШОҲНОМА» ДОСТОНИДА афсонавий оташпараст Эрон шоҳлари — пешдодийларни чексиз даражада кўкка кўтариб мақтаган, ислом ақидаларига нисбатан зид ғояларни олдинга сурган. Бу афсонавий шоҳлардан Қаюмарс, Ҳушанг, Таҳмурас, Жамшид, Фаридун, Манучеҳр, Киршасиб каби Эрон ҳукмронларини ардоқлаган. Маҳмуд Ғазнавий «Шоҳнома» достонининг мазмунидан ислом байналмилалчилигини, афсонавий оташпарастларга баҳо бермасликни кутган эди. Шунга кўра, Маҳмуд Ғазнавий «Шоҳнома» достонининг мазмунига, ғоясига рози бўлмагани учун Абулқосим Фирдавсийга нисбатан салбий муносабатда бўлган.

Рай шаҳрида турк қавмига мансуб қиниқ уруғи асосида юзага келган салжуқийлар хонадонидан Маликшоҳ ҳомийлигида жаҳонга машҳур Умар Хайём, Низомулмулк, Салмон Савожий каби буюк сиймолар етишиб чиқди ҳамда олимлар, шоирлар, адиблар анжумани юзага келди. Умар Хайём бутун Ўрта Шарқ ва Яқин Шарқдагина эмас, Европада ҳам шуҳрат топган, чин инсоний туйғуларни ифода этган асарлар яратди. Умар Хайём форс-тожик халқига қанчалик қадрли бўлса, ўзбекларга ҳам шунчалик азиздир. Ўзбек шеъриятининг ривожланишида Умар Хайёмнинг ҳам ҳиссаси бор. Низомулмулк асари «Сиёсатнома» эса умуминсоний қадриятлар касб этган, бу асар туркий халқлар тарихи билан узвий боғланган маданий меросдир. Ганжалик Низомий турк (озарбойжон) бўлса ҳам форс адабиётининг жаҳонга машҳур адибларидан биридир. V — XII асрларгача туркий тилда буюк бадиий асарлар, ёзма обидалар битиш анъанаси давом этган бўлса ҳам, Низомий Ганжавий турк ва форс-тожик халқларининг дўстлигини мустаҳкамлаш учун форс тилида оламшумул бадиий асарлар ижод қилди.

XII — XIII асрларда Хоразм шоҳлари даврида ҳам турк ва тожик халқларининг дўстлиги ривож топди, мўғул босқинчиларига қарши турк, форс-тожик халқлари бир тан, бир жон бўлиб озодлик урушини олиб бордилар. Хоразмшоҳлар хонадонига мансуб қадимий Хўжанд ҳокими Темур Малик мўғул босқинчиларига қарши курашда жонбозлик кўрсатган миллий қаҳрамонимиздир.

Мўғуллар зулмидан қочган туркий қавмлар наслига мансуб Хисрав Деҳлавийдек зот форс-тожик адабиётини жаҳонга машъал қилувчи асарларини яратди. Хисрав Деҳлавий зотан турк бўла туриб, ислом байналмилалчилиги асосида ижод қилди. У турк, форс-тожик ҳамда ҳинд халқлари дўстлиги занжирини яратувчилардан биридир.

Камол Хўжандий қадимий Хўжанд шаҳрида туғилган. Форс-тожик тилидаги асарлар билан бир қаторда туркий (ўзбек) тилида машҳур «Латофатнома» асарини ижод қилган. Камол Хўжандий туркий халқ (ўзбеклар) билан тожикларнинг абадий дўстлигини тарғибот қилиш мақсадида ҳар икки тилда бадиий асарлар яратган.

XIV асрда Хоразмда яшаган Паҳлавон Маҳмуд ҳам ўзи турк халқига мансуб бўла туриб, Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий каби, форс-тожик тилида ижод этади. Адиб ўз рубоийларини форс-тожик тилида тасниф қилар экан, турк ва форс-тожик халқларининг дўстлигини биринчи ўринга кўтарган. Замонасининг илғор кишилари Паҳлавон Маҳмуд рубоийларини севиб ўқиганлар, ҳатто Паҳлавон Маҳмуд дафн этилган Хива шаҳридаги мақбаранинг гумбазига унинг рубоийларидан намуналар битилган.

XIV аср охири — XV аср бошларида ижод этган Ҳайдар Хоразмий туркий шеърлар ёзиш билан чекланган эмас, форсий тилда ҳам шеърлар ёзган. Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкират уш-шуаро» тазкирасида Ҳайдар Хоразмийнинг форс-тожик тилида назмий асарлари борлигини таъкидлайди. Ушбу маълумотга қараганда, Ҳайдар Хоразмий ҳам форс-тожик халқига ва тилига нисбатан ҳурматда бўлган.

Темурийлар салтанати даврида туркий халқлар билан бир қаторда тожиклар маданияти ҳам юксак даражада ривожланди.

Алишер Навоий туркий асарлари билан бир қаторда форсий тилда Фоний тахаллусида девон битди. Ҳазрат Навоий бу тахаллуси билан ҳам жаҳонга машҳур бўлди. Алишер Навоий ўзига пир деб билган Абдураҳмон Жомий ҳазратлари форс-тожик тилида жаҳон алломаларини ўзига жалб қилган беқиёс асарлар яратди. Шарафиддин Али Яздий, Мирхонду Хондамир каби муаррихлар, Камолиддин Беҳзоддек мусаввирлар дунёга келди.

Мавлоно Лутфий замонасининг инсонпарвар, умумбашарий эзгу истакларини баён этар экан, ўлкамизда қадимқадимдан ёнма-ён яшаётган форс-тожик халқларининг тилини мукаммал билиш билан чекланмади, балки форсий тилда бадиий асарлар ижод қилди, шу билан ўзбек-турк, форс-тожик халқларининг дўстлигини яратишда муҳим ғояларни олдинга сурди.

XV асрда туркий тилда битилган маданиятнинг турли соҳаларига оид асарларни ўрганиш, айниқса Алишер Навоийнинг оламшумул бадиий, дидактик, фалсафий, тарихий асарларини ўрганиш учун қизиқиш кучайган эди. Шунга кўра, кўплаб ўзбекча-форсча луғатлар тузишга интилиш кучайди, жумладан Толи Имоний Ҳиравий луғати, Мирза Маҳдихон томонидан тузилган луғат ҳамда грамматикадан иборат «Мабоин ул-луғат» ва «Санглоҳ» номли асарлар форсий тилда изоҳланди. XIX асрда ҳам туркий (ўзбек) тилига қизиқиш давом этди, жумладан, Фатҳалихон Қожорий томонидан ўзбекча-форсча луғат тузилди. Бу маданият арбоблари ва улар яратган ёзма обидалар ўзбек (турк) халқи билан форс (тожик) халқлари дўстлигининг ёрқин ифодасидир.

УМУМАН АЙТГАНДА, ҲОКИМИЯТ ТЕПАСИДА ўзбек бўлса ҳам, тожик бўлса ҳам бир-бирини камситган эмас. Ислом ақидалари асосида, фуқароларга, маданий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётга ҳомийлик қилганлар.

XV аср охири — XVI аср бошларида турк ёки туркий деб номланган халқимиз орасида ўзбек номи билан аталувчи туркий қавм сиёсий, ижтимоий, маданий, иқтисодий ҳаётда фаол ҳаракат қила бошлади. Шунга кўра, ўзбек қавми ҳақида қисқача маълумот бериш лозим.

Ўзбек халқи тарихан уч туркий қабилалар қатлами асосида юзага келди.

Ўзбек халқининг биринчи қатлами қорлуқ-чигил қабилаларидан иборат. Иккинчи қатлам ўғуз қабилалари асосида ташкил топган. Учинчи қатлам эса, Ўзбекистоннинг шимолий чегараларида яшаган йирик турк қабиласи — қипчоқ уруғлари асосида шаклланди.

Ўзбек элати темурийлардан ҳокимиятни тортиб олгандан сўнг Урта Осиёда XVI аср бошидан XIX асрнинг учинчи чорагигача ҳукмрон бўлдилар. 1924 йилдан бошлаб ўзбек элати номи ўзбек миллатига асос бўлди.

Ўзбек хонликлари даврида ҳам ўзбек ва тожик халқлари дўстлиги бузилмади. Улар қон-қариндош тарзида ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётда тенг ҳуқуқли эдилар.

XIX асрда Қўқон адабий муҳитида ўзбек, тожик халқларига мансуб адиблар, шоирлар, муаррихлар ҳар икки тилда ижод қилдилар, жумладан, Нодирабегим, Абдулкарим Фазлий, Адо каби шоирларни кўрсатиш мумкин. Қоратегинлик Гулханий «Зарбулмасал» номли асар ёзди. Абдулкарим Фазлий томонидан тузилган тазкирада эса Гулханийнинг тожик тилида ёзилган ўн иккита ғазали сақланиб қолган. Исфаралик Мирза Олим Мушриф Қўқон хонлиги тарихига бағишланган «Ансоб ус-салотин таворихи хавоқин» (ўзбек тилида) номли асар ёзди. Бу асарда муаллифнинг ўзбекча шеърлари ҳам учрайди.

Бухоро амирлигининг кўпчилик аҳолиси ўзбеклардан иборат бўлишига ҳамда амирларнинг ўзлари ҳам ўзбек элатининг манғит уруғига мансублигидан қатъи назар, Бухоро амирлигида форс-тожик тилида иш юритдилар.

Совет даврида Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Сўфизода каби адиблар, олимлар қадимий тарихий анъанани давом эттириб, ҳар икки тилда ижод этди.

Ўзбекистон жумҳуриятида яшаётган тожик халқининг маданий, ижтимоий, иқтисодий ҳаёти учун имкониятлар яратилган, тожик тилида мактаб, маориф, матбуот, радио, телекўрсатувлар ташкил қилинган. Тожикистон жумҳуриятида истиқомат этаётган ўзбек миллатига мансуб кишилар ҳам маданий ҳаёт соҳаси, мактаб, матбуот, радио, телекўрсатувлар билан таъминланган.

ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ХАЛҚЛАРИНИНГ ТОҒЛАРИ, ДАРЁЛАРИ, ирмоқлари, сойлари, саҳро-далалари, кўллари бир-бирига қўшилиб кетган. Ҳар икки халқнинг маданияти, урф-одати, удумлари, тарихи ўзаро боғланган, бир гуруҳ ўзбек ва тожиклар қариндош, қуда-қудағай бўлган, дину ахлоқдан биридан бирини ажратиб бўлмайди. Шунга кўра, ўзбек ва тожик халқлари ҳар қандай раҳна солувчи, низо чиқарувчилар ғиғосига учмайдилар, келажакда абадий бирга яшайдилар.

КОМРОН МИРЗО МЕРОСИ

БОБУРИЙЛАР ДАВРИ ҲАҚИДА жаҳонда кўплаб асарлар ёзилган. Бу даврни ўрганиш учун юзлаб олиму адиблар умрларини бағишлаган. Ўзбек олими Ҳамид Сулаймон Ҳиндистон, Афғонистон, Туркия, Франция ва Англияга илмий сафарларга бориб туркигўй халқларнинг тарихи, санъати ва адабиётига доир бебаҳо материаллар келтирди. Бу ўлкамизда бобуршунослиқнинг ривожланишига ҳам ёрдам берди. Лекин мазкур манбалардан фойдаланишга узоқ йиллар олимларнинг қўли бормади. Йўллар берк эди. Энди уларнинг илмий истеъмолга киритила бошлаганлиги қувончлидир.

Бобурийлар тарихида энг кам ўрганилгани Комрон Мирзо тақдиридир. Узоқ йиллар мобайнида Комрон ҳақида бирор илмий асар ёзилмади. Шоир таржимаи ҳолига оид баъзи маълумотларни Лен-Пуль Стенлининг «Мусулмон сулолалари», К. Антонова, К. Бонгард-Левин, Г. Котовскийнинг «Ҳиндистон тарихи», Н. К. Синха, А. Ч. Банержининг «Ҳиндистон тарихи», Волаи Доғистонийнинг тазкираси, «Бобурнома» ва «Ҳумоюнома» каби асарлардан биламиз. Яна Бобурнинг холаваччаси Муҳаммад Ҳайдар Мирзо Дуғлатнинг (1499 йили Тошкентда туғилган) Қашқар ва Ёркент ҳокими Абдурашидхонга бағишлаб ёзган «Тарихи Рашидий» асарида Комрон тўғрисида айрим маълумотлар баён қилинган. Шарқшунос олима С. Азимжонованинг «Бобурнинг «Ҳинд девони», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довони» асарларида ҳам Комрон Мирзо ҳаёти, ижоди ҳақидаги лавҳалар мавжуд.

Комрон Мирзо ҳаётини ёритишда К. Маркснинг «Ҳиндистон тарихи бўйича хронологик кўчирмалар» асари алоҳида аҳамиятга эга. Унда Маркс Ҳумоюннинг тахтга чиқиш даври хусусида тўхталиб, Бобурнинг ўғиллари Комрон, Ҳиндол ва Аскарий ҳақида қимматли маълумотларни қаламга олади.

Олимларнинг зикр этишларича, Комрон ҳам отаси Бобур каби ўзбек ва форс-тожик адабиётининг равнақига баракали ҳисса қўшган зуллисонайн шоирдир. Бу борада бобуршунос Саидбек Ҳасанов бундай дейди: «Мирзо Комрон — ўзбек ва форс-тожик адабиётининг ривожига маълум даражада ҳисса қўшиб, Навоий ва отаси Бобур анъаналарини ижодий давом эттирган истеъдодли сўз санъаткоридир». Ҳақиқатан, Комрон Мирзо асарларига чуқурроқ назар ташласангиз, мавзуда, услубда Бобур шеъриятининг таъсири сезилиб туради.

Эй дўст, манга ғайри жафо айламадинг,
Ҳар аҳди айладинг, — вафо айламадинг,
Гар айламадинг вафо, карамлар қилдинг-
Ким, жавру жафони ҳам хато айламадинг.

Комрон ғазалларининг аксариятида ёр васфи қаламга олинади. Лирик қаҳрамон Оллоҳга — яратувчига ошиқ бўлади ва унга ўз орзу-умидлари борасида илтижо айлайди:

Ё рабки, ўшал ойни манга маҳрам қил,
Ё меҳрин анинг хаста кўнгулдин кам қил,
Ё мени анинг фурқатидин беғам қил,
Ё они менга ҳамнафасу ҳамдам қил.

Бобурда бўлганидек, Комронда ҳам тушкунлик аломатлари учраб туради. Шоир давр фитналаридан, чархи дуннинг бевафолигидан, айрилик азобларидан нолийди. Булар унинг қалбини яралайди, дардга чора излашга ундайди. Шунинг учун у ҳаётнинг мазмунини эзгуликдан ахтаради.

Бугунги кунда Комрон Мирзо девонларининг учта нусхаси топилган. Бири Ҳиндистоннинг Патна шаҳридаги «Худобахш» кутубхонасида, иккинчиси Калкуттадаги Осиё жамияти қўлёзмалар фондида ва учинчи нусха «Ризо» кутубхонасида сақланади.

Тадқиқотлар кўрсатадики, «Ризо» ва «Худобахш» қўлёзмаларининг ҳар иккаласи асл дастхат нусхалардир. Калкутта нусхаси «Худобахш» кутубхонаси нусхасидан кўчирилган. Бу қимматли нусхаларнинг микрофильмларини Ҳ. Сулаймон Тошкентга олиб келган. Улар ЎзФА Қўлёзмалар институтида сақланмоқда.

ТАДҚИҚОТ * АҲБОРОТ

«Адабий мерос» нашрининг 1978 йилги 37—38-сонларида бобуршунос олим С. Ҳасанов қўлёзмалар ҳақида тўла маълумот келтиради:

«Худобахш» кутубхонаси нусхаси. Қўлёзма 1556 мелодий йили Маҳмуд ибни Исҳоқ Шаҳобий томонидан кўчирилган. Бу девонга Мирзо Комроннинг ўзбек ва форс-тожик тилларидаги шеърлари киритилган. Қўлёзма 36 варақдан иборат, унга 1500 мисрага яқин турли жанрлардаги асарлар кирган. Девоннинг аҳамияти яна шундан иборатки, қўлёзманинг аввалги ва охирида бобурийлар хонадонига мансуб йигирмадан ортиқ Ҳиндистон давлат арбобларининг муҳрлари босилган. Улар орасида Нуриддин Жаҳонгиршоҳ, Шаҳобиддин Муҳаммад Шоҳ Жаҳон, Муҳиддин Муҳаммад Оламгир, Шоҳ Олам Баҳодиршоҳ муҳрлари бор. Энг муҳими, бу мўътабар нусхада ана шу хонадон вакилларининг дастхатлари ҳам келтирилган.

«Ризо» кутубхонаси нусхаси. Қўлёзманинг котиби ва кўчирилган йили кўрсатилмаган. Уни XVI асрнинг иккинчи ярмига мансуб дейиш мумкин. Девон ўзбек ва форс тилларида ёзилган шеърларни ўз ичига олади.

Осиё жамияти қўлёзмалар фонди нусхаси. Лобарий томонидан Калкуттада кўчирилган. Девоннинг кўчирилган йили кўрсатилмаган. Матний белгиларига кўра, XIX асрга мансуб дейиш мумкин.

Мирзо Комрон девонининг ҳар учала нусхаси ҳам шоир адабий меросини илмий жиҳатдан ўрганишда ва унинг танқидий матнини тиклашда катта аҳамиятга эга. Бу нусхалар бобурийлар сулоласи тарихининг ноёб ҳужжатларидандир.

Қудратулло Меҳмонқул ҒУЛОМЖОН ўғли,
ТошДД Шарқшунослик институти толиби

«ШАЖАРАИ ТУРК» ФАРАНГ ТИЛИДА

ХИВА ХОНИ АБУЛҒОЗИ БАҲОДИРХОН (1645 — 1663) фақат сиёсий ва ҳарбий ишлар билан машғул бўлиб қолмасдан, илм-фан, адабиёт ва санъатнинг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшган. Унинг «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарлари ўзбек, қозоқ, туркман, қорақалпоқ ва бошқа туркий халқлар тарихини ўрганишда муҳим манбалардан ҳисобланади. «Абулғози Баҳодирхоннинг кўпгина ишлари Бобурни хотирга туширади... жаҳон унинг «Шажараи турк» номли тарихий асари учун ундан миннатдордир», — деб ёзган эди венгер шарқшуноси Ҳерман Вамбери.

Дарҳақиқат, «Шажараи турк» ўтган давр ичида доимо жаҳон илм аҳлининг диққат-эътиборида бўлиб келди. Айниқса, овруполик олимлар асарни тадқиқ ва таржима қилишда фаоллик кўрсатдилар. XVIII — XX асрларда «Шажараи турк» фаранг, олмон, лотин, рус ва бошқа тилларга таржима этилиб, қайта-қайта нашр қилинди. Асарнинг фаранг тилига таржималари хусусида гапирарканмиз, буни амалга ошириш билан боғлиқ қизиқарли воқеаларга дуч келамиз.

Тарихдан маълумки, 1709 йилги Полтава жанги Пётр 1 армиясининг шведлар устидан ғалабаси билан тугаган эди. Бу жангда швед армиясининг 16 минг солдат ва офицери асир олиниб, кейинроқ, яъни 1710 йили узоқ Сибирга бадарға қилинади. Ўша пайтда Сибирнинг маркази Тоболск шаҳри бўлиб, у Россия билан Ўрта Осиё хонликлари ўртасида савод-сотиқ алоқаларини олиб борувчи марказ ҳисобланган. Бадарға этилган швед офицерларининг аксари қисми Тоболск шаҳрига ўрнашади. Офицерлар орасида илм-фан, адабиёт ва санъатга қизиққан зиёлилар кўп бўлиб, улар ерли халқлар ва уларга қўшни ўлкалар тарихи, урф-одатлари, миллий меросини ўрганишга киришадилар. Бу ишда жонбозлик кўрсатганлардан бири зиёли офицер Филипп Иоганн Табберт фон Страленберг (1676 — 1747) эди.

Абулғози Баҳодирхон «Шажараи турк» асарининг Лейден шаҳрида чиққан (1726) фарангча нашрига илова қилинган хариталардан бири.

Страленбергнинг гувоҳлик беришича, у китобга материал йиғиш мақсадида Тоболск ва унинг чекка қишлоқларида яшовчи татарлар (ўзбеклар) билан мулоқотда бўлиб, уларнинг тилини ўрганишга киришган, урф-одатлари ва тарихи билан қизиққан. «Мен уларнинг Ўзбек исмли жуда хушфеъл охуни билан яқиндан танишдим, — деб ёзади Страленберг. — Бир куни у менга бисотида сақлаб келаётган турли ҳужжатлар билан яна иккита қўлёзмани кўрсатди. Бу қўлёзмаларнинг бири Эрон тарихига доир, иккинчиси эса Буюк Татария (Туркийлар) мамлакати тарихига оид бўлиб, уни «Чингиз китоб», деб айтди. Ҳар иккала қўлёзма Татария мамлакати тарихига оид воқеаларга бой бўлгани учун бошқа бир татар оғайним ёрдамида ўқимоқ иштиёқида уни охундан сўраб олдим».

Шу тариқа Страленберг «Шажараи турк» асарининг қўлёзмасини олади ва шаҳар чеккасида яшовчи татар биродарига кўрсатди. Рус тилини яхши билган татар биродари қўлёзма матнини русчага сўзма-сўз таржима қилиб туради, Страленберг ёллаган икки швед офицери эса асарни русчадан бирданига олмончалаштириб боради. Бироқ олмонча таржима Страленберг истаганидек асарнинг қўлёзма матнини ўзида тўла акс эттиролмаган эди. Сабаби ҳалиги татар тилмоч қўлёзмада учраган арабча, форсча ва айрим туркий сўзларнинг туб маъносини тушуниб етмаганди. Шундай бўлса-да, Страленберг ва икки швед офицери ўз таржима нусхаларига эга бўладилар.

Ф. И. Страленберг ўз қўлидаги олмонча таржимани изоҳлар билан таъминлаб, кейинроқ нашр этиш ниятида бўлган. Бироқ адиб мақсадини амалга оширишга улгурмайди. 1726 йили «Шажараи турк»нинг фаранг тилига таржимаси Голландиянинг Лейден шаҳрида «Татарлар шажараси тарихи» номи билан босилиб чиқади. Фарангча таржиманинг муаллифи китобда ўз номини яшириб, фақат Д*** шаклидаги аноним тахаллусни кўрсатган эди. Кейинчалик Д*** тахаллусини шарҳлаган олимлар фарангча таржиманинг муаллифи ўша пайтда Тоболскда яшаган швед офицери Бентенк бўлиши керак, деган хулосага келадилар.

ФАРАНГЧА ТАРЖИМА ТЕЗ ОРАДА Овруполи илм аҳли орасида машҳур бўлиб кетади. Унинг нусхалари номдор кутубхоналарнинг жавонларидан ўрин олади. Мазкур нашр ўзининг чиройли муқоваси ва бежирим ҳарфда терилган матни билан ҳам ўша давр китобот санъатининг юксак намунаси сифатида бебаҳодир. Бентенк таржиманинг ўқишли ва юксак савияли чиқиши учун астойдил меҳнат қилган. Буни унинг китобга ёзган сўзбошисидаги ушбу сатрлардан ҳам билиш мумкин: «Мен олмонча таржимадаги хатоларни такрорламаслик учун фарангча таржимам устида бир йилдан кўпроқ вақт меҳнат қилдим ва «Тарих»ни («Шажараи турк»ни — М. Х.) ўқувчига манзур бўларли ҳолатга келтирдим».

Дарвоқе, фаранг тилидаги матнни ўқиган китобхон унинг ҳар жиҳатдан мукаммал ва аслиятга яқин эканлигига ишонч ҳосил қилади. Масалан, таржиманинг тили ҳам асл нусханики каби содда ва равондир. Қоларверса, таржимон томонидан ёзилган «Бағишлов», кириш сўз ҳамда изоҳ ва шарҳлар китобнинг илмий моҳиятини янада оширган. Изоҳ ва шарҳларда ўқувчи асарда учровчи тарихий саналар, жуғрофий номлар, киши исмлари ва миллий атамалар ҳақида кенг тушунча олади. Шунингдек, уларда туркий халқлар шажараси, уларнинг урф-одатлари, диний эътиқодлари, тиллари ва машғулотлари хусусида батафсил маълумотлар берилган. Шарҳларнинг мазмунидор ва илмий мукаммаллигини таъминлашда таржимон Марко Поло, Гийом де Рубрик, Жан Тавернйе, Жюл Шарден, Пети дў ла Круа каби сайёҳларнинг ўша пайтда Овруподa машҳур бўлган китобларидан фойдаланган, албатта.

Китобга илова қилинган иккита харита ҳам XVIII аср жуғрофия илмида янгилик эди. Уларнинг биринчисида Чингизхон қўшинларининг Жанубий Осиёга юриши давридаги Осиёнинг жуғрофий ҳолати ифодаланган. Иккинчиси «Шимолий Осиёнинг янги харитаси» деб номланган. У ўша даврда Шарқий Оврупо ва Осиёда мавжуд бўлган давлатлар ҳамда ҳоқонликларни ўзида акс эттирган.

Бентекнинг фаранг тилига таржимаси кейинчалик асарнинг бошқа оврупо тилларига таржима қилинишида воситачилик вазифасини ҳам бажарди. Масалан, 1768 йили рус шоири В. К. Тредиаковский Россия академиясининг топшириғига биноан «Шажараи турк»нинг юқоридаги фарангча нусхасидан уни рус тилига таржима қилди. Мазкур таржима рус тилида икки жилдда босилиб чиқди.

1871 — 1874 йиллари эса шарқшунос барон Демезон «Шажараи турк»ни икки жилд қолида Петербургда нашр қилдирди. Нашрнинг биринчи жилдида асарнинг рус луғатшуноси В. И. Даль Оренбургдан келтирган қўлёзмасининг аслияти, иккинчи жилдида шу матн асосида амалга оширилган барон Демезоннинг фаранг тилига таржимаси ўрин олган. Барон Демезоннинг ушбу нашри «Шажараи турк»нинг энг мукаммал қўлёзма нусхаси ва таржимаси ҳисобланади. Демезон матнини илмий ўрганган профессор С. Н. Иванов «Шажараи турк» матнининг грамматикаси очеркини яратди (1969).

ШУ ТАРИҚА, XVII аср туркий тилдаги адабиётнинг нодир намуналаридан бири бўлган «Шажараи турк»нинг ҳар иккала фарангча таржимаси унинг Овруподa ҳам шуҳрат қозонишига сабаб бўлди, десак ҳато қилмаймиз. Мазкур фарангча таржималарни асарнинг асл нусхаси билан қиёсий ўрганиш махсус тадқиқотга мавзу бўлгуликдир.

Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ,
СамДД фаранг филологияси кафедрасининг доценти

«ҚАТЛ КУНИ» ҲАҚИДА

Романнинг охирги саҳифасини ўқиб тугатарканман, узоқ ўйга толдим. Хаёлимга қадим Хоразм қишлоқлари, унинг содда ва меҳмондўст эли келди. Асардаги воқеалар худди мен кўрган қишлоқда бўлиб ўтгандай, назаримда, шу воқеаларнинг ҳар бирига ўзим аралашиб юргандайман. Шубҳасиз, «Қатл куни» романининг муаллифи Юсуф Самад ўғли жуда катта муваффақиятга эришган.

Асар услуб ва тасвир жиҳатидан тамоман янгича руҳда ёзилган, унда қаламга олинган учта давр: Ўрта аср, Ўттизинчи йиллар ва ҳозирги замон тасвири ўзаро шу қадар уйғун бўлиб кетганки, ҳар бир давр бир-бирини тўлдиради. Адиб учала даврда ҳам инсониятнинг азалий кураш қутблари бўлмиш яхшилик ва ёмонлик, мурувват ва ёвузлик, муҳаббат ва нафрат, ғулув ва омонлик каби буюк ҳам чиркин туйғуларни асарга жо этиб, буларнинг ҳаммасини ҳаёт деган қисмат чизиғига жамлайди. Жаҳолат ва зулм ҳоким бўлган жамиятда одам боласи не куйларга тушгани, умуминсоний қадриятларни замон тўфонлари силсиласида гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай қалқиб тургани, туркий қавмларнинг бир-бирини емиргани, биродарларнинг одамкушлигини кўрсатиб, юракларга туганмас оғриқлар солади.

Аслида реализм адабиётини ўқиб дунёқараши шаклланган, асардаги воқеаларга, инсон ички оламининг моҳиятига, одамзод хаёлотининг чексизлигига ишониб-ишонмай турган шўро ўқувчисини, ҳар бир миллат ҳур кишиларининг одамкуши бўлмиш Салахов ва Каримли каби кимсаларнинг ҳамма замонларда ҳам шараф шоҳсупаларидан тушмаган сиймоси ҳеч кимни лоқайд қолдирмаса керак, деб ўйлайман.

Асарнинг самимий ва жозибали тили, баҳор жилғасидай тиниқ тасвири ўқувчига завқ бағишлайди. Бу китоб озар тилида, озар ёзувчиси томонидан битилган бўлса-да, ҳаёт, одатлар, одамлар ўзимизникидай туюлади.

Асар руҳини, тили ва услубини имкон қадар сақлаб қолишга эришган яхши шоиримиз Усмон Қўчқорнинг таржимончилик заҳматларини айтмасдан илож йўқ. Баъзи, жузъий камчиликларни ҳисобга олмаганда асар ўзбекча битилганга ўхшайди.

Саломат МУҲАММАД ВАФО

Комрон МИРЗО

ҒАЗАЛЛАР

Сендин айру тушкали кўнглум асири ғамдурур,
Жонима ҳижрон ғамидин юз туман мотамдурур.

Васлинг ўлса найлайин наврўзу байрамким, манга
Ҳар замон наврўздур, ҳар лаҳзае байрамдурур.

Оламу олам эли душман эса, сен ёр эсанг,
Олам аҳли бирла оламидин манга не ғамдурур.

Сендин айру не осиғ эмди рафиқу ёрдин,
Фикринг ўлмиш маҳрамим, зикринг манга ҳамдамдур.

Ғунча янглиғ лаълидин гоҳе кўнгулдур ғарқи хун,
Гаҳ паришон зулфи янглиғ хотирим дарҳамдурур.

Улки ўзи жондуру ширин лаби оби ҳаёт,
Ҳеч билманким, малактур ё бани одамдурур.

Комрон дедимки, олам ичра йўқ расми вафо,
Яна айтурменки, шояд бор экан оламдурур.

●

Оташи Мусо деган анвори рухсоринг сенинг,
Шарбати Исо эмиш лаъли шакарборинг сенинг.

Эй, басо Мусосифатларким, кўруб ўздин бориб,
Матлаи нури тажаллий келди рухсоринг сенинг.

Қилмайин туғён, қилиб мақсадни манзури назар,
Сурмайи «мо зоғ» чекмиш чашми бедоринг сенинг.

Жаннат ул-маъвода тубий жилвасин қилмас ҳавас
Кимки, кўрди кўюнг ичра қадду рафторинг сенинг.

Эй кўнгул, ишқ ўтидурким, бордурур нора Халил,
Бу сабабдин ўт ичинда келди гулзоринг сенинг.

Истасангким, етмасун даврондин озоре санга,
Саъй қилким, тегмасун ҳеч кимга озоринг сенинг.

Комрон саъй этки, фоний бўлғайсен ўздин тамом,
Истарамким, бўлмағай оламда осоринг сенинг.

Нашрга тайёрловчи:
Сандбек ҲАСАНОВ

Қутлайлиз!

Биринчи марта элликка кирадиганларга жуда қизиқ бўлса керакки, дўстим Омонжон ҳам бу ёшга қадам қўйди. Элликвойлар сир бермай уни ўз сафига қучоқ очиб кутиб олди. Чунки сафимиз кенгайса қандай яхши. Сийраклашишдан худо асрасин. Бундоқ қараганда бизнинг замонамизда эллик ёшга тўлди дегани ҳам ҳеч нарса бўлмай қолди. Ижод аҳли учун босиб ўтилган шунча йил ҳақиқий қад ростлаш, сарҳисоб қилиш фасли, десам адашмайман. Биров ярим асрни катта ижодий юк билан, яна биров ҳавас билан қаршилагани рост. Аммо бизнинг Омонжон тамом бошқача...

Бошқачалиги — мен Омон Мухтор билан бир маҳаллада ўсганман. Охунбобоев номидаги мактабда бир фурсат ўқиганман. Кейин устоз Тошпўлат Ҳамид бошқарган адабий уюшмада қатнашганмиз. Айтаман десам гап кўп. Ўша йилларда ҳам Омон тиришқоқлиги, ижодга астойдил киришгани билан кўпчилик орасида ажралиб турарди. Ўзидан катталар билан бемалол баҳс-мунозарага киришиб кетарди. Тасаввур қилиб бўлмайдиган режалар билан яшарди. Шундан бўлса керак, Омонни кутубхоналарда, даста-даста китоб кўтариб уйга қайтаётганида учратардим. Ана шундай кунларнинг бирида Омоннинг биринчи ёзган масали (сўнгиси ҳам) «Муштум»да босилиб чиқиб қолди. Бу хурсандчиликни қаранг! Ойномани кўтариб дарров чойхонага чопдик. Янглишмасам, уч соат суҳбатлашиб, унинг биринчи муваффақиятини кўк чой билан роса «ювдик». Ҳазил гапми, Омон Мухторни бутун бошлиқ жумҳурият танийди. Кейин билсам, ҳали у талаба бўлмасданоқ «Студентлар» номли қисса ҳам қоралаган экан.

МЕҲРЛИ ДЎСТ АЖРАЛМАС

Кейин ТошДУга (қадимги САГУ) ўқишга келдик. Камида иншодан икки баҳо олиб, Бухорои Шарифга қайтдим. Омон ўқишга кирди. Мен ҳарбийга кетдим. Аммо орамиздаги ёзишма узилмади. Кейин дорулфунун талабаси Омонжон ўз ижоди билан матбуот деганини «ўққа» тутди. Ҳали «Гулхан»да қўш саҳифа, ҳали бошқа рўзномаларда туркум шеърлар. У талабалик йилларидаёқ шоир бўлиб тилга, эътиборга тушди. Ҳаммамиздан олдин «Чорлар қуёшли йўллар» номли шеърлар китобини нашр қилди. Гап орасида яна бир сирни айтиб ўтмоқчиман. Кўп дўстларимиз биздан кейин Тошкенти азимга келиб бирдан рангу-рўйлари очилди. Омонжон эса босиқ, билимдонлик билан ўзини тутиб келди. Мақтовга ҳам, қақшатқич танқидга ҳам кўникди. Ўз атрофига сохта ҳайбаракаллачиларни йиғмади. Фақир киши панада қабилида иш тутиб қаламига бирпас ором бермади. Шеърлар, ҳикоялар тўплами кетма-кет ўқувчисининг қўлига келиб тегаверди. Танқидчилар бунга қанчалик эътибор берди, деб сўрарсиз. Қанчалик бўларди, амалсиз, гуруҳбозликка раъйи бўлмаганидан кейин, шунчаликда...

Адабий муҳит ҳақида сўз кетадиган бўлса, Бухоронинг ҳам ҳали битилмаган бетакрор адабий муҳити бор. Бухоро ва бухороликлар ҳаётини яхши билган Омон Мухтор устоз Садриддин Айнийдан кейин ҳамюртлари орасида роман ёзган десам йўғе, дегувчилар топилар. Ҳолбуки, бу ҳақиқат. «Йиллар шамоли», «Эгилмаган бош» романлари сўзимни қувватлайди. Фидойи шоир, ёзувчи дўстим оташнафас Султон Жўра руҳини тиклаш учун озмунча хизмат қилмади. Шундай ватандоши борлигини фақат бизга эмас, белорус дўстларимизга ҳам танитиб келди. «Учқур поездлар» деган қисса ёзди. Султон Жўранинг арвоҳини шод қилиб, унинг бор бисотини йиғиб, ҳалолу покиза ўз халқига тақдим этди. Омон Мухтор ўша қотма, айнимайдиган йиллар шамолида тобланган қаламкаш. Уни андак мақтов билан сотиб олиш, беҳуда йўлга солиш қийин. Ғийбату ҳар хил «деди-дедилардан» йироқ юрадиган Омонжон керак бўлса сизга соатлаб ўз ижодидан намуналар ўқиб беради. «Раҳмоновлар хонадони» шеърий туркумини ўқиб берганида тингловчиларнинг кўзларидан ёш чиқиб кетганини ўзим кўрганман. Ҳали айтганимдек, Омон Мухтор ўз оғирлигидан ҳам кўпроқ ижодий юкни кўтариб элликвойлар қайдасиз деб, дўстлар сафига кириб келди.

Қувонмай бўладими. Ҳалолу покиза ижодкор дўстимизга шундай пайтда: «Хуш кўрдик, қани тўрга ўтинг!», деймиз-да...

Сафар БАРНОЕВ

Омон МУХТОРОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби

ҚАЛЪА

Бухорода кичик бир бўлаги қолган қалъага ғамгин қараб турганимда, Бухоро қалъасини бухороликлар ўзлари бузишиб, уйлар қуришиб, уни Бухоронинг ўзи еди, деди менга бир чол.

Сен учун
каммиди четдан босқинлар,
Искандар, Чингизхон, Қутайба, Доро?
Дарс бериб қайси бир алвасти-жинлар,
Қалъангни единг-ми, ўзинг, Бухоро?!

Дунёда қалъасиз мумкин, дедингми,
Очкўз ва шафқатсиз
бир олам аро?!
Бухоро, қалъангни ўзинг единг-ми?
Уй қургинг келдими, шўрлик Бухоро?!

Қийин бошпанасиз, албатта, яшаш,
Сенинг тўрт томонинг ел учган саҳро.
Аммо,
юрагингда туймадингми ғаш,
Қалъангни единг-ми ўзинг, Бухоро?

Фарзандларинг ҳали
бир куни йиғлар,
Деб бизнинг бахтимиз
бунчалик қаро!
Дастурхон ўрнида — қолиб қийиқлар...
Қалъангни единг-ми ўзинг, Бухоро?!

●

Сезиб,
ҳаяжонга тушаётирман —
Сен
эшик ортида турганлигингни.
Шу кунлар
мени деб юрганлигингни —
Сезиб,
ҳаяжонга тушаётирман.

Қушдек
осмонларда учаётирман,
Қўмсаб
мен ўзимча сенинг нозингни.
Бағримга отилган
эҳтиросингни —
Сезиб,
ҳаяжонга тушаётирман.

Мен энди
қандайдир
кўчаётирман —
Урганган еримдан
осмон-фалакка.
Сиғиниб
тенги йўқ
сендек малакка —
Яна
ҳаяжонга тушаётирман...

●

Сени деб,
танлаган сўзларим —
Тўпланиб қолдилар
кўнглимда.
Сир бермай юрсам-да,
кўзларим
Тўкилиб турибди
йўлингда.

Сени
бир кўрмоқни истайман —
Шу куни,
шу соат,
шу лаҳза.
Сен менинг, эҳтимол, қисматим,
Дунёда
баёнсиз бир ларза...

●

Бухоро — жўн сўзми, дилбар қўшиқми,
Оддий латифами, таранг достонми?!
Нақшбандий каби — буюк ошиқми,
Бир пайтлар айтгандек,
Фарангистонми?!

Ўйлаб йиллар бўйи, билмадим аммо:
У — қора даштларми, алвон
қирларми?!
Тилини йўқотган кекса бир момо —
Бизнинг кўксимизда ётган сирларми?!

●

Кўлда бу кеч чўмилмоқда ой,
Ялтираган сочларин ёзиб.
Тун — атрофда кезинган гадой,
Кўлга яқин келолмас босиб.

Етганидан ширин висолга,
Кўл чайқалар бамисоли маст.
Тун — атрофда ботган хаёлга —
Ўзин сезиб аллақандай паст...

Қўчқор НОРҚОБИЛ

ХАЙРЛАШУВ

Яхши бор!
Воҳ, руҳни парчалаб йиғлаган санам.
Зимистон сизаюр қароқларингдан.
Тўкма, кўз ёшингда менинг жоним бор
Титилиб кетмайин титроқларингдан.

Тош каби турибман қаршингда тилсиз,
Нега йиғлолмайман ерга бош уриб.
Қудрат топ. Кел, мени қучоқлаб ўлдир,
Сўнгра кўзларингга қўйгин яшириб.

Йўқ...
Кетма! Кўйлаги нурлардан ҳарир,
Қўллари қанотга айланган тайр.
Токай йўлларингда нигоҳим қарир
Қўксимга қадалиб тўртта ўқ — «Хайр».

Кел,
Ўзим қучайин... қўйвормай сира.
Бедард дунё кўрсин дарди борларни.
Вақт билсанг — оқ халат кийган
ҳамшира
Айри олиб кетар ярадорларни.

А З О Б

Эзилиб — эзилиб тераза йиғлар,
Бир хазин оҳангдан титрар ташқари.
Беруҳ чекмоқ оғир... Дунёнг бўғилар
Саф тортмиш ёлғизлик лашкари.

Тераза чарсиллар... томчилар
Унинг чертишидай алдайди.
Ўкинчдан ясалган қамчилар
Кун бўйи савалаб толмайди.

Бардошнинг чўғ тўла косаси
Кўзларинг олдида липиллар...
Ичкари оташгоҳ...
Ҳовлида
тошмоқда ёмғирранг сепкиллар.

Ва туйқус руҳингда чинқирар
Поездлар... у қайтмас вокзалда...
Хонангдан отилиб чиқасан —
Ёмғирда ўлмоқлик афзалда...

●

Сенинг сочларингни силамоқ учун
Ўргандим юлдузлар оятларини...
Кўнглим дарёсида сут оқди қалқиб
Сўзларим чайдилар қанотларини.

Сенинг сочларингни силамоқ учун
Худодан осмоний қўллар сўрадим...
Тилимнинг ости гул, тилим усти гул
Кел-ей, йўлларингга осмон нуради.

СОҒИНЧ

Икром Отамуродга

Ота юртга кетаман, ака,
Кўп соғиндим сертикан чўлни.
Оёқларим ёқтирмай қўйди
Аллақачон сип-силлиқ йўлни...

Тушларимга кириб чиқади
Полиз, чайла, қоровул отам...
Қовунларнинг тарс ёрилишин,
Қандай билсин бу олифта тонг.

Танишинг: ЯНГИ НОМ

Бу ҳикояни йигирма яшар йигитча ёзган. Сиз ҳам, албатта, сезарсиз — ҳали у ҳикоя қуришнинг ибтидоий усулларинигина билади, кўрган-кечирганларини айтиб қолишга шошади, қаҳрамонларини, айниқса, кексаларни гапиртиришга қийналади. Лекин сиз бошқа нарсани — бу ёш муаллифда ички нигоҳ борлигини, унинг юраги ҳисларга бойлигини, қаламининг «қидирувчи «фикр»га ботирилганини ҳам сезасиз, деб ўйлайман. Қолаверса, ушбу ҳикоя ҳозиргача ёзганларининг сараларидан бири, холос.

Ў ҳикоясида бир ўринда осмон «ҳозиргина шилинган кўй терисидай кўмкўк, у ер бу ерида чарвидай ҳарир булут юқлари кўзга ташланади», дея тасвирлайди. Баҳриддиннинг мен ўқиган барча ҳикояларидаги бундай тасвирий тиниқлик, ҳамма нарсанинг онаси бўлмиш сирли табиатга астойдил яқинлик унинг қаламига умид туғдиради.

Раҳмон ҚЎЧҚОРОВ

Ўлан-Зўр дайлат

ҲИКОЯ

ЧОШГОҲ. ЧАЛҒИЛАР ОВОЗИ ДАШТ ЖИМЖИТЛИГИНИ БУЗАДИ. Баҳорги селлар ювиб, тагига кафтдек-кафтдек қайроқ тош тўшаб кетган сойлик юқорисида, палағда тухумдек дўнг яланглик қўйнида Ашур бобо иккаламиз ўт ўраяпмиз. Игна тилли майсали тизза бўйи ўт кўз ёшидек тиниқ, новвотранг шабнамдан шалаббо бўлиб ётибди. Ут-ўлан титраб, жилоланиб турган бу афиф томчиларни баргидамас, ҳовучу кафтларида тутиб, офтоб нурларига омонат каби узатиб тургандай... Унда-бунда кўзга кўриниб қоладиган чучмомалар келинчаклардек бош эгиб таъзим қилиб қолишган, гўё уялгандек ердан кўз узолмайдилар. Ут сувидан чалғилар ҳўл... Уз бағрида ўсиб ётган ранго-ранг гулларнинг муаттар ҳидидан дашт ҳам сархушдай. Қушлар чулдираши булоқ шилдираши янглиғ қулоққа хуш ёқади, гўё бизни аллаламоқ умидида жон куйдираётгандек бўлади. Осмону фалакда, тепамизда даштнинг етим қўбизчиси бўзтўрғай нола қилади, увоққина юраги қонга тўлиб бўзлайди. Қилт этган шабада йўқ. Куёш нурини аямай сочяпти. Ҳудудсиз дашт қўйнида ёлғиз иккимиз. Бобо етмишга кирган, бироқ тетик, ишга чанг солишини кўриб унда йигирма яшар йигит қуввати бор дейсиз. Бир текис, хўп машқини олганиданми шошилмай ўтга чалғи солади.

Тўрт чақирим нарида қишлоқ кўзга ташланади. Қишлоқнинг қоқ ўртасидан чиқиб дўнглик, сойлик ошган йўл бир кўринниб, бир кўринмай кетади. Ҳар замонда ўша ёққа қараб оламан. Яшиллик қулф уриб чор-атрофга сепини ёйган, қишлоқ теграсидаги бахмал нимча қийинган қирлар кишини роҳатбахш қучоғига тортади.

Қуёш тикка келиб қолди.

— Қани, кел тушлик қиволайлик. Қорнинг ҳам очқаб қолгандир?

Ут ўришдан тўхтадим, пешонамдаги терни билагим билан арта туриб орқамга — ўрилган ўтга қарадим.

— Оббо сен-е... — дейди буни кўриб бобо, кўзларини мендан узмай бошини сарак-сарак қилиб чайқайди. — Ўрганингдан кўнглинг тўлмаяпти, чоғи. Сиз ёшлар ана шунақа-да, вақтида имиллаб, сўнг ишларинг юришмаганидан хуноб бўлиб ўтирасиз. Мени гапларимга хафа бўлма, ҳали ғўрсан, одам дегани-чи секин пишади довуччадай... ҳа. Лекин ишга оч қолиб ёпишмаслик керак, шунақа... чумчуқ туядай қадам ташлайман деб путидан айрилганакан.

Ўрилган ўтни тўпладик. Бобо тўрвадан нон тугиғлик рўмол, қатиқ, оғзи маҳкамланган сув тўла кўзача олди. Дастурхончани ёзиб, тамадди қилишга киришдик. Кечагина ёпилган юмшоққина нон қатиқ билан бирам мазали, роҳатижон... Яримта нонни қандай еб қўйганимни билмай қолибман.

— Ол евол, қолмасин, —дейди бобо «бўлди» қилганимни кўриб, — йигит деганам шунақа бўладими? Бунақа нон емас бўлсанг, ҳеч бир ишга яролмайсан... сени қара-ю?!

Бу гап жон-жонимдан ўтиб, косадаги қатиғу қолган икки парча нонни ҳам пок-покиза туширдим.

Ўт устига ўзиламиз. Чалқанча ётиб кўкка боқаман. Осмон ҳозиргина шилинган кўй терисидай кўм-кўк, у ер бу ерида чарвидай ҳарир булут юқлари кўзга ташланади. Бобога қарайман, у ёнбошлаб олган, кўзларини хиёл қисиб олисга — қишлоқ ёққа термулади. Мўйловидай ўсиқ қошлари остидан ўткир боқувчи кўзлари тиниқлигидан худди ёш пардаси билан қопланиб турганга ўхшайди. Пўрсилдоқ лабларини тез-тез тили билан ялаб намлайди, бироқ жигарранг лаблар дарров қуруқшаб қоладию, тағин улар устида тил югургилайди.

— Ҳаҳ, ажаб замонлар экан-да... не кунларни кўрмадиг-ов. Бир парча нонга зор бўлиб қунжарада шишиб ўлганларни эсласам, ўша кўргуликларни кўрдикми-а, деб ўйлайману, ҳеч ишонгим келмайди... Ҳув анув қирни кўряпсанми, — бобо ғадур-будур йўғон бармоғи билан қишлоқ биқинидаги баҳайбат қирни кўрсатади. — Болалик пайтимизда ана шу ерда кўчманчи қозоқлар овули бўларди. Ўша кезлар дегин, кетма-кетига икки-уч йил очарчилик ёпирилган дамлар, ҳамма итдек оч, ейишга ҳеч ваҳо қолмаганди. Биров егулик бир нарса топса, яшириб пана-пастқамда, аланглаб-аланглаб тузуқ чайнамай ютади. Биз болалар беш-олтов бўлиб, қани шуларда егулиги бўлса берар раҳми келиб, деб бордик. Қир ошиб мундоқ қарасак, ўзлари ўлим билан олишиб ётибди. Ҳозир худога шукрки ҳаммани қорни тўқ, усти бут. Э-э... бу кунларга шукр қилиш керак.

Офтоб соққадек юмалаб ғарбга оғди. Бобо ўрнидан турди. Бурнини чеккага қоқиб бармоғини этагига яхшилаб артди-да:

— Қани тур-чи, — деди менга, бир офтобга қараб олиб, — кўз илинса сўнг қўлинг ишга бормай қолади.

ЯНА ЧАЛҒИЛАРНИ ҚЎЛГА ОЛАМИЗ. Қулочкашлаб ўтга чалғи соламиз, чалғи ҳам ўтўланни ўткир устарадай қиртишлаб ерга оппаосон «шарт-шурт» этказиб ётқизади. Аввалига иссиқдан ўришга унчалик ҳушим келмади, ёқмади, жуда-жуда чўзилиб ётгим келди. Салқин тушгач, ўз-ўзидан ғайратим жўшди, кўпроқ ўргим келганидан кун ботганини ҳам сезмай қолибман. Бир пайт қарасам қош қорайиб қопти.

Кун бўйи ўрилган ўтни бир ерга ғарам қилиб уйдик. Икки катта ғарам бўлди ўрганимиз.

— Бугунча етар. Ҳа... анави жар лабига довур ўт бўлиқ — ўроқбоп, яхши ўсган. Эрта билан кеб ишга тушсак, пешингача ўриб бўламиз. Кетдик энди, — бобо қишлоқ тарафга юзланди, — кампирим ҳам ана келади, мана келади деб йўлимга кўз тикиб ўтиргандир.

Сойга тушдик. Икки чалғини бир ерга қўйиб устига тош қаладик-да, белги қўйиб йўлга тушдик. Бир пасда қоронғулик чўкди. Осмон шошилиб бошига олмос ип қўшиб тикиғлик тим қора рўмолини ташлади. Аллақайси осмон фариштаси қулоғидан тушиб қолган тилла балдоқ — ой бир чеккада илиниб қолган... Қишлоқ тарафдан итлар вовуллаши қулоққа чалинади. Теварак-атроф сукутга чўмган, фақат йўл четларида чигирткалар чириллайди. Жўяк тортилгандай йўл ўртаси майса билан қопланган. Икков икки ёнда кетиб боряпмиз. Бобонинг букчайиброқ қолган гавдаси ойдинликда аниқ-тиниқ кўринади, қўллари орқасида, бошини гохда қимирлатиб-қимирлатиб теваракдан кўз узмай кетяпти.

— Буни қара... шўрлик от туёқлари дупурига зор-а! Бир пайтлар бу ерлардан дукур-дукур ерни ларзага келтириб отлар елиб ўтарди. Энди-чи?.. Эҳ, зап замони бўлганакан-да шу даврлар. Баҳору куз сиз ёшларнинг етти ухлаб тушингизга кирмайдиган улоқ, кўпкари бўларди. Норғул, тоғни ураман деса тапқон қилгудай йигитлар қани ҳозир. Менам ўша чоғлари чаканамасдим, девдай кучим бор эдиёв... гоҳида ўтириб-ўтириб шундай дамларни эсласам, юрак бағрим эзилиб, ўпкам тўлиб, томоқдан ҳеч нарса ўтмай қолади. Сенга ёлғон туюлар, худога чин, шамол билан басма-бас елгудай отим бор эди. Ҳақ рост. Таг-туги зотли бўлган шекилли, жониворнинг ақли ҳам ўзига яраша, зап қулинг ўргилсин от эди-да! Икки қизим бўйи етмай ўлиб кетгач, ўйи хаёлим шу от бўлиб қолганди: худди фарзанд ўрнига менга худойим от бергандай... Ўғил кўргач, ғайратимга ғайрат, кучимга куч қўшилди. Бу яқин атрофда қаердаки тўй-маърака бўлса, ўша ерда улоқ бўларди, боравердим. Ўзиям узоқ вақт доврўқ таратдим... Бу орада ўғлимам каттариб қолди. Уни яхши тарбиялядим. Бироқ талтайтирганим йўқ, ҳақиқий ўғил бола бўлиб ўсди: курашда ўзи тенгилардан елкаси асло ер искаганмасди, аммо отга меҳри бўлакча эди. Бармоқлари ҳам асл чавандозники каби калта-калта, йўғон эди. Биласанми, чавандоз деганни қўли шундоқ бўлиши керак, ундай қўлдан қамчию улоқни тортиб олиб бўпсан. Хулласи, суяги бузуқ, бақувват йигит бўлди. Унга қараб туриб севинганидан кампирим йиғлаб ҳам оларди: кўз тегмасин ишқилиб дерди, ҳатто келинам топиб қўйганди. Лекин... аттангки пешанамизга сиғмади... ёш кетди.

Бобо жимиб қолди. Ҳарсиллаб нафас олгани, хўрсингани эшитилди. Қошларини силаган бўлиб, кафт билан кўзларини бир-бир артишидан билдимки, йиғлади. Юрагининг туб-тубидан сизиб чиқдиёв бу ёшлар.

Анча юргач, тағин гап бошлади.

— Булоқ бошида пода ҳайдаладиган жой бор, берироғида яланглик, билсанг керак. Худди мана шу ерда улоқ бўларди. Кейин... одам қони тўкилгани учунми одамлар у ерга оёқ босмай қўйишди. Бир кўклам қишлоқнинг каттаси Митанбой ўғлини уйлантирди, тўйдан олдин ўша ерда улоқ бўлди. Яқин атроф қишлоқлардан чавандозман деган оқиб келди. Улоққа катта ҳам ожиз қоларкан. Нимани кўрдинг де, ерда уст-боши тупроқ ўғлим ётарди. Дод деб отдан сакраб тушдим. Ҳаммаёғи қонга беланган. «Ўғлим, ўғлим...» дейману қани энди жавоб бераколса... Оғзидан булқиллаб қон отилиб чиқди. Алланима демоқчи бўлди, улгуролмади, қон оғзини тўлдириб кўпикланади. «Ўғлим...» деб йиғлаяпману, кўз ёшларим қип-қизил қон яктаги остида кириб-чиқиб лопиллаб турган кўкрагига томчилайди. Талвасада типирчилаб яктагим кифтини чангаллаб йиртди-ю, жон берди болам бечора.

БОБО ГАПИРОЛМАЙ ҲИРҚИРАБ ҚОЛДИ. Ютингани эшитилди.

— Кўзлари тикилганича қотди-қолди. Дод деб қучоқлаб олдим... Қанча шуйтиб турганимни билмайман. Кўтариб турғизишибди. Ўрнимдан турганимда одамлар орасида Солим чавандозга кўзим тушди. Ўша, худди итарганди боламни, жиққа ёш тўла кўзларимга ғазаб қуйилиб у томонга отилдим. Шу чоқ азамат бир қўл елкамдан ушлаб қолди. Ўгирилиб жўрам Тоғайга кўзим тушди.

— Ўзингни бос, Ашур! — деди у , —майдонга эр одам тушади. Номардга майдон ҳаром... Қилмиши ўзига, қолаверса, худога ҳавола. Ўзингни бос!.. Шусиз ҳам тўй азага айланиб бўлди.

Онаси шўрлик ўғлини ўлик кўриб ақлдан озаёзди. Ювиб бўлиб тобутга солишганда, тобутига чимилдиқ тикишди... Қани энди йиғи-сиғи ўлганни тирилтирса экан. Э-э... бу дунё!... Ана шундай, у биз чолу кампирни армон ўтига бир умрга куйдириб кетди.

Шу-шу қайтиб майдонга оёқ босмадим. Тушсам, аламзада бўлиб от жониворга кўп азоб беришимни, унда отнинг деви уришини билардим. Биласанми, от саҳар пилла деви билан ўйнашади, уни кўпам безовта қилмаслик керак. Шунақа... От қарғиши азоби жуда-жуда қаттиқ бўлади.

Тоғу тошга чиқиб кетдим. Чўпонлик қилдим. Оқтов этаги, Кўлтўсин даштлари, бу ёғи Қорақарға тараф... йигирма йилча кездим бу дашти биёбонни. Эл молини боқиб юрдим. Отим доим ўзим билан бирга бўлди, зарил бўлмаса минмасдим, пиёда юраверардим. Бир гал ўлим рўбарў келди-ю, бурилиб кетди... Кунботардаги арратиш чўққили тоғларга кўзинг тушгандир ҳойнаҳой, улар фақат кун ботиш олдидан кўринади. У ёқларда қозоқлар яшайди. Дашти серўт, сершувоқ. Шу тарафларда мол боқиб юриб қудуққа тушиб кетганман. Таг-туби йўқдек қудуқлари бор. Бари сувсиз, қуриб қолган, гойи-гойида сув чиқиб турмаса агар...

Кун қиёмига етай деганда, бир қудуқ олдида дам олдим. Оғзига терилган тошлари қулаб атрофга сочилиб ётганакан. Қазилганида ҳавоза ғалтаги бўлган шекилли, икки четида ердан бир қаричгина синган ёғоч учлари чиқиб турибди, қолгани йўқ... биронтаси совуқ кунда ўтин қип ёққандир-да, деб ўйладиму ҳуржунни тагимга тўшаб ўша ерга ўтирдим. Кампирим кеча эрталаб тугиб берган кўкбичакни еб, сув ичиб чўзилдим. Сўнг, жин урсин, қаерданам калламга қудуқни суви бормикан деган ўй келди. Гўдак муштумидек тошни ташлаб энгашиб қулоқ тутдим. Аввал «тақ» этган, бир оз ўтиб «тиқ» этиб овоз келди. Ажабландим. Қизиқда икки хил товуш чиқса. Қад ростлаб ўгирилганимни биламан, қучоққа сиғмасдай қуюнга урилдим. Қаердан пайдо бўла қолди дарров, ҳайронман. Менга урилганда ортга хиёл тисарилганимни биламан, қудуқ лаби ўпирилиб орқам билан тушиб кетдим. Ўтакам ёрилиб овозим борича бақириб юбордим. Қудуқ ичкарилаб борган сайин торайиб борарканми дейман, қайсидир барака топкур ташлаб юборган чўплар қудуқ ўртасига тақалиб қолганакан, шулар мени асраб қолди. Ёғочлар устидан қўзғалиб қудуқ четларидан тортиб чиққан тошларга оёқ тираб пича турдим. Пастга қарашга юрагим дов бермайди. Ҳаҳадек зим-зиё. Икки кўзимни юқорига тикаман, кўм-кўк осмоннинг кафтдеккинаси кўриниб турибди. Шунда тепадан қулоғимга отимнинг кетма-кет қаттиқ кишнаши эшитилди. Қувониб кетдим. Танам енгил тортгандай, қўл-оёғимга куч оқиб келгандай бўлди. Аста-секин эҳтиёт бўлиб тирмашиб-тирмашиб кўтарила бошладим. Амаллаб чиқволдим. Чиқдиму таппа йиқилдим. Қанча ётганимни билмайман. Кўзимни очсам атрофимни қўйлар ўраб олишибди. Отим сувлиғини чайнаб тепамда турибди. Кўзларим жиққа ёшга тўлди. У мендан кўз узмайди. Ё қудратингдан парвардигор, тилсиз жониворнинг бундай тикилиши... Тишимни тишимга босиб, бир бало қилиб отга мингунимча уч-тўрт йиқилиб турдим. Оғриққа чидаб отни бўйнидан қучоқлаб қўйларни қунчиқарга қараб ҳайдадим. Ярим кечаси қишлоққа кириб кепман. Вафо беданавознинг уйи олдига келганда отдан йиқилиб ўзимдан кетибман. Ифтордан қайтаётган одамлар кўриб қолиб уйга обкелишибди. Ўзимга келсам тепамда кампирим кўз ёши қилиб, бурнини артиб ўтирибди, атрофимда қўни-қўшнилар...

Уч кун ётдим шундай ўликдай чўзилиб, оёқ қурғур шунақаям азоб берардики, чидаб бўлмасди.

Кампирим худойи қилиш тараддудига тушибди. Улоқ сўйдирибди. «Терисини обкелинглар, таёқниям», дедим. Келтиришди. Қирқилмаган улоқ териси экан, олдиму чап оёқни тўпиғидан тизза билан қўшиб яхшилаб ўраб, чандиб боғлаб ташладим. Таёқни тегини пичоқ билан қириб олиб қайноқ чойга солдиму, тиндириб ичдим. Гўри нурга тўлгур дадам раҳматли: тоғ-тошда минг бир гиёҳ эзиб, ширасини шимади, таёқ учида хосият кўп дегувчи эди. Ке, бир гапи бўларда, деб ўз билганимдан қолмадим. Шу куйи ётдим. У ёғини асти сўрама, бу оёқ шишиб, шунақаям сасиди, нақ... ҳидига на кампирим ва ва на қўшнилар туролмай, уйдан қочиб чиқишди. Бешинчи куни терини кесиб ташлаб, эмаклаб-эмаклаб ташқарига чиқдим. Ана шундан сўнг бу оёқ тузалиб кетди, лекин эти тошдай қаттиқ бўлиб қотиб қолди...

Қишлоққа атиги ярим чақирим йўл қолди. Милтиллаб турган чироқлардан кўз узмай шошилмай одимлаймиз.

Устига кўкдан қуйилаётган ой нури ҳарир парда бўлиб тўшалаётган қишлоқ худди бир тиниқ кўлдек, кўкдаги юлдузлар акс этаётгандай бўлиб кўринади. Бобо истар-истамас гапида давом этди.

— Шу-шу чол кампир икковимиз бир биримизни асраймиз. Бир-биримиз билан андармонмиз... Ҳа, айтганча, Солим чавандоз ўлимидан олдин мени йўқлабди. «Шуни ўғлини бошига мен етувдим, кечирармикан. Бўлмаса гўримда тикка ётаман...» дебди. Бордим уйига. Кўриб, рости кўнглим бузилди. Унинг иккала оёғиям йўқ: қорасон бўлгач, олдин бир оёғи, кейин иккинчисиниям кесиб ташлашган экан. У турган хона ҳавоси бузилиб кетганидан уйда ўтириб бўлмасди.

«Кечир мени, Ашур! Номардлик қилганакан-ман ўшанда. Иқрорман. Жабрини тортдим... Орият учун ким нималар қилмайди, биласанку ўзинг. Кечир, мени...» деб ёлворди, йиғлади. Юрагим эзилиб нима дейишимни билмай қолдим.

Эртасига қазо қипти... Ким қилмагай, ким топмагай... Э-э, бу дунё шунақа экан. Кимга вафо қипти, ҳаммамиз ҳам кетамиз, биримиз олдин — биримиз кейин. Югур-югур, ғаму андуҳ билан умр ўтиб ҳам кетибди, буни қара пайқамай қопмиз-а... Дўнглик ошиб тушамиз, олдда қишлоқ ястаниб ётарди.

Ғала-ғовурдан тинка мадори қуриган қишлоқ оғир тин олган, кундузи ғал тегмаганидан энди навбат бизга етти-ку, деб ялпиз ўткир бўй таратиб ётган ариқларда, суви муздай қўлмакларда тили бийрон қурбақалар яйраб қуриллайди. Қишлоқ кифтига пардек қўниб турган осудаликни чўчинқиратиб, безовталаниб итлар ҳуради. Булар овози сувсиз жомга тушиб кетган чақа товушидек зулмат жимлиги қўйнида аниқ-тиниқ эшитилади. Кўкда бедор ой яраклайди, илиқ бир майинлик қоришиқ ёғдуси билан қишлоқ бошини беозоргина силаб-сийпалайди. Ана шундай ажиб бир тароват, хушёқар сокинлик чулғаган фарахбахш тун қўйнида эркаланиб ётган қишлоққа жимгина кириб борамиз...

Абадий остонасида

Жамол КАМОЛ

ЕР ЮЗИДА ЕТТИ ШАРИФ БОР... Шулардан биттаси Туркистон минтақасини ёритиб турибди... Бу — Бухоройи шариф... Биз, ана шу минтақа фарзандлари — Однл Ёқуб, Шукрулло, Рамз Бобожон, Эмин Усмон ва мен дунёда шарифи аввал ва шарифи соний саналмиш Маккан Мукаррама ва Мадинайи Мунавварага сафар қилдик... Боболаримиз бу йўлда озмунча заҳмат чекишмаган. Бизга ҳам осон бўлмади... Не-не довонларни ошиб ўтдик, не-не саҳроларни босиб ўтдик... Неча бир тўсиқларни енгиб, юлиниб-юлқиниб бўлса ҳам Москванинг Шереметьево тайёрагоҳига чиқиб олдик. Сўнгги тафтиш, сўнгги текширув... Ниҳоят, Австрия ҳаво йўлларига қарашли «Боинг»да нафасни ростладик ва шу ерда илк дафъа бир-биримизга ташвишсиз, асабсиз кулиб боқдик... Худога шукур!.. Кейин парвоз...

Тайёрамиз Венага яқинлашиб, пастлай бошлади.

— Далаларга боқ, далаларга! — деб қичқириб юборди Шукрулло ака. — Худди бе-қасамга ўхшайди-я... Бай-бай!.. Тарам-тарам қилиб ишлаб ташлабди, азаматлар... Барака топишсин, асл меҳнаткаш халқ экан!..

Чиндан ҳам Австрия далаларига боқиб, кўз тўймайди... Пайкаллар худди шахмат катакларини эслатади: мавзун ва ораста, ораста ва мавзун... Яшнаб-ярқираб ётибди. Ерга, тупроққа шунча оро бериб ишлаш учун қанча куч-ғайрат, қунт-ҳафсала, меҳр-муҳаббат керак.

Венага қўндик. Ёмғир шивалаб турибди. Ўзни тайёрагоҳ ичкарисига олдик. Бу ердаги шинамлигу қулайликларни тасвирлашга тил ожиз. Бу — йирик халқаро аэропорт. Аммо биз учун одатий югур-югур, итар-итар, бақириқ-чақириқлар қани? Ҳамма тамкин билан, табассум билан гаплашади. Қулоқни батанг қилувчи моторлар шовқини ҳам йўқ. Шунинг учун бўлса керак, тайёрагоҳда ажиб бир сукунат...

Бир зумда меҳмонхонага жойлашдик.

Оз бўлса-да, Венани сайр этдик. Ойнадек сип-силлиқ йўлларда машиналар сирпаниб, товушсиз, шарпасиз учади. Суриштирсак, тайёра бензинига спирт қўшиб ишлатишаркан. Шу сабабли кўчалар сокит, шовқин йўқ, тутун йўқ... Трамвай йўлларини махсус бўёқлар билан бўяб қўйишибди.

Тушликдан сўнг Венадан Қибрисга учдик. Тайёрада нозик ниҳол қизлар хизмат қилишди. Хатти-ҳаракатларида самимият ва меҳрибонлик, назокат ва нафосат... Тайёра радиосидан тўрт канал орқали узлуксиз дилрабо қўшиқ ва оҳанглар янграйди. Қулоқлик тақиб, ҳар кимса истаганини эшитади. Мен бошида ҳам, қайтишда ҳам Ривалдининг машҳур «Йил фасллари»ни тингладим...

Қибрисда жиндай тўхтаб, яна йўлга равона бўлдик. Нақ ярим тунда Жиддага яқинлашдик. Тағин ҳайрат ва ҳаяжон ила пастга тикилдик. Тарам-тарам чироқлар тўлқини, тўлқин-тўлқин шуълалар оқими... Бир сўз билан айтганда — нур денгизи... Чеки-чегараси кўринмайди... Тайёрадан чиқарканмиз, юзимизга Арабистон саҳросининг ҳовур-алангаси урилди... Кечаси шундоқ бўлса, кундузи қандоқ бўларкин... Бизни зиёратга таклиф этган Макка-робита вакили, бир неча юртдошлар ва Жиддадаги совет бош консули Лутфулла Исмонлхўжаев кутиб олишди. Жидда тайёрагоҳи — улкан, муҳташам аэропорт.

«Ал-Аттос» отелига қўниб, дам олдик. Эртаси куни ҳамшаҳарларимиз зиёратчилар кийими — иҳром келтириб, зиёрат тартибини тушунтиришди. Иҳром ёпиниб, икки ракаат намоз ўқиб, йўлга тушдик. Аввал бошлаб бир уламонй киромнинг уйига бошлаб боришди. Дастурхон устида ўзимизнинг муфтий Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Содиқ ҳазратлари билан Тожикистон қозисини учратиб, хурсанд бўлдик. Улар бўлажак ҳаж мавсуми масалаларини ҳал этиш учун келишган экан. Емакдан сўнг Маккайи Мукаррамага томон йўлга тушдик. Йўл ойнадек равон. Икки чеккада бир-бирига туташ, паст-баланд, яйдоқ қирлар. Тиккайган дарахт йўқ. Ҳар-ҳар ерда худди осмондан тушган метеоритга ўхшаш ваҳимали қора тошлар... Маккага яқинлашганимизда бизни тўхтатиб, ҳужжатларимизни текширишди. Кейин муқаддас шаҳарга қадам қўйдик. Кўзимиз ўнгида номи болалигимизданоқ қулоқларимизга минг марталаб қўйилган Маккайи шариф... Қип-ялонғоч тоғлар билан ўралган, паст-баланд тепаликлар устида қурилган қадим шаҳар... Милодий иккинчи асрда яшаган юнон тарихчиси Птоломей уни «Макораба» деб атайди. Бу ибодатхона, демакдир... Зеро, Ер юзида илк бор қад кўтарган ибодатхона шу ерда жойлашган. Уни бузрук Абулбашар, яъни Одам Ато бунёд этган. Жумла аҳли ислом бош эгиб «Каъбатуллоҳ» деб атайди уни. Каъбатуллоҳни Масжиди Ҳарам, Масжиди Ҳарамни Маккатуллоҳ ўраб туради... Гўё тан ичра қалб, қалб ичра жон каби... Айлана йўллардан ўтиб, Масжиди Ҳарамнинг қаршисидан чиқдик. Азамат, муҳташам иморат... Юксак мезанали миноралари, мовий гумбазлари, чил устунли пешайвонлари, кунгирадор, қуббадор, серҳашам дарвозалари ила қуёш нурларига чўмиб, ярқираб турибди... Масжиди Ҳарам рўпарасидаги «Макка» меҳмонхонасига жойлашдик. Сўнг «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм»ни айтиб, зиёратчилар учун вожиб бўлмиш «Лаббайкаллоҳумма лаббайк ло шарика лака лаббайк...»ни ҳар нафасда такрорлаб, қутлуғ остонага қадам қўйдик... Бу қадамжога кимлар келиб кетмаган? Ва бу остонага қадам босишни кимлар орзу этмаган... Ўн бир яшарлигида Жалолиддин Румий отасига эргашиб, ана шу тупроқни тавоф айлаган... Алишер Навоий ҳазратлари эса умр бўйи ана шу хокипокни кўзга суриш орзуси билан яшаганлар... Биз, бир гуруҳ ўзбек қаламкашларига чинданам буюк саодат насиб этмиш, зеро умр йўлимиз тангри таоло уйининг остонасига етмиш...

МАСЖИДИ ҲАРАМНИ УМАР БИН АЛ-ҲАТТОБ бино қилган. Саҳни етмиш беш минг квадрат метр, етти минораси, йигирма беш эшиги бор. Биз «Ас-салом» дарвозасидан кириб бордик, юзлаб устунли улкан айвондан ўтиб, беҳисоб мармар зиналарни босиб, улкан мармар саҳнга тушдик. Мармар саҳн ўртасида — Каъбатуллоҳ... Устига «Қисва» деб аталувчи қора ипак мато ёпилган, тўрт бурчак иморат. Қисвага Қуръон оятлари битилган ва заррин иплар билан тикилган... Каъбатуллоҳ Нўҳ пайғамбар замонида сув тошқини туфайли вайрон бўлган. Сўнг уни Иброҳим Халилуллоҳ қайта қурган... Кейин тағин кўп марталаб бузилиб, кўп марталаб тикланган. Жаноб пайғамбаримиз ҳижратидан ўн саккиз йил олдин уни яна бир карра бузиб, қайта қуришган. Қора тош, яъни Ал-Ҳажар Ал-Асвадни расулуллоҳнинг ўзлари иморат пойдеворини жанубий-шарқий бурчагига ётқизганлар. Унга қарама-қарши бурчакда эса Саодат тоши — Ҳажар ас-Саада жойлаштирилган...

Каъбатуллоҳ атрофида минглаб одамлар дарёси мавж уриб оқади. Биз ҳам ана шу буюк дарёга қўшилдик. Каъбатуллоҳ атрофида етти карра айланиб, тавофи қудумни адо этдик. Иброҳим Халилуллоҳ мақоми ёнида туриб, намози шукрона ўқидик. Саждага бош қўяркан, гўё Худо олдида, Абадият остонасига бош қўйдик... Шу тобда хаёлдан не сўзлар ўтмади, кўнгилдан не гаплар кечмади, дейсиз...

Машраб сени деб кечди жаҳондин,
Бошини қўйди остоналарга...

Беихтиёр ана шу мисралар ёдимга тушди ва кўзим ўнгида янги уфқлар ёришди... Ва шунда англадимки, мусулмони комил ҳар гал ибодат этиб, саждага бош қўяркан, абадият остонасига бош қўяди... Ўзини илоҳий назардан ўтказади, Худо олдида масъуллигини ҳис этади... Ва яна англадимки, Абадият Худони танишдан бошланади. Худони таниган, Абадиятни ҳис этган инсон ўзини танийди ва ўзлигини ҳис этади. Атеистик абадият бор, илоҳий абадият бор... Атеистик абадият — маҳдуд абадият. У инсонни чеклайди, дунёни эгасиз қилиб қўяди. Аммо инсон ўзлигини англаган аснода атеизм қурган иморатлар емирилиб, кукундек сочилиб кетади...

Кейин дуога қўл очдик. Фарзандларимиз, хешу ақраболаримиз, ёру биродарларимизни дуо қилдик. Халқимиз, юртимизга истиқлолу истиқбол сўрадик. Сўнг Сафо ва Марва тоғларига етти карра чиқиб, зиёратнинг вожиб амалларидан яна бирини адо этдик. Ниҳоят, Замзам булоғидан тўйиб-тўйиб сув ичдик... Эмишки, Иброҳим Халилуллоҳнинг хотини биби Ҳожар чақалоқ ўғли Исмоилга сув излаб, ана шу икки тоғ орасида зир югурган. Чанқаб, танглайи қақраган бола сабрсизлик билан оёғини ерга урган, шунда тошлар орасидан ана шу зилол чашма отилиб чиққан... Мана, минг йиллардан бери у ҳамон шарқираб оқиб ётибди. Ҳар йили уч миллион зиёратчи келиб ана шу чашмадан чанқоғини қондиради... Аммо Замзам умрига завол йўқ, у қуримайди, бетиним оқаверади... Икки тоғ орасидаги саъй-ҳаракатларимиз, Замзам булоғидан сув ичишларимиз — ўша айёмларнинг муқаддас ёди, ўша азизларнинг эзгу хотираси учун...

Эртаси куни Мино водийсида бўлдик. Бу ерда ҳожилар шайтонга тош отишади... Сўнг Арафот тоғига чиқдик. Маккадан йигирма беш чақирим нарида жойлашган бу тоғни Жабалал Раҳма, яъни Раҳмат тоғи ҳам дейишади. Бир ривоятда айтилишича, Одам Ато билан Момо Ҳаво илк бор шу ерда учрашишган... Яна бир ривоятда айтилишича, Иброҳим Халилуллоҳ ва унинг ўғли Исмоил Каъбатуллоҳни тиклаганда Арафотдан тош олишмаган... Шунда тоғ фарёд чеккан... Унинг фарёдига жавобан Тангридан нидо келган: Эй Арафот, тинчлан. Каъба зиёратига келганлар сенинг ҳам зиёратингга келурлар... Билхосса, сенга ҳам раҳмат ёғилгай...

Мино водийси ва Арафот тоғида бўлганимизда йўлбошчимиз Раҳматулло Туркистоний ғалати бир қувурга эътиборимизни жалб этди: Ҳорун Ар-Рашиднинг хотини Биби Зубайда ана шу қувур воситасида Нўъмон водийсидан сув келтирган. Мана, ўн уч асрдирким маккаликлар ана шу қувурдан сув ичишади...

Шу куни Робита Ислом идорасининг бош котиби ўринбосари Муҳаммад Носир ал-Абудий қабулида бўлдик. Мезбон биз билан суҳбатда Туркистонда етишиб, Ислом илми ва маданияти шуҳратини дунёга таратган Имом Исмоил Бухорий, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Насир Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби буюк алломаларнинг номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олди. Юртларимиз, халқларимиз орасида қадимдан мавжуд бўлган диний, маданий алоқаларни тиклаш ҳақида сўзлашдик. Жиддада совет консулхонаси очилди — яхши бўлди, Тошкентда Саудия консулхонаси очилса, Тошкент — Жидда ўртасида тайёралар қатнаса, яхши бўлур эди, деган тилаклар айтилди. Робитанинг бой кутубхонаси билан танишдик. Робита ҳузуридаги Ҳайъати ижоза мудири доктор Ҳайдар Ас-Сафо ва унинг маслаҳатчиси доктор Ҳусайн Қосим ислом дини билан замонавий илму фан ўртасидаги алоқалар ҳақида гапирдилар. Улар ана шу алоқалар устида илмий тадқиқот ишлари олиб боришади. Масалан, Қуръондаги бир оятда шундоқ дейилади: Денгизлар ичида денгизлар яшайди... Баъзилари иссиқ, баъзилари совуқ, баъзилари чучук сувли, баъзилари шўр сувли денгизлар... Улар бир муҳитда яшасаларда, аралашмайдилар... Чунончи, иссиқ денгизнинг балиқлари совуқ денгизга, совуқ денгизнинг балиқлари иссиқ денгизга ўтишмайди... Шамол уларни бир-бирларига томон суради. Лекин ўртадаги кўзга кўринмас фасилалар девор бўлиб, уларни ажратиб туради, аралашишга йўл қўймайди... Бундан бир минг тўрт юз йил олдин Қуръонда зикр этилган бу фикр яқинда фазовий тадқиқотлар воситасида тасдиқланди... Бундай мисоллар жуда кўп. Канадалик доктор Китмор махсус тадқиқот яратиб, Қуръон оятлари ва Ҳадиси шарифнинг илмий негизини чуқур асослаб берган...

МАККА УНИВЕРСИТЕТИДА БЎЛДИК. Ҳамшаҳарларимиз психология доктори Абдулманнон Мулло Мансур Марғилоний ва математика доктори Абдулфаттоҳ Бухорий бизни қаршилаб, ректор ҳузурига бошлаб боришди. Университетда ўн тўрт минг талаба таҳсил олади. Саккиз куллиёти, ўн учта илмий маркази бор. Кутубхонасида 400 минг китоб жамланган. Барча дунёвий билимлар ўқитилади. Таълим-тарбия бепул. Чуқур билим олиш, етук мутахассис бўлиб етишиш учун ҳамма шароитлар муҳайё. Чунончи, ҳар бир талаба бир ойда ўртача саккиз юз риёл стипендия олади. Бу — 350 доллар деган сўз. Бунинг устига, талабани китоблар, кийимкечак билан таъминлаш ҳам давлат зиммасида. Махсус автобус талабани ўқишга келтириб, тағин уйига элтиб қўяди.

Макка ёзувчилар клубида бўлган учрашувда Одил ака халқимизнинг бой маданий мероси, Алишер Навоийнинг 550 йиллик юбилейи ҳақида сўзлади. Ўзаро борди-келдини йўлга қўйиш, китоблар айирбошлаш, энг яхши асарларни таржима қилиш ҳақида келишиб олдик. Учрашувни видеога суратга олиб, шу ондаёқ ўзимизга қўйиб беришди... Ёзувчилар клубининг 200 аъзоси бор. Ҳар сешанба куни йиғилишиб туришади. Ҳукуматдан ёрдам олишади. Ҳукумат ҳар бир янги китобни муносиб тақдирлайди, камида пулмаблағ билан мукофотлайди. Макка ёзувчилар клубига ўхшаш клублар Жидда, Риёд, Ал-Қосин, Абҳа, Гизан, Мадина ва бошқа шаҳарларда ҳам мавжуд.

Шу куни кечқурун юртдошимиз Сафохон Жалолхон тўра ўғли Марғилонийнинг уйида меҳмонда бўлдик... Хонадон аҳли ўн қаватли уйнинг фақат тўққизинчи қаватини эгаллаган, қолган қаватдаги хоналарни ҳам ясатиб, жиҳозлаб қўйишибди. Ҳар йили ҳожиларга ижарага беришади. Катта даврада ҳозир бўлган юртдошларимиз: Санд Музаффархон Мусахон ўғли Марғилоний, Абдураҳмон Самарқандий, Олимжон Исмоилжон ўғли Андижоний, Абдураҳмонхўжа Қаҳҳоржон ўғли Қўқандий, Абдулманнон Абдулвосит Намангоний, Яҳёхон Юсуфқори Тошкандий, Илёс Назрулоламин ўғли Андижоний, Аҳмадали Туркистоний, Раҳматулло Туркистоний, Муҳаммад Амин Абдулвосит Бухорий, Умар Мирахмад Тошкандий ва бошқалар... Дастурхонда анвойи мевалар: узум ва олма — Америкадан, ўрик — Туркиядан, манго — Покистондан, гилос — Лубнондан, мандарин — Мисрдан, олча — Сурия дан...

— Йил ўн икки ой дастурхонимиздан ҳўл мева аримайди, — дейишади ҳамшаҳарлар. — Дунёнинг барча ўлкаларидан мева оламиз. Кошкийди, йўллар очилиб, Она Туркистонимизнинг ҳам узум ва қовунларидан баҳраманд бўлсак...

Узум бирла қовуннинг ҳажрида кўнглимда ғам ҳар су,
Оқар сувнинг фироқинда кўзимдин ҳар дам оқар сув.

Аҳмадали Туркистоний жумҳуриятимиз Олий таълим вазири Шавкат Алимовнинг мактубини ўқиб берди. Ўзбек талабаларини Макка ва Мадина университетларида ўқитиш масаласи муҳокама этилди... Жумҳуриятимиздаги аҳвол ҳақида кўплаб саволлар беришди. «Нега Озарбайжон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон Туркия билан яқин муносабатда бўлишаяпти-ю, Ўзбекистон етарлича фаоллик кўрсатмаяпти?» деган савол қайта-қайта ўртага ташланди. Юртдошлар билан учрашув, муҳокама ва мунозара эртаси кун Тойиф шаҳрида давом этди. Тойиф — Саудия Арабистонининг шимолида жойлашган, бир қадар салқин ва яшил шаҳар. Тойифнинг узумидек узум, аноридек анор бўлмас, дейишади. Биздаги машҳур тойифи узумнинг асл ватани шу Тойиф бўлса ажабмас. Тойифга хос қизил гул ҳам беназир эмиш. Кўчаларида лиму ва қора мурч оғочлари гуркираб ўсади. Шайх Ҳусайн Турдиали Бухорийнинг отелига қўндик. Ўн беш — йигирма чоғли ҳамшаҳарлар «Аҳлан ва саҳлан!», «Ё марҳабо!» деган нидолар ила қарши олишди. Шоир Комил Абдулло Тошқиннинг уйида зиёфатда бўлдик. Баҳсу мунозаралар қизиб кетди.

Бизни Шарқия маҳалласига олиб боришди. Икки кўча кесишган катта Чорсу... Ҳамшаҳаримиз Абдуллажон шу ерда бир зум тўхтаб, ён-атрофдаги уч-тўрт қаватли шинам уйларга ишора қилди:

— Мана, шу уйларда юртдошларимиз яшайди, — деди у кулиб. — Қаранг, ҳавоси ҳам Туркистон ҳавосига ўхшайди...

Кейин шаҳарни айландик. Яна бир-икки юртдошимизга дуч келдик. Дўкондорлик қилишаркан. Бири — Ойим қишлоқдан, бири — олтиариқлик...

Тойифдан Маккага қайтиб, кейин Мадинага йўл олдик. Уни Ясриб ёки Мадинатул Наби ҳам дейишади. Шаҳарга қош қорайганда кириб бордик. «Ал-Мунаввара» деганча бор. Ерда ҳам, ҳавода ҳам нур балқиб, ҳамма ёқ чироқлар шуъласига ғарқ бўлиб ётибди. Қадим иморатлар, замонавий меҳмонхоналар, магазинлар ўз улуғворлиги ва ҳашамати билан кишини тонг қолдиради. Ҳазрат Расулуллоҳ масжидларида намоз ўқидик. Ва ул зоти шарифнинг мақбараларини тавоф қилдик. Халифалар Абу Бакр, Умар ва Усмон қабрларини зиёрат этдик... Масжид ҳам, мақбара ҳам дунёнинг турли ўлкаларидан дарёдек оқиб келаётган зиёратчилар билан гавжум... Минглаб одамлар ўқиётган дуою тиловатлар юксак гумбазлар остида акс-садо бериб, денгиздек шовуллайди...

ОҚШОМ ҲАМШАҲАРЛАР БИЛАН СУҲБАТЛАШДИК. Эртаси куни Ал-Боқий қабристонига бордик ва Уҳуд жангларида ҳалок бўлган шаҳидлар хотирасини эсга олдик. Кейин Мадина университети ва Қуръон матбаасида бўлдик. Университетда асосан ислом таълими бериларкан. Матбаа энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Жами 1700 киши ишлайди. Ҳар йили 9 миллион нусха Қуръон чоп этилади. Бу ададни 27 миллионга етказиш мумкин, дейишди. Ҳозирча Қуръон тўққиз тилда босилиб, дунёга тарқатилди: инглиз, хитой, немис, француз, итальян, испан, турк, форс, япон тилларида... Шу кунларда Қуръонни рус тилида босишга ҳозирлик кўришяпти. Бизда Қуръони Карим Аловуддин Мансур томонидан ўзбек тилига таржима этилганини сўзладик. Эшитиб, хурсанд бўлишди. Тақдим этсаларинг, бир неча миллион нусхада чоп этишга ҳозирмиз, дейишди. Кечқурун ҳамшаҳримиз, йирик бизнесмен Муҳаммад Сирожиддин Жамол ҳамроҳлигида Жиддага жўнадик. Йўл-йўлакай Мадинада жаноб пайғамбаримиз илк бор қурдирган Қубо Масжидига тушиб намоз ўқидик. Сўнг йўлда давом этдик. Йўл чеккасида машиналар қабристонини ҳам кўрдик. Каттакичик юзлаб машиналар қалашиб ётибди... Беш юз километрдан ортиқроқ масофани салкам уч соатда босиб ўтдик. Машина қилт этмайди, аммо елдек учади. Бундоқ оромижон йўлларни биз орзу қилишимиз мумкин, холос. Турк ширкатлари қуришган, дейишди. Барака топишсин. Шу қадар кенг ва текиски, тайёра эркин учиб, бемалол қўна олади.

— Оқшомги Жиддани кўрмабсиз, — дунёга келмабсиз, — дейди Сирожиддин ака. — Кўп олифта жойлари бор...

Чиндан ҳам бу шаҳарда Сирожиддин ака айтмоқчи «олифта», гўзал масканлар, дилрабо гўшалар беҳисоб. Денгиз ва шаҳар бир-бирига туташиб кетган... Денгиздан шаҳарга, шаҳардан денгизга нур оқади... Денгиз бағридан ҳавога отилган электр чироқлари шуъласида камалакдек товланган юксак фавворалар хаёлий манзаралар ясаб, шаҳарга сирли, афсонавий тус беради...

Эртаси куни Жидда сув электр станциясида бўлдик. Буюк замонавий иншоот. Арзон электр қуввати ишлаб чиқаради ва денгиз сувини чучутиб, бир кунда 100 миллион галлон сув етказиб беради. Қизил денгиз бўйи ва Форс кўрфази соҳилида шунга ўхшаш яна ўн битта иншоот бор. Бу иншоотларни араб инженерлари Америка, Италия, Япония мутахассислари билан ҳамкорликда қуришган. Улар мамлакатнинг сувга ва электр қувватига бўлган эҳтиёжини тўла қондиради. Иншоотнинг баҳайбат қувурлари, улкан турбиналарини кўздан кечирдик. Қизил денгиз соҳилига чиқдик. Мовий денгиз оппоқ кўпиклар сочиб, чайқалиб ётибди.

— Бунинг нимаси қизил? Осмондек мовий-ку, — дедим мен.

— Аслида мовий денгиз деса ҳам бўлади, — деди кулиб иншоот инженери, араб йигит. — Аммо уфққа боқинг, осмон билан денгиз туташган жойда қизғиш шуълалар ўйнайди... Балки «Қизил денгиз» дейилишининг сабаби шудир...

Жидда сув электр иншооти — Саудия Арабистони тараққиётининг ёрқин кўзгуси. Бу кўзгуга боқиб ривожланиб бораётган саноат, гуркираб ўсаётган қишлоқ хўжалиги, бир сўз билан айтганда, юксак турмуш даражасини кўрасиз. Дўконларда мол-маҳсулот тиқилиб кетган. «Супер маркит» деб аталувчи бозор-магазинларда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Ҳамма жойда, ҳамма соҳада тўкинчилик, маъмурчилик, фаровонлик... Аммо айрим ашёларнинг баҳоси бизга бироз баландроқ туюлди. Шунда Аҳмадали Туркистоний изоҳ берди.

— Сиз ўз тошу-тарозингизни қўятуринг, — деди у. — Бу молларни бизнинг тарозимизда тортинг...

Сўнг аниқ мисолга ўтди:

— Эминжон, бир ойда қанча маош оласиз?

— Икки юз сўм...

— Шу икки юз сўмга қанча гўшт беради?

— Ўн кило...

— Баракалла. Ошхонада фаррош бўлиб ишлаётган манави бангладешлик йигит эса бир ойда 1200 риёл ҳақ олади... Бу — 550 доллар деган сўз. Шу пулга 120 килограмм гўшт беради... Бошқасини шундан қиёс қилаверинг...

Тушунарли... Бу ерда озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой муаммолари аллақачон ҳал этилган. Уйда ҳам, машинада ҳам, магазинда ҳам, масжидда ҳам — ҳар нафасда салқин ҳаво уфуриб, жонга ора кирувчи совутгичлар... Халқ орасида шундай таъбир бор:

— Маккада ёз ўн уч ой давом этади...

— Ажабо, бир йил ўн икки ой эдику?..

— Бир ойни келгуси йилдан қарз олади....

Хуллас, совутгичлар воситасида 45—50 даражали жазирама иссиқдан жон сақлашади... Кўпчилик оилалар уч қаватли ёки беш — олти қаватли алоҳида уйларда яшайдилар. Мармардан қурилган, салқин, баҳаво бу уйларни аслида «қаср» деса арзийди. Ана шу қасрлар олдида оила аъзоларининг рангбаранг енгил машиналари ярқираб, саф тортиб туради. Гараж нима, қулф нима — билишмайди. Ўғрилик қилганнинг қўли, қасддан одам ўлдирганнинг боши кесилади. Жиноятчилик оз. Ичкилик ичишмайди. Ичганни аяшмайди. Зино қилган, ҳаром йўлга юрган эркакка ҳам, аёлга ҳам шафқат йўқ, тошбўрон қилишади... Шунинг учун бўлса керак, қамоқхоналарда маҳбуслар сони бармоқ билан санарлик. Мамлакат ҳаёти осуда, фуқароларнинг тирикчилиги осойишта кечади.

Доктор Раҳматулло Марғилоний ҳикоя қилади:

— Бултур уч ой таътилни оилам билан Истанбулда ўтказдим. Уйга қайтсам, эшиклар ланг очиқ... Аввалига ҳайрон қолдим. Хоналарни айлансам, ҳамма нарса ўз жойида. Уйга биров кирмаган ёки кирса ҳам бирор нарсага қўл тегизмаган... Кейин эсладим, англадим: уч ой бурун Истанбулга шошилинч жўнаб, эшикларни бекитишни унутибман...

Биров уй қурмоқчи бўлса, давлат унга 25 йилга деб 300 минг риёл қарз беради. Шу қарзнинг йигирма фоизидан дарҳол кечади. Қурилишни ўз вақтида бошлаб, сифатли давом эттиришса, яна ўттиз фоизидан кечворади... Хўш, қурилиш дегани бу ерда ҳам машмаша, дардисарни, дерсиз? Асло. Турк ширкатлари хизматга шай. Битим тузиб, ақчаси тўланса, бас, калитни келишилган муддатда қўлингизга топширишади. Давлат камбағалқашшоқ, бева-бечораларни текин турар-жой билан таъминлайди. Ҳар йили бир неча уй қуриб, уйсизларга садақа ўрнида тарқатувчи бой-бадавлатлар ҳам оз эмас... Давлат деҳқонлар етиштираётган маҳсулотларни бозор нархига нисбатан тўрт баравар қимматига сотиб олади ва шу йўл билан деҳқончиликнинг ривожига кенг йўл очади. Деҳқончилиги тўхтовсиз ривожланиб бораётган Саудия Арабистони жазирама саҳрода мўл-кўл буғдой етиштириб, бугун Совет Иттифоқига ғалла сотаяпти. Мамлакатнинг асосий бойлиги — нефть ва зайтун ёғи. Нефть — давлат мулки ҳисобланади. Бир йилда 8 миллион баррел нефть қазиб олинади. Хурмоси борларга ҳар йили хурмо бошига 50 риёлдан пул берилади. Юзга қўй боққан киши шу юзта қўй баҳосида давлатдан ҳақ олади. Аҳолига медицина хизмати текин... Ғапнинг қисқаси:

Биз гаражга битта эмас, ўн битта қулф урамиз,
Ҳар куни бир мажлис қилиб, коммунизм қурамиз, —

деб хиргойи қилиб юрганимизда бу ёқда ислом байроғи остида аллақачон «коммунизм» қуриб қўйишибди. Мен «коммунизм» деганда кўпчилик халқнинг тинч-осуда, бой-бадавлат ҳаёт кечиришини кўзда тутаман...

Саудия Арабистони — бой мамлакат... Аммо бизнинг юртимиз ҳам бойликда ундан қолишмайди. Хўш, шундоқ экан, нега уларда ундоғу бизда бундоқ? Бунинг сабаблари бор. Уларда ҳалоллик ва инсоф-адолатга суяниб иш қилишади. Бизда эса ҳалол-ҳаром аралашиб кетган, инсоф, адолатдан гапирмаса ҳам бўлади. Ароқ ичмаган, куфур йўлига кирмаган кунимиз йўқ.

САУДИЯ АРАБИСТОНИДА ҚАРИЙБ 700 МИНГГА ЯҚИН юртдошимиз яшайди. Уларни «Туркистонийлар» ёки «Бухорийлар» деб аташади... Бухорийлар Имом Исмоил Бухорий ҳурмати учун бутун солиқлардан дархон, яъни озод этилган... Уларга олинажод, олийнасаб кишилар деб қарашади, ҳар ерда алоҳида иззат-эҳтиром қилишади. Турмушлари тўқ, эътиборлари баланд, бой-бадавлат ҳаёт кечиришади. Масалан, Аҳмадали Туркистонийнинг ҳам Жидда, ҳам Мадина, ҳам Истанбул, ҳам Нью-Йоркда уйи бор. Шу уйларнинг эшиги олдида машинаси бор. Виза ташвиши йўқ, истаганда боради, истаганда келади...

Ҳамшаҳарларимиз ғалати бир воқеани ҳикоя қилиб беришди. Фаҳриддин Умар Камол деган юртдошимиз оғир хасталиниб, қирол Абдулазиз касалхонасига тушиб қолибди. (Айтмоқчи, касалхона шундоқ деб аталади, аслида бу ерда амалдорлар учун алоҳида, фуқаролар учун алоҳида касалхоналар йўқ. Ҳаммага текин, бир текис медицина хизмати кўрсатилади). Хуллас, подшонинг укаси Амир Султон хастахонани айланиб, ҳалиги касалдан аҳвол сўрабди. Касал алоҳида уйи йўқлигидан шикоят этибди. Эртаси куниёқ унга подшоликда уч қаватли уй билан ўттиз беш минг риёл пул ёрдам беришибди... Оиласини ўша уйга кўчириб, сўнг видеога суратга олиб, унга кўрсатишганда шўрлик севинганидан «Энди ўлсам, армоним йўқ!». деб фарёд чеккан экан...

Кечқурун ҳамюртимиз Абдураҳмон Абдуқаҳҳор Атоҳўжа ўғли Қўқандийга қарашли «Қасрил Мадина» меҳмонхонасида ўлтириш бўлди. Ҳамшаҳарлар билан яна бир бор дийдор кўришиб, хайрлашдик. Шу ерда бир авиация генерали билан танишдим

— Сизга ўхшаш ўзбеклардан чиққан генераллар яна борми? — деб сўрадим мен.

— Ўзбеклардан чиққан ўн бешта генералимиз бор...

— Учувчилар-чи? — Ўн — ўн беш учувчи ҳам бордир?

— Нега ўн—ўн беш бўларкин? — ажабланиб боқди менга генерал. — Ўзбеклардан етишган юзлаб учувчиларимиз бор...

Ичимда ўйладим: Тошкентда, Туркистон қўшинлари штабида бирорта ўзбек генерали бормикин? Ўзбекистон авиакомпаниясидаги ўзбек учувчилари сони йўнтага етармикин?

Менинг ўйларимни уққандек генерал таклиф қилди:

— Ўзбекистон мустақил авиакомпания тузмоқчи бўлса, биз ёрдамга шаймиз. Кадрлар тайёрлаш, зарур техника воситаларини ҳозирлашга бажонидил кўмаклашамиз.

Абдулфаттоҳ Нур эса бошқа бир таклифни олға сурди:

— Тошкентда ишбилармонларнинг кенгаши бўлармиш. Бу — яхши... Ўзбекистонни дунё бозори билан боғлашда кўпроқ ўз юртимиздан чиққан кишиларга суянмоқ керак... Хитойда бу тажриба яхши самара берди...

Мадиналик Исматулло Султон отанинг сўзлари юрагимга нақшланиб қолди:

— Болам, мен асли Тошкент атрофиданман... Бир кун бориб, Байтқўрғонда масжид қураман деб 30 минг долларни тугиб қўйибман... Байтқўрғонликларга мендан, Ҳабибуллодан, Хайруллодан, Одилдан, Аднондан, Насиба опадан саломлар етказинг...

Шу оқшом Макка-робита бош котиби Абдулла бин Умар Нассиф қабулида бўлиб, унга ўз ташаккуримизни изҳор этдик. Бош котибнинг камтарлиги бизни ҳайрон қолдирди. Ислом дунёсининг йирик арбоби сифатида танилган бу кишининг геология фанлари доктори эканлигини эшитиб, яна ҳайратимиз ошди...

Ярим тунда Жиддадан Венага томон парвоз қилдик. Қизил денгиз соҳилидаги азамат шаҳар шуълаларга бурканиб, миллион чироқлари билан бизни кузатиб қолди...

ХУЛЛАС, МАККАЙИ МУКАРРАМА, МАДИНАЙИ МУНАВВАРА зиёратига мушарраф бўлдик. Биз оддий зиёратчилармас, ёзувчилар, қаламкашлармиз. Кўрганбилганларимизни муҳокама-мулоҳаза этишимиз, уларни фикр-мушоҳада элагидан ўтказиб, маълум тўхтамларга келишимиз даркор. Хўш, қиссадан ҳисса, ҳикоядан ҳулоса борми? Бор. Мана, улар...

Исломни бизда узоқ йиллар тараққиёт душмани деб келишди. Саудия Арабистонида биз тамом бошқа манзарани кўрдик. Ислом ақидаси билан замонавий фан ва техника ажойиб бир йўсинда боғлангани, улар бир-бири билан уйғунлашиб кетганига гувоҳ бўлдик. Демак, ислом — тараққиёт бўғави, деган гаплар беҳуда. Аксинча, исломнинг асоси-аввали саналмиш поклик, ҳалоллик, олижаноблик талаблари толмас қанот бўлиб жамият тараққиётига хизмат қилмоқда...

Тарихдан маълумки, бир халқнинг эрку ихтиёрини олмоқчи бўлганлар дастлаб уни ериданг, кейин эътиқодидан, сўнгра она тилидан маҳрум этишади. Ериданг, эътиқодидан, она тилидан маҳрум бўлган халқ ўз қиёфасини йўқотади. Шу халқни ташкил этувчи инсонлар эса қорин тўйдирса — шод, тўйиб ухласа — хурсанд бўлувчи зотларга айланиб қолишади... Бизнинг халқимиз ана шу қабоҳатларни бошидан кечирди. Биз гуллаб яшнаётган ўлкалар, етук, ривожланган миллатлар сафидан ўрин олишни истасак, еримиз, эътиқодимиз ва тилимизга ўзимиз тўла хўжайин, яъни соҳиб ихтиёр бўлмоғимиз зарур. Акс ҳолда, бизга истиқбол ва тараққиёт эшиги ёпиқ...

Боболаримиз айтган доно сўзлар орасида ажиб бир ҳикмат бор. «Ё Худо, ўзингга банда қил, бандасига банда қилма» дейди улар. Бандасига банда бўлиш — қуллик, худога банда бўлиш эса — озодликдир. Биз етмиш йил шахсга сиғиниб яшадик. Энди Худога банда бўлишимиз, озодлик йўлини танлашимиз даркор. Зеро, гуркираб ривожланаётган Саудия Арабистонида биз бандасига банда бўлганларни учратмадик, аммо Оллоҳга банда бўлганларга ҳар қадамда дуч келдик...

Сўнгги сўзим. Не бахтки, мен қаламкаш дўст

ТАСАВВУР ЗИЁСИ

ЧЎЛПОННИНГ «ЁРҚИНОЙ» ПЬЕСАСИНИ ЎҚИБ...

АБДУЛҲАМИД СУЛАЙМОН ЧЎЛПОННИНГ ШЕЪРИЯТИ, «Кеча ва кундуз» романи, таржималари, публицистик ва адабий-танқидий асарлари тебарагида, мана, уч-тўрт йилдирки, оздир-кўпдир, создир-носоздир, гап бўлиб турибди. Лекин буюк адибимизнинг икки йирик асаридан бири (биринчиси) — «Ёркиной» пьесаси танқидий мушоҳада доирасидан ҳали-ҳануз четда қолиб келмоқдаки, бу таассуфланарлидир. Ҳолбуки, айни шу дастлабки йирик асар Чўлпон даҳосини англаб етишда ўзига хос очқич вазифасини ўташи мумкин эди.

Пьеса нега «Ёркиной» деб номланган? Асардаги Момо ким? Ёркинойнинг отаси Ўлмас ботир ва севгилиси Пўлат ботир (Пўлат ўғри)ларчи?... Бу саволларга жавоб топмоқ учун аввало муаллифнинг изидан бориб, халқ оғзаки ижодига мурожаат этиш ва мажоз санъатининг табиатини яхшироқ тушуниб олиш керак бўлади.

Маълумки, Шарқнинг нафис санъати минг йиллардан буён мажоз асосида иш кўради. Унинг ҳар бир қатра-ю нуқрасида мажоз ва тимсолга дуч келасиз. Дейлик булбул — ошиқнинг тимсоли, гул — маъшуқанинг, боғ — адабиёт ва санъатнинг, дев — ёвуз кучнинг, кал — шумликнинг, арслон — жаҳлу жаҳолатнинг, аждаҳо — балойи нафснинг ва ҳоказо. Агар халқ оғзаки ижодида «ботир» сўзи «ҳокимият» «ҳукмдор», «ҳокимиятга интилувчи шахс» маъноларини англатишини назарда тутсак, демак, хулоса келиб чиқадики, Чўлпон Ўлмас ботир тимсолида — эски ҳокимият ва эски тузумни, Пўлат ботир тимсолида эса, янги ҳокимият ва янги тузумни назарда тутган. Асарда бу икки тузум ўртасидаги муросасиз курашлар икки ботирнинг кураши мисолида акс эттирилган. Яъни, бир ўқ билан икки қуш урилган: бу қаҳрамонлар ҳам реал шахс, ҳам муайян тимсоллар сифатида иш кўрадилар. Асардаги Ёркинойнинг ўзи ҳам, Момо ҳам, Кал ҳам, Нишобсой беги ҳам, Йўлчибек ҳам, Қумри ҳам, бошқа персонажлар ҳам худди шундай — якка шахс сифатидагина эмас, бирон-бир ижтимоий табақа тимсоллари сифатида ҳаракатланадилар.

Фикримизнинг исботи учун дастлаб Ўлмас ботирга Момо тилидан берилган таърифларга диққат қилайлик: «Хоннинг биринчи ботири», «энг биринчи катта ботири», «оталиғи». Демак, Ўлмас ботир — ҳукмдор, ҳоким, ҳокимият эгаси. Энди Ёркинойнинг таърифи («Отам қассобдан баттар эди») ва қуйидаги ноласига эътиборни қаратайлик: «Қандай отанинг қизи бўлибман, тангрим. Ҳунари гўрковникидан ёмон! Юқорида айтилганидек, Ўлмас ботир эски ҳокимият эгаларининг тимсоли экан, уларга қарши бундай исёнкор нолага, ўйлаб қаралса, энг фидойи ижтимоий табақа вакили — асл ижодкор, ҳаққа ташна чинакам санъаткоргина қодир! Ёркинойни нима учун Момо ўз ҳибзу ҳимоясига олгани ана энди ўз-ўзидан равшанлашади: асарда Ёркиной — сўз санъати, умуман, санъат тимсоли бўлганидек, Момо — халқ оғзаки ижодининг тимсоли. Бунга, масалан, Момонинг «Бир ёмон ҳокимнинг хонга чақиши билан бегуноҳ зиндонга ташланган ўн етти киши» ва «ўша бечораларни зиндондан қутқариб олган бир ботирнинг қилган ишлари» ҳақидаги қисса (халқ хитоби!) ҳам нафис ишора қилиб турибди. Ёркинойнинг «Шу билан мурод-мақсадига етибдиларми?» деган саволига жавобан Момонинг айтган гаплари эса, фикримизга янада аниқроқ таъминот беради: «...Ҳали уёғини ўқиганим йўқ, ҳали зиндонда юрибман».

Дарҳақиқат, «халқлар учун зиндон» бўлган чоризм мазкур асар битилган пайтда ҳам ҳали тўла таслим бўлмаган эди, бошқа халқлар қатори ўзбек халқи ҳам бу зиндондан узил-кесил халос бўлганича йўқ эди (Иброҳим Ғафуров тўғри таъкидлаганидек, бу — Чўлпоннинг энг муқаддас орзусигина эди!) Қисса, нақл, қўшиқ, латифа ва ё чўпчак бўлсин, хуллас, ўз ижодида бу тутқунликни атрофлича акс эттирган эди. Халқ ижоди чашмасидан қониб сув ичган чинакам санъаткор эса, табиийки, Момонинг юқоридаги гапларини Ёркин тилидан қўллаб-қувватлайди ва унга янада жиддийроқ ижтимоий маъно беради: «Рост айтасиз, хола, — дейди Ёркин Момога, — биз ҳам ҳали зиндонда юрибмиз. Мана шу китобингиз (яъни, халқ китоби!) холажон, фол бўлсин: ўша ботир зиндондан омон-эсон қутулиб кетса, биз ҳам мана шу зиндондан қутулиб кетамиз. Дурустми?».

СИРАСИНИ АЙТГАНДА, АСАРДАГИ БАРЧА етакчи қаҳрамонлар — Ёркиной ҳам, Момо ҳам, Пўлат ботир ҳам, Ўлмас ботир ҳам ўзига хос зиндонда: Ёркиной севгилиси, камбағал боғбон Пўлат билан топишишга имкон беравермайдиган ижтимоий мавқеи — «пошшохон»лигининг тутқунида. Момо Ўлмас ботирнинг қўли остида оқсоқликда тутқун, Пўлат қачонлардир ота-онасию қариндошуруғларининг қонини тўккан саркарда Ўлмас ботирнинг боғида тутқун — боғбон. Ўлмас ботир эса, ишонган боғи, кўзининг оқу қораси, ор-номуси — Ёркинойни ўз тенгига — кимсан Хонзодага узатиш учун хоннинг буйруғига кўра қон тўкишга мажбур — қилич-қалқонга тутқун. Пьесада мазкур етакчи қаҳрамонларнинг бундай тутқунликлардан озодликка томон талпиниш йўли, ижтимоий маънода эса, янги, чинакам халқ ҳокимиятининг қарор топиш шартлари атрофлича ёритилган. Бунда, табиийки, асарнинг бош қаҳрамони Ёркиной, яъни санъат ва санъаткор ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Асарда Ёркинойга эгалик қилиш иштиёқида турган талабгорлар бирваракайига учта: Хонзода, Нишобсой беги ва ниҳоят Пўлат. Ёркинойнинг кўнгли эса камбағаллашган боғбон Пўлатда. Бу — табиий. Ахир «Ҳазрати Султон» — Аҳмад Яссавий, ғазал мулкининг султони — «Алишер Навоий ва Шоҳ Машрабдан мерос» қолган нафис санъатга эгалик қилиш иштиёқидаги харидор-талабгорлар ҳамиша ҳам кўп бўлган ва улар турлича ижтимоий табақага мансуб бўлган! Ҳаттоки, не-не хонзодаю шаҳзодалар, бек ва амирлар шундай иштиёқда ёнмаган дейсиз! Лекин чинакам санъаткорнинг шоҳу султонлардан зўрроқлиги, гоҳо шоҳу султон дея улуғланишига сабаб аввало шундаки, унинг кўнгли ҳамиша ҳокимият эгаларига эмас, мададга зор ғариб-ғураболар, камбағал-ялангоёқлар, қашшоқ-бенаволарга, яъни Пўлатга мойил бўлган. Шу боис Ёркиной ҳам отаси Ўлмас ботир ва севгилиси Пўлат ботир ўртасидаги ҳокимият учун курашларда ўз отасига эмас, Пўлатга кўмакдош бўлиш иштиёқида ёнади. Бунга имкон тополмай, Момонинг танбеҳу пандларини енгиб ўтолмай бўғилади. Ана шунда саҳнага, одатдагидек, шумликда шайтонга дарс берадиган Кал кириб келади. Пўлат ўғрига «холис хизмат» қилиб, эвазига Ёркинойнинг ишқи тимсоли — узугини ўғирлаб қочган бу Кал, ўз навбатида, Ёркинойни ҳам алдаб-лақиллатиб, уни Пўлат боғбонга эмас, Нишобсой бегидек бадбашара ва тубан бир кимсага рўпара қилади. Нишобсой беги ўз мурод-мақсадига етгач, «холис хизмати» учун мукофот бериш ўрнига, аксинча, жонини олиш тараддудида турганини сезганда эса, бир думалаб, тағин Ёркин тарафга ўтади-олади. Макрда ўзидан қолишмайдиган бекни айиқдек ўйнатиб, охир-оқибат, Ёркинойнинг қўли билан уни ўлдириб қутулади. Қарабсизки, ўз жонинигина эмас,гўё Ёркинойни ҳам, холани ҳам, Новча полвонни ҳам танг аҳволдан қутқаради. Бу тадбир назмбоз Калнинг чинакам санъаткор, камбағалпарвар Ёркинга ва ё камбағал Пўлатга меҳри товланиб, кўрсатган ҳиммати эмас, ўз бошини асраш йўлидаги ягона чораси эди. Зеро, Калнинг енгил-елпи сажиялари, айниқса, қуйидаги бир байт «ашъори»да худбинона феъл-атворию, ҳар икки томонга таҳқирли назари мана мен деб турибди:

Бек бўлишга, хон бўлишга, шоҳ бўлишга интиласиз,
Пўлатжон ўғри!
Аслингиз ким? Наслингиз ким? Ким бўласиз?
Гапиринг тўғри!

Қизиғи, аниқроғи, муаллифнинг санъаткорлиги шундаки, Пўлатга паст назар билан қаровчи бу «аслзода» Кал ўзи билмаган ва истамаган ҳолда вақти келиб Пўлат ўғрининг ростдан ҳам шоҳ бўлишида ҳал қилувчи роль ўйнайди: Ўлмас ботирнинг қизини алдаб-лақиллатиб, Пўлатга эмас, Нишобсой бегига рўпара қилади. Айни шу сабаб Пўлат билан ҳокимият талашиб жанг қилаётган Ўлмас ботир «қўли юқори бўлса ҳам оқ байроқни аввал кўтариб», рақибининг олдига бош эгиб келади. Қизини Пўлат ўғри эмас, Нишобсой беги (Калнинг ҳал қилувчи ёрдами сабаб) ўғирлаганини билгач эса, Пўлат билан ҳокимият талашишдан буткул воз кечиб, қиз ўғрилари — номус ўғриларининг додини беришга аҳд қилади. Кўриниб турибдики, ҳокимиятнинг эврилишида асосий сабаблар учта: биринчидан, Ёркиной янги ҳокимиятга хайрихоҳ. Иккинчидан, эски ҳокимият Ўлмас ботирнинг ор-номуси Ёркинойни, яъни, Машрабми, Фурқатми, Беҳбудийми ва ё Чўлпон тилга олган машшоқ Отақўшоқми, ишқилиб, чинакам санъаткорни асраб-авайлай олмади. Учинчи ва ҳал қилувчи сабаб — албатта, Калда. Ёркинойнинг истеҳзоли таърифи билан айтганда, бу «жуда қимматбаҳо ва топилмайтурғон бош»да! Ахир, айни шу Калнинг макру ҳийласи сабаб Ёркиной — Нишобсой бегига тутқун, Ўлмас ботир — Пўлат ўғрига таслим, Хонзода — тож-тахтдан маҳрум, Пўлат ўғри — ҳокимиятга эга бўлди-да. Иккисой бегига рўпара қилади. Айни шу сабаб Пўлат билан ҳокимият талашиб жанг қилаётган Ўлмас ботир «қўли юқори бўлса ҳам оқ байроқни аввал кўтариб», рақибининг олдига бош эгиб келади. Қизини Пўлат ўғри эмас, Нишобсой беги (Калнинг ҳал қилувчи ёрдами сабаб) ўғирлаганини билгач эса, Пўлат билан ҳокимият талашишдан буткул воз кечиб, қиз ўғрилари — номус ўғриларининг додини беришга аҳд қилади. Кўриниб турибдики, ҳокимиятнинг эврилишида асосий сабаблар учта: биринчидан, Ёркиной янги ҳокимиятга хайрихоҳ. Иккинчидан, эски ҳокимият Ўлмас ботирнинг ор-номуси Ёркинойни, яъни, Машрабми, Фурқатми, Беҳбудийми ва ё Чўлпон тилга олган машшоқ Отақўшоқми, ишқилиб, чинакам санъаткорни асраб-авайлай олмади. Учинчи ва ҳал қилувчи сабаб — албатта, Калда. Ёркинойнинг истеҳзоли таърифи билан айтганда, бу «жуда қимматбаҳо ва топилмайтурғон бош»да! Ахир, айни шу Калнинг макру ҳийласи сабаб Ёркиной — Нишобсой бегига тутқун, Ўлмас ботир — Пўлат ўғрига таслим, Хонзода — тож-тахтдан маҳрум, Пўлат ўғри — ҳокимиятга эга бўлди-да. Иккиўртада Нишобсой беги ўзи қазиган чоҳга йиқилди. Ҳар қалай, севишганлар ниятларига етдилар: Ёркиной — Пўлатга, Пўлат — ҳокимиятга эришди. Бироқ... шу билан олам гулистон бўлдими? Афсуски, бўлмади-да!

Кўпгина халқ достонлари ва эртакларида оддий бир боғбон, чўпон ва ё ўтинчи юрт ҳукмдорининг ягона қизи — маликага ошиқ бўладию, мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатиб, ахийри севганига эришади. Вақти келиб, қайнатаси бўлмиш салтанат соҳибининг ўрнига юрт тахтига ўтиради. Шу билан севишганлар мурод-мақсадларига етадилар.

ЧЎЛПОН «ЁРҚИНОЙ» ПЬЕСАСИ ХОТИМАСИДА бу анъанага ҳам янгича ёндашиб, уни ижодий ривожлантиради. Муҳими — янги ҳокимият ва унда чинакам санъаткорнинг мавқеи хусусидаги ўз қарашларини айни шу «сўнгги зарба»га жойлайди. Сўнгги — олтинчи пардадан маълум бўладики, эскими, янгими, якка-ёлғиз ҳокими мутлақ шахснинг салтанатими ва ё халқ ҳокимиятими, ҳар қандай ижтимоий тузумнинг ўзига хос тартиб-қоидалари, талаб-шартлари, муаммо-чигалликлари бор. Дейлик, чинакам халқ ҳокимияти учун инсоний жамиятда азалдан мавжуд «кўзқулоқлар» — ҳуфяю айғоқчиларга зарурат борми? Унга эски ҳокимият эгаси «сир билатурғон», кимсан Сотқин Иноқ, Хитойдан келган катта бир ҳаким (Луқмони ҳакимнинг шогирди), афғон саркардаси, машшоқ Отақўшоқ каби не-не зотларнинг бошига етган ҳуфяхоналар керакми ёки керак эмасми? Бу ҳуфяю ҳуфяхоналар НКВД ходимларию КГБ биносидан айнан нимаси билан фарқланади? Чинакам халқ ҳокимиятини қарор топтирмоқ учун одамга миришкор боғбонлик ва енгилмас ботирлик кифоя қиладими? Ёки бу ишда фавқулоддда ақлу дониш, тадбиркорлик, арбоблик салоҳияти ҳам керак бўладими? Бу салоҳият туғмами ва ё Алпомиш, Гўрўғли, Фарҳодлардек болалик чоғлариданоқ махсус тарбияланиб, камол топтириладими?

Ҳа, айниқса, сўнгги — олтинчи парда билан танишар экансиз, дилингизда ҳадсиз-ҳисобсиз саволлар уйғонаверади-уйғонаверади. Мазкур пардадаги ҳар бир жумла, ҳар бир саҳифа, ҳар бир мажлис сизни жамиятингиз табиати хусусида «бошдан дўппини олиб» жиддий фикрлашга ундайди. «Камбағалпарвар шўролар ҳокимияти ҳам ана шу олтинчи пардада яшаб тургани йўқми, мабодо?!» — ўйлаб қоласиз беихтиёр.

Келинг, шу ўринда биргина жумла — биргина арзи-ҳолнинг маъзини чақишга уриниб кўрайлик. Мана, юрт ҳукмдори бўлмиш Пўлат ўз ҳамсуҳбатига нима деб ҳасрат қилади: «Лекин, ота, мамлакатнинг ишларини қилмоқчи бўлган одам Ўлмас ботирнинг нозли қизи билан турмасин экан. Кеча кечаси «мана буларни менга ўқиб бергил!» деб беш-олти ариза берсам, аризани кўтариб уриб... севгидан, ўйнашишдан тушиб келадир... Унга қолса, мамлакат ишини бировга топширсам-да, у билан ўйнашиб ётсам...» Сиз Пўлатнинг ночор аҳволини етарли ҳис қилаётирсизми? Ҳис қилаётган бўлсангиз холисанилло айтинг-чи, кулгингиз келдими ва ё йиғлагингиз? Кўнглингизда Пўлатга хайрихоҳлик ва ачиниш уйғондими, ё нафратми? У идора қилаётган мамлакат аҳлига-чи? Шундай одамга ишониб, ўзини бахшида этган Ёркиной, яъни, чинакам санъаткорга, ўз халқини бахтиёр ва озод кўришни орзу қилган улкан ижод аҳлига-чи? Нақадар ачинарли, одамнинг раҳмию хўрлигини келтирувчи аҳвол, чидаб бўлмас бахтиқаролик бу!

Шу ўринда, айниқса, Ёркинойнинг аҳвол-руҳиясини нисбатан теранроқ ҳис қилишингиз табиийдир. Камбағал Пўлатни деб ўзлигидан кечган одам, энди «Ниҳоят, орзуимга эришдим-ку!» деб турганида, унинг бир оғиз илиқ гапига илҳақ бўлса! Эркалигини қадрламаганда ҳам, лоақал кўтаролмас! Бир умр интилгани — камбағалпарвар ҳокимият, ниҳоят, ўрнатилса-ю, кунигеча ўзи мамлакат тахтига чиқишда жонфидолик кўрсатган азиз одами унга — чинакам санъаткорга лоқайдбепарво қараса! Наинки лоқайд-бепарво қараса, ҳатто уни Дездемонани бўғаётган Отеллодек бўғишга тушса! Шу аҳволда Абдулла Қодирийми, Михаил Булгаковми ва ё Абдулҳамид Чўлпоннинг ўзими, ҳар бир чинакам санъаткорнинг кўнглидан нелар кечади? Тоқати тоқ бўлмайдими ахир! Ёркиной Пўлатга қарата айтган қуйидаги гапларни хаёлида юз карра, минг карра такрорламайдими ахир: «Ҳар қанча чиройли бўлса ҳам мен бу Хонзодаларни севмайман. Сени, сен ялангоёқ, сен бесарупо боғбонни ҳаммадан ортиқ севаман! Шунча вақт чидадим, энди яна чидайман! Лекин, Пўлат, чидашнинг ҳам ҳадди бўлиши керак...»

Даҳо адиб юрагининг тубтубидан баайни қон янглиғ сизиб чиққан дил сўзлари эмасми бу! Чўлпоннинг ўзидан бошлаб то Абдулла Ориповга қадарлик не-не сўз санъаткорлари бу сўзларни хаёлларида неча бор такрорладилар экан?

Ҳа, даҳо адибнинг ёркин бадиий тафаккур ва тасаввур зиёси шу қадар қудратлики, у халқ ҳокимияти ва халқ санъаткорининг реал аҳвол-руҳиясини ёритибгина қолмайди, балки, айни чоқда, келажакни ҳам башорат қила олади. Бу зиё чинакам халқ ҳокимияти ва халқ санъатини, халқ санъаткорини муқаррар ҳалокатдан (жамиятимизни эса, бугунги таназзулдан) қутқаришнинг бош йўлини ҳам ёритишга қодир! Даҳо адиб бу йўлни Пўлатнинг Ёркинойга қарата айтган сўнгги сўзига, худди қатрага сиғдирилган қуёшдек жамлайди: «Мени юрт учун яна бир мартаба ўлимдан қутқардингиз, — дейди Пўлат Ёркинойга, — келинг, ўша юртнинг ишини ҳам биргалашиб қилайлик. Юртнинг ишини биргалашиб қилгандан кейин...»

СИРАСИНИ АЙТГАНДА, ҳар қандай салтанатни гуллатиб-яшнатиш, мамлакатни обод-фаровон қилишнинг бирламчи шарти — ҳокимият ва санъат аҳлининг ўзаро ихтилофга бормай, юртнинг ишини биргаа-бирга, баҳамжиҳат, бир ёқадан бош чиқариб, «бир ёстиққа бош қўйиб» ишлашидадир. Ана шундагина инсоният асрлардан буён орзу қилиб келган гўзал ва баркамол бир зурёд — нурли келажак, адолатли тузум, чинакам халқ ҳокимияти дунёга келади. Бу — Чўлпон ўсмирлигидаёқ англаб етган ва бутун ижодий фаолиятида сўз санъатининг барча соҳаларида ёниб-куйиб, ҳаммамизга англатишга интилган энг олий ҳақиқат эди!

АВЛОДЛАР МЕРОСИ:

ЭЪТИБОРСИЗ БЎЛМАЙЛИК

ПОЙТАХТ ЧОРСУ БОЗОРИНИНГ шундоқ қина ҳунармандчилик расталарига кўзингиз тушган, албатта. Бутун бир шаҳарча ҳосил қилиб турган кичик-кичик устахонадаги турли ҳунармандчилик намуналари диққатингизни ром қилиб қўяди: ёғоч нақш ўйиш, ганч ўймакорлик ишлари, тунукасозлик, пичоқчилик, - ўроқчилик... Бетартиб жойлашган устахоналар оралаб борар экан, илдизи қадим замонларга бориб тақаладиган ҳунармандчиликка муносабат жуда ёмон эканлигини англагандек бўламан.

Бежирим сандиқлар орасида икки уста ўзаро суҳбатлашиб ўтирибди. Уларга яқинлашиб, ўзимни танитдим.

— Бу ерда Октябрь туманига қарашли ҳунармандчилик устахоналари жойлашган, — деб гап бошлади Абдулла ака Ҳошимов. — Бозорнинг нариги томонида ҳам шахсий ҳунармандчилик дўконлари бор. Сандиқчилик ота-боболаримиздан мерос. 30 йилдан буён шу ҳунар билан шуғулланаман. Шу давр мобайнида кўп жойларга кўчишга тўғри келди. Ҳали уни қуришади, ҳали буни. Шу қурилишларни деб ҳунармандчилик билан боғлиқ не-не эзгу ишларимизга путур етди. Яна бошқа жойга кўчишимиз кераклигини айтишяпти. Кераклги хомашёлар ҳам деярли йўқ. Ёғоч, темир жуда танқис.

— Бешик ясашда ҳар бир жойнинг ўзига хос томонлари бор, — дея суҳбатни давом эттирди Абдумалик ака Мажидов. — Тошкентда гулли бешиклар ясалади. Бешикчилик билан 40—45 йилдан буён шуғулланаётган бўлсам, шу услубда безатаман. Бу авлоддан-авлодга ўтиб келаётган одат. Маҳсулотларимизга одамларнинг муносабати ўша-ўша. Аммо қийин шароитда ишлаб келяпмиз. Хомашё топиш йилдан-йилга оғирлашиб боряпти.

Бешикларга, сандиқларга қараб кўзингиз қувонади. Безаклари нақадар жозибали, нафис. Ана шундай халқ ҳунармандчилигини эъзозлаб келаётган фидойиларга эътиборни яхшилаш керак. Негаки, бу усталар тайёрлаётган маҳсулотларга халқимизнинг эҳтиёжи катта.

●

Хадра майдонидаги эски трамвай паркини ҳамма яхши билади. Енғиндан кейин харобага айланган катта майдоннинг бурчагидаги эски иморатда «Усто» халқ амалий санъати усталарининг бирлашмаси жойлашган. Бинонинг ёғоч зинапоясидан кўп марта кўтарилишга тўғри келган. Ҳар сафар келганимда қурувчилар созлаш ишлари билан банд бўлишар эди. Созлаш учун 90000 сўмга яқин пул сарфланди. Шунга қарамасдан, ишхоналар совуқ, қўнғироқлар яхши ишламайди. Умуман, ишлаш учун шароит йўқ.

Халқ усталарини бир жойга тўплаб, ҳунармандчиликни ривожлантираётган «Усто» бирлашмасининг ачинарли аҳволидан ҳамма ҳам хабардор бўлмаса керак. Бирлашма раҳбари Абдураҳим Умаров билан иш юзасидан кўп марта мулоқотда бўлганман. Дастлабки суҳбатимизда халқ амалий санъати муаммолари ҳақида фикр юритган эдик. Ўшанда у киши «ойнаи жаҳон» орқали «Шаҳристон» лойиҳаси тайёрланаётганлиги усталар учун қулай шароит вужудга келтиришини «Эски Жўва» маҳалласида илгаридан сандиқчилар, заргарлар, темирчилар ва бошқа усталар яшаганлиги учун бўлажак устахона Тоштрамнинг ташландиқ 3,5 гектар майдонида бўлиши кераклигини айтган эди. Шундан буён анча вақт ўтди. Бу галги суҳбатимизда Абдураҳим ака «Шаҳристон» лойиҳаси тайёр бўлганини, ҳозир қурилишнинг кирим ва чиқим ҳисоби тасдиқланишини кутаётганликларини мамнуният билан айтди. 12 йилдан буён фаолият кўрсатиб, келаётган «Усто» бирлашмаси олдида ҳал этилиши керак бўлган масалалар ҳам борки, бу ҳақда Абдураҳим Умаров ташвишланиб гапирди:

— Бирлашмамиз қадимги санъат турларини қидириб топиш, тиклаш ва уларни ривожлантириш билан шуғулланаман. Усталаримизнинг ишлаши учун эса шароит йўқ. Бемалол меҳнат қилишимиз учун устахона, усталар тажриба алмашиши ва дам олиши учун алоҳида хоналар, маҳсулотларни сақлаш жойи, чет элдан келган мутахассислар ва сайёҳлар учун меҳмонхона, бошқа вилоятлардан келган усталаримизга ётоқхона керак. Бунинг учун бир миллиондан ошиқ маблағ зарур бўлади. Ҳозир оладиган соф фойданинг 35 фоизини, яъни 53000 сўмни маҳаллий бюджетга нафақа тариқасида олишяпти. Халқ амалий санъати усталаридан нафақа олиш мантиқан нотўғри. Бу пулга усталаримиз учун 10 та шахсий устахона қуриш мумкин. Шаҳар қўмитасининг молия бўлими, Вазирлар маҳкамаси нафақа олишни бекор қилиб, уни бўлажак устахона қурилишига сарф қилишга имконият яратиб беришса яхши бўларди. 1990 йилда 1700000 сўмлик иш бажаришимиз керак эди. Уни 2 миллиондан ошириб бажардик. Халқ истеъмоли бўйича режамизни 120 — 130 фоиз бажардик. Юқори ташкилотлардан ҳеч қандай ёрдам бўлмади. Қўқондаги устахоналаримизни қуриш учун қурилиш хомашёлари топилмади. Шунинг учун 1991 йили кооператив қурилиш билан 102000 сўмга шартнома тузишга тўғри келди. Тошқўғозга гул чизиш (лак миниатюраси) санъати учун қутичаларни усталаримизнинг ўзлари тайёрлайдиган бўлишди. Марғилонда хонатлас чиқара бошладик. Деворга миниатюра чизиш билан ганч ўймакорлигини муштарак ҳолда қўллаш йўлга қўйилди. Қўқон ва Хоразм устахоналари учун 2 та машина олиб берилди. Бу усталаримизнинг ишини жуда енгиллаштириш имкониятини берди. Шунга қарамай, моддий ёрдамга муҳтожмиз. Санъат асарларини яратиш учун турли хил хомашёлар керак. Ҳар бир уста учун устахона қурилса ёки ҳеч бўлмаса ер беришса, миллий маданиятимизга қўшилган ҳисса бўларди. Яна шуни айтиш керакки, халқ амалий санъати усталари бирлашмаси ишлаб чиқариш корхонаси эмас. Ҳар бир санъат асари ойлаб меҳнат қилиш эвазига вужудга келади. Шунга қараб ҳар бир маҳсулот турини биттадан ўнтагача тайёрлашимиз мумкин.

Ҳунармандчиликнинг кўпгина турини ўз ичига олган халқ амалий санъати асрлар оша бизгача етиб келган. Шу кунларда ҳам ҳусну тароватини жаҳонга кўз-кўз қилмоқда. Буни ажнабийларнинг санъатимизга бўлган муносабатидан ҳам англаш мумкин. 1990 йили чет элликлар халқ истеъмоли моллари бўйича 500000 сўмлик маҳсулот сотиб олган бўлса, бу йил 3 миллион сўмга шартнома тузишмоқчи. Агар мавжуд камчиликларга барҳам берилса, бу рақамлар ўз-ўзидан кўпайиши турган гап.

●

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ саройининг ёнидаги қадимги меъморчиликка оид салобатли иморат Абулқосим мадрасасидир. Бинонинг ҳозирги аҳволини кўриб ичингиз ачийди. Мадрасанинг асосий қисмидаги ўймакорлик нақшлари билан безатилган ёғоч дарвоза доимо берк. «Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини тарғиб қилиш уйи» деб ёзилган пешлавҳа эскирганича деворда осилиб ётибди. Кун чиқиш томонидаги ташландиқ қурилиш ҳам бино кўркини бузаяпти. Шунинг учун бўлса керак, мадрасага орқа тарафдаги икки табақали эшикдан кирадилар. Ичкарига кириб гўзал манзаранинг гувоҳи бўлишингиз турган гап. Катта ҳовли, чор атроф икки қаватли ҳужралар билан ўралган. Бу мадрасада халқ амалий санъатига боғлиқ бўлмаган талайгина ташкилотлар жойлашган. Бир қисмини «Мусаввир» халқ санъати илмий-ишлаб чиқариш маркази»нинг қарорғоҳи эгаллайди. Ҳужра эшикларининг бирини очиб, таниқли санъатшунос Шохалил Шоёқубовнинг ишхонасига кирдим. Шохалил ака одатдагидек ташкилий ишлар билан банд экан.

Орадан бироз вақт ўтгач, қизиқарли суҳбатга бердик.

— Узоқ танаффусдан сўнг, 1990 йилнинг февралида «Мусаввир» устахонаси ташкил этилди. У халқ санъатининг илмий-ишлаб чиқариш маркази сифатида фаолият юритяпти. «Мусаввир»нинг тўртта маркази бор. Самарқанд шаҳри Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларини ўз ичига олган; Урганчдаги устахонамиз таркибида қорақалпоғистонлик ва хоразмлик усталаримиз бор; Тошкентда Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларидаги усталаримиз мужассамлашган; Қўқонда Наманган, Фарғона, Андижон вилоятларидаги усталаримиз йиғилишган. Усталаримиз учун шароитлар етарли эмас. Шунга қарамай, ўтган йилнинг 9 ойида 250000 сўмлик маҳсулот ўрнига 500000 сўмлик иш бажардик. Бу йил миллион сўмлик халқ амалий санъати маҳсулотларини тайёрлашга шартнома туздик. Лекин ҳали ишларимиз кўп. Маданият вазирлиги қошидаги «Тумор» Совет — Италия қўшма корхонаси билан ҳамкорлик бизга ҳеч қандай фойда бермади. Хомашё масаласида «Палих» комбинати ёрдам беряпти. Аммо бу эҳтиёжимиздагидан анча кам. Жун ип, ёғоч, турли бўёқлар жуда керак. Ҳозиргача сунъий бўёқлардан фойдаланяпмиз, табиий бўёқлар бўлганда, албатта, санъат турларининг сифати, чидамлилиги анча ошган бўлур эди.

Ҳужраларни айланиб, халқ усталари турли санъат асарларига дид билан ишлов бераётганлигини кўрдим. Уларнинг меҳнати ҳам «игна билан қудуқ қазиш»га баробар. Мадрасада 100 дан ортиқ ҳужралар бор. Уларнинг аксариятини маданиятга, санъатга алоқаси бўлмаган идоралар эгаллайди. Мадраса, асосий қисмдаги бўш бинолар билан бирга, халқ усталарига олиб берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

●

ЎЗБЕКИСТОН АНТИҚА буюмлар ва заргарлик санъати музейида XIX аср охири ва XX аср бошларида яратилган заргарлик буюмлари асосий ўрин тутади. Бу давр зеб-зийнатларининг муҳим жиҳати шуки, улар шу кунларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Кўпгина безаклар таркибидаги жисмлар киши организмидаги касалликларни даволаш хусусиятига эга бўлган. Масалан, маржонли шодани аёллар кўпроқ ҳомиладорлик вақтида «фарзандим соғлом ўссин», деган мақсадда тақиб юришган. Ёш болаларнинг кўлига ҳам шу ният билан маржонлар тақиб қўйилган. Бундай болалар соғлом, ақлли бўлиб ўсишган. Ҳаво рангли кўзмунчоқлар «кўк йўтал» касалига даво ҳисобланган.

Хоразм, Сурхондарё, Қорақалпоғистон ва Туркманистон ҳудудларида безатилган зеб-зийнатларда қизғиш рангли қимматбаҳо тош ҳам кенг ишлатилганки, улар Ҳиндистон, Арабистон, Ироқ, Афғонистон каби давлатларда мавжуд. Бундан ташқари, ўша даврда яшаган заргарлар олтин, феруза, маржондан кенг фойдаланганлар.

Самарқанд заргарлари кумушнинг сал-пал қимирласа ёқимли оҳанг чиқариш хусусиятидан фойдаланганлар. Ҳар бир безак қандай металдан ясалганлигига ва буюмнинг хусусиятига қараб ўзининг бетакрор жарангига эга бўлган. Умуман, XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида яратилган зеб-зийнатлар таркибида олтин, кумуш, қизғиш рангли қимматбаҳо тош, рангли шиша, маржон, дур, феруза каби жисмлар учрайди.

Ҳозирги даврда қимматбаҳо жисмлардан фойдаланиш учун шароит йўқ. Устахоналар бундай маҳсулотларни сақлаш учун қўшимча жиҳозлар билан таъминлаши керак. Жумҳурият раҳбарлари маданиятни, халқ амалий санъатини тараққий эттириш учун барча имкониятларни ишга солмоғи лозим. Устахоналар қуриш, зарур иш анжомлари, хомашё билан таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Чет элдан турли хомашёлар келтиришга тўғри келади. Бу ўз навбатида усталар учун оғир. Масала вазирликларнинг аралашуви билан ҳал қилинмоғи керак. Халқ амалий санъати маънавий бойлигимиздир. Шундай экан, ҳар бир санъат турини қадимгидек сифатли, сермаҳсул бўлишига эришишнинг аллақачон вақти етган.

Нурмуҳаммад МУҲАММАД

БУХОРОДА НАВОИЙХОНЛИК

Бутун жумҳуриятимизда бўлганидек, ҳазрат Алишер Навоийнинг муборак тўйи тантаналари қадим Бухоро заминида ҳам кенг ва қизғин ўтказилмоқда. Хусусан, май ойининг дастлабки кунларида шаҳар жамоатчилиги вакиллари бу шонли санани нишонлашга алоҳида тайёргарлик кўрдилар. Тайёрагоҳдан бошлаб, Файзулла Ҳўжаев ҳамда тўқимачилик районлари шоҳ кўчаларида буюк шоирнинг ҳикматли сўзлари, афоризмлари битилган лавҳалар ўрнатилди. Вилоят радиоси, районлардаги рўзномалар Навоийга бағишланган махсус саҳифалар, эшиттиришлар ташкил этдилар.

С. Айний номидаги вилоят театрида «Шеърият мулкининг султони» мавзуида навоийхонлик кечаси ўтказилди. Уни Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби Тошпўлат Аҳмад кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Тошкент давлат дорулфунуни профессори, Ҳамза мукофоти лауреати Лазиз Қаюмов «Навоий даҳоси», таниқли шоир Жамол Камол «Навоий бадинияти ва абадияти», Бухоро дорулмуаллими профессори Сано Саидов «Ҳазрат Навоий элларда ва тилларда», адабиётшунос Тожи Қораев «Навоий талқинида Бухоролик бузурглар» мавзуида маърузалар қилдилар.

Ҳамза номидаги театр актёри, жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Саидкомил Умаров Ойбекнинг «Навоий ва Гули» достонидан парчалар ўқиб берди. Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артистлар Аҳмаджон Шукуров, Абдулла Бозоров, вилоят Ленин комсомоли мукофоти лауреати Усмон Жабборов, Бухоро маданият техникуми ҳамда педагогика билим юрти бадиий ҳаваскорлари улуғ шоир ғазалларидан намуналар ижро этдилар. Бухоролик шоирлардан Самандар Воҳид, Бахшулла Ражаб ўзларининг Навоийга бағишланган шеър ҳамда мухаммасларини томошабинлар

ДАВЛАТ ТИЛИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

Давлат тили ҳақида қонун қабул қилинганига икки йилга яқинлаб қолди. Анча-мунча ишлар рўёбга чиқди. Кўчалар, қишлоқлар, корхоналар, колхоз-совхозлар, мактабларнинг номларига файз киёиб қолди. Миллий заминда, миллий қадриятлар ичида яшаётганимиз андаккина бўлса-да билиниб-билиниб турибди. Булар бари давлат тили ҳақидаги олтин қонун шарофатидан.

Лекин қилинадиган ишлар ҳадсиз-ҳисобсиз. Уларнинг амалга ошиши ҳар биримизнинг жонкуярлигимизга боғлиқ.

Қонунда «Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмали ҳамда оғзаки ахборот воситалари республика давлат тилида ёзилади ва эълон қилинади ҳамда рус ва бошқа тилларда такрорланади» (22-модда) дейилган бўлишига қарамай, ҳамон қаерга кўз ташламанг, нигоҳингиз мана бундай лавҳаларга тушади. Айниқса, рекламаларнинг давлат тилига ўтиши қаттиқ оқсамоқда. Лавҳаларни ўзига хос миллий усулда ёзишлишига эътибор қилинмаяпти. Қонун учун майда иш йўқ. Лавҳалар, рекламалар, эълонларни замонавий даражада кўркам қилиб ёзадиган ва тайёрлайдиган кадрларни етарли миқдорда етиштиришимиз керак.

Бу ерда айрим лавҳаларни такрор эълон қилмоқдамиз. Чунки бу ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамон ишга ғоят лоқайдлик билан қараб, менсимаган муносабатда бўляптилар. Охир-оқибат кимни, нимани менсимаётганликларини ўйлаб кўришар, деб умид қиламиз.

Биз газетамиз ўқувчиларидан ҳам жойлардан шунга ўхшаш лавҳаларнинг суратларини имкон қадар редакцияга жўнатишларини сўраймиз.

ИЛМ—ДУНЁНИНГ ИЗЗАТИ

Болалик йилларимизда катталар тилидан «Бу кишининг оғзида илми бор», деган иборани тез-тез эшитиб турардик. Мазкур ибора мадрасаларда ислом илмидан таҳсил олган ўқимишли одамларга нисбатан айтиларди. Ундай ўқимишли одамларни кишилар ихлос билан, қаттиқ ҳурмат қилишарди. Агар ошкоралик снёсати ҳаётимизга кириб келмаганда биз эслаган «оғзида илми бор» одамлар яқин орада умуман йўқолиб кетиши мумкин эди. Хайриятки, ҳарҳолда, умидли кунларда яшаяпмиз. Ҳозиргача ислом илмига оид бир қанча китоблар нашр этган «Илм» ширкати ҳам ана шу муайян эркинлик, ошкоралик шарофати билан дунёга келди. Яқинда ширкат раиси домла Абдулқаҳҳор Шоший ҳамда ранс муовини Акбар Юнусов билан «Илм»нинг ҳозирги фаолияти, келгуси режалари ҳақида суҳбатлашдик.

— Домла, Сизнинг айрим китобларингизни ўқиганман, лекин ўзингиз билан таниш эмас эдик. Аввало, газетхонларимизга ўзингиз, ижодингиз ҳақида қисқача гапириб берсангиз...

Абдулқаҳҳор ШОШИЙ: — Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим. Мен Тошкент шаҳрининг Ҳазрати Имом маҳалласида таваллуд топганман. 1957 — 1961 йиллари Бухородаги Мир Араб мадрасасида, 1966 — 1969 йиллари Мисрдаги машҳур ал-Азҳар дорулфунунида таълим олганман. Кўп йиллар Урта Осиё ва Қозоғистон Диний идорасида масъул ходим бўлиб, Мир Араб мадрасасида 4 йил директор, Тошкент Ислом маъҳадида 4 йил ректор бўлиб ишлаганман. Сўнгги йилларда Шимолий Кавказ мусулмонлари Диний идорасида ишладим. Иш юзасидан бир неча араб ва мусулмон мамлакатларини зиёрат қилганман.

Машҳур Миср тараққийпарвар адиби Абдураҳмон ашШарқовийнинг ҳикояларини ўзбекчалаштирганман. «Лаҳза», «Байрам кечасида» ҳикоялари таржимаси матбуотда босилган. Яна бир машҳур араб адиби, шоири ва кинорежиссёри Абдураҳмон ал-Хамисийнинг ҳикояларини ҳам таржима қилганман...

Иккинчи суҳбатдошим Акбар Юнусовни эса ҳафталигимиз ўқувчилари яхши биладилар. Унинг кўп ҳажвиялари, мақолалари газетамизда босилган. Акбарнинг ҳажвий ҳикоялари, қиссалари жумҳуриятимиз матбуотида чиқиб туради. «Оддий ғаргузаштлар» китобини ўқувчилар яхши кутиб олган. Бир неча пьесаси жумҳуриятимиз театрларида саҳналаштирилган.

— Домла, энди асосий масалага ўтсак...

А. ШОШИЙ: — Маълумки, ўзбек халқи, бошқа Шарқ халқлари қатори, ислом дини билан парвариш топган. Халқимиз орасидан улуғ донишмандлар, шу жумладан дин алломалари етишиб чиққан. Улар Ислом маданияти деб аталмиш улуғ хазинага муносиб улушларини қўшганлар. Бироқ рус ёзувига ўтилгач, араб ёзувида яратилган дурдоналар эътибордан четда қолди... Биз бугунги кунда ана шу хатоликни тузатишимиз керак, маънавий бойликлар ўз эгалари — халққа қайтарилиши зарур. «Илм» ширкатини шунинг учун ташкил этдик. Исломда илмга жуда юксак баҳо берилган. Жумладан, Ҳадиси Шарифда шундай дейилган: «Алилму иззуд дунё ва шарафул охирати», яъни «Илм, бу — дунёнинг иззати ва охиратнинг шарафидир». Яна: «Талабул илми фаризатун ало кулли муслимин ва муслиматин», яъни «Илм изламоқ ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарздир». Биз ҳам халқимизга илм тарқатишдек эзгу ишга киришиб эски ўзбек ёзувини, араб тилини ўргатадиган дарсликлар, қўлланмалар, ахлоққа доир рисолалар, насиҳатномалар нашр этмоқдамиз.

Бизнинг китобларимиз, энг аввало, халқимиз маънавий камолотини ошириш учун хизмат қилади. Негаки, ахлоқ, одоб, умуман маърифат ўқимрон бўлган юртда бизнинг тушунчамиздаги умумий гуноҳ борган сари камайиб бориши, жамият эса равнақ топиши муқаррардир. Шунинг учун ҳам ахлоқий мавзулардаги китобларни нашр қилиб келдик. Бу ишимиз давом этаверади. Ахлоқий камолотга эришишнинг ягона йўли, ҳозирги кунда ҳамма иқрор бўлганидек, ҳар қандай таассубдан (фанатизмдан) йироқ, соф диний таълимотни тарғиб-ташвиқ қилиш деб биламиз. Чунки диннинг ажойиб фазилатларидан бири шуки, инсонга у ҳам моддий, ҳам маънавий-руҳий камолотга эришишда ёрдамлашади. Бунда дин маънавий камолотни биринчи деб билади. Зероки, комил инсон ҳеч қачон ғайриинсоний хатти-ҳаракатлар қилмайди. У фақат башарият хайри учун жонини фидо этади.

А. ЮНУСОВ: — Шу ўринда бир гапни айтиб ўтсак. Туркистон XX асрда ҳам маънавий, ҳам иқтисодий жиҳатдан қолоқ, халқи эса нодон ҳисоблаб келинди, ғирт саводсизга чиқарилди. Аслида-чи? Бир вақтлар Туркистонда туғилган, инсоният тан олган ғоялар Ғарб томонидан ўзлаштирилган эди. Кейин Шарқни ғарбликлар оёғининг учи билан кўрсатадиган бўлдилар. Ғарб Шарққа қарши қўйилди. Биз эса Ғарбдан ғоялар импорт қилишга маҳкум этилдик. Бу ғоялар талқини ҳам, албатта, бошқача бўлди. Мақсад нима? Биз биринчи навбатда Шарқнинг ўзиникини, Шарқ мутафаккирлари, донишмандларидаги меросини тарғиб-ташвиқ қиламиз. Шубҳасиз, «Илм»нинг вазифаси «импорт» ғояларни бутунлай инкор этиш эмас, балки илм бисот сандиғига, миллий маданиятимизга янгича, теранроқ назар солишга даъватдир.

— Қандай китобларни нашр қилдингизлар?

А. ШОШИЙ: — «Муаллими соний» («Иккинчи муаллим») дарслиги, «Заруриятн диния» («Диний заруриятлар», форс тилида) китобини нашр этдик. «Ислом ақидаси», «Рўзанома», «Намознома», «Ҳажнома» (муаллифи Абдулқаҳҳор Шоший) китоблари ўқувчилар қўлига тегди. Алишер Навоийнинг 550 йиллигига атаб Ҳазратнинг 50 ғазалини, вазн ва қофияларини сақлаган ҳолда, араб тилига таржима қилдик. Бу юбилейга баҳоли қудрат совғамиздир. «Одобнома» (муаллифи Акбар Юнусов), «Мифтоҳ ул-қироат» («Қироат калити»), «Ислом арконлари», «Закотнома» (муаллифи Абдулқаҳҳор Шоший) китоблари нашрга тайёрланмоқда. «Мифтоҳ ул-қироат»га, ўқувчиларга эски ўзбек ёзувини ўрганишда қулайлик туғдириш учун, Алишер Навоийнинг «Шайх Санъон» қиссасини илова қилдик. Араб ва форс тилларидан ўтиб, ҳозир ҳам кенг ишлатилиб келинаётган уч мингдан ортиқ сўзни жамъ этиб «Имло луғати» номида нашр қилишга тайёрладик. Афсуски, бу сўзларнинг аксарияти ҳозирги пайтда нотўғри ёзилиб, айтилиб келинмоқда. Ўйлаймизки, китоб ўқувчиларга анча фойдали бўлади.

Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ал-Ҳидоя» («Ҳидоят») асарини араб тилидан илк марта таржима қилмоқдамиз. Бу улуғ асарнинг дастлабки қисми «Ер юзи» журналининг 1-сонида босилиб чиқиши керак эди. Афсуски, ҳамон кутмоқдамиз...

А. ЮНУСОВ: — Одобсизлигим учун кечирим сўрайман, аммо «Илм» ширкати тузукларининг қамрови кенгроқ. Туркистондаги юз минглаб мутахассислар — кимёгарлардан тарихчиларгача ота-боболаримиз илмидан узилиб қолган ёки боболаримиз китобларини таржимада ўқийдилар. Чунки ўша асарлар араб, форс тилларида битилган. Мутахассисларимиз эса, афсуски, бу тилларни билиш тугул, ҳатто араб ёзувидаги асарларни ўқий олмайдилар. Ахир, Ибн Синонинг биргина дорисини тайёрлашни уддалаган одам фан номзоди унвонини олар экан, нега шифокорларимиз араб тилини ўрганмасликлари керак! Шифокорларгина эмас, барча касб эгалари ҳам араб, форс тилларини билишлари зарур. Демак, бу борада ҳам ширкатимиз фойдали ишларни рўёбга чиқаради.

— Яна қандай режаларингиз бор?

А. ШОШИЙ: — Режаларимиздан бири — имкониятларимиз мусоада қилгач, иншоолло, араб коллежи ташкил этмоқчимиз. Ҳозирги шароитда турли соҳалар бўйича билимдон мутахассислар жуда керак. Қўшма корхоналар қурилмоқда, чет эллар билан иқтисодий, дипломатик, илмий-маданий алоқалар кучаймоқда. Уларга кўп ва билимдон кадрлар зарур. Масалан, элчихоналарда, консулликларда, ваколатхоналарда, айниқса мусулмон мамлакатларидаги элчихоналарда миллий кадрлар ишласа, муомаламиз, алоқаларимиз мустаҳкамланади. Бунда диний-маданий муштараклик муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

— Коллежда нималар ўргатилади?

А. ШОШИЙ: — Коллежда араб тили чуқур ўргатилади, илоҳиёт, ислом иқтисодиёти кенг ўқитилади. Ўқиш муддати 4 йил бўлади. Жуда савоб иш бўларди, агар жумҳурият Олий ва ўрта махсус таълим вазорати бизга кўмак бериб, ўз ҳимоясига олса. Маблағ билан ўзимизни ўзимиз таъминлаймиз. Хайрихоҳлик бўлса, бас. Бу катта савоб иш рўёбга чиқади, деб умид қиламиз.

Мақсадимиз яна шундан иборатки, биз чет эллардаги ватандошларимизга қўлланмалар, дарсликлар етказиб бersак, токи, улар бизнинг жорий алифбомизни билиб, Ватанимизда юз бераётган жараёнлардан, маданий-сиёсий ўзгаришлардан хабардор бўлсалар...

— Тақсир, ширкатингиз эски ўзбек ёзувини ўргатишда ҳам анча хайрли ишларни амалга оширганини эшитганман...

А. ШОШИЙ: — «Илм» 1989 йилнинг охирида ташкил топди. Тошкент шаҳар Собир Раҳимов райони ижроия қўмитасининг беғараз ёрдамидан миннатдормиз. Ҳазрати Имом мавзеидаги Мозорхон маҳалласининг клубида жойлашган ширкат ҳузурида ёшларимизга араб тили ва эски ўзбек ёзувини ўргатаётирмиз. Ўзим, мулла Ҳомиджон, мулла Абдуғани қори сабоқ бераётирмиз. Хоҳловчилар 6 ойда эски ўзбек ёзувидан саводини чиқарадилар. Ўқишни давом эттирмоқчи бўлганларга эса араб тилини ўргатамиз. Ўқиш аввал пулли эди. Ҳозир бепул. Шу кунларда 20 нафар истеъдодли ёш қунт билан араб тилини ўрганмоқда.

А. ЮНУСОВ: — Режаларимиз умидли. Нашр ишларимизда домла мурожаат этган бирорта мутахассис, хоҳ араб-шунос олим ёки хаттот, диний ходим бўлсин, гонорарини сўрамасдан, илтимосимизни бажариб бердилар. Худо хоҳласа, бундан кейин ҳам шундай бўлади.

— Домла, энди бир нозик масала бор. Газетхонларимиз китоблар жуда қиммат бўлиб кетди, деб шикоят қиладилар. Шу масалага доир фикрингизни билмоқчи эдим...

А. ШОШИЙ: — Бозор иқтисодига ўтишимиз муносабати билан, ҳамма соҳада бўлганидек, янги нашр қилинаётган диний адабиётларнинг нархи ҳам ошиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Албатта, бунинг ўзига яраша объектив ва субъектив сабаблари бор. Қоғоз нархи, матбаа хизматлари ҳақи, китобларни сотиб берадиган савдо ташкилотлари оладиган ҳисса ва бошқа харажатларнинг тобора ошиб бораётгани объектив сабаблардандир. Субъектив сабаблардан асосийси эса, тажрибасизлигимиз туфайли кўп нарсаларга ортиқча сарф-харажат қилиб юбораётганимиздир. Худо хоҳласа, сармоямиз истиқрор топса, нашр этилажак китобларимизнинг бир қисмини бепул роғибларга, масжид, мадраса ва мактабларда таълим олаётган фарзандларимизга тарқатиш ниятидамиз.

Лекин, афсуски, баъзи ноширлар китоб нашри баҳонасида кўпроқ бойлик орттиришга интилаётганликларини хайрли ва савобли ишлардан деб бўлмайди. Бизнинг ширкатимиз эндигина тажриба тўплай бошлади. Китобларимизнинг кундан-кунга бундан буён арзонлашиб боришига кафолат берамиз. Дарҳақиқат, илм бериш — савдо бозори эмас!

«Утлубул илма минал маҳди илал лаҳади», яъни «Илмни бешикдан то қабрга киргунча изланглар» деган ҳадис бор. Бизнинг асосий мақсадимиз ҳам халқимизга хизмат қилишда ширкатимизнинг «Илм» деган номига муносиб бўлиш, халқимиз орасида илм зиёсини тарқатишда кўмаклашишдан иборатдир.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатни Маҳмуд САЪДИЙ олиб борди.

ХАЙРЛИ БИТИМ

Юртимиздаги ҳозирги шароит чет эл мамлакатларининг жамоат ташкилотлари билан дўстлик, маданий ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга имкон бермоқда. Яқинда, 2 июль куни Тошкентда шундай бир хайрли, умидбахш воқеа содир бўлди. Туркистон ва Туркия турклари ўртасида адабий-маданий алоқалар ўрнатиш мақсадида Истанбулдаги Туркистон тадқиқотлари вақфи (жамғармаси) бошқони АҲАД АНДИЖОН билан Ўзбекистон жумҳурияти Ёзувчилари уюшмаси Тарғибот марказининг бошқони ТЎРА МИРЗО ҳамкорлик битимини имзоладилар.

Битимнинг I бўлими шундай шартлар асосида тузилган:

1. Ўзбекистон адабиёти ва санъатининг атоқли вакиллари иштирокида Туркиянинг марказий шаҳар ва вилоятларида ҳар икки йилда бир марта Ўзбекистон адабиёти кунларини ўтказиш;

2. Мазкур адабиёт кунларида қатнашадиган адабиёт ва санъат намоёндаларининг асарларини туркчага таржима қилиш ва китоб ҳолида нашрга ҳозирлаш, махсус рангли дарги (журнал) тайёрлаш;

3. Тарғибот маркази қошидаги «Турон чечаги», «Ўзбегим» дасталари ва «Насриддин Афанди» театруси жамоаларининг иштирокида Туркияда концертлар бериш;

4. Туркиянинг ўтказилажак тадбирларга тегишли делегацияларини танлаш, маблағ ажратиш, расмий ҳужжатларни тайёрлашни Тарғибот маркази зиммасига олади.

Ҳамкорлик битимининг II бўлимида қуйидагилар қайд этилган:

1. Туркияда ўтадиган Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунлари қатнашчиларини тураржой, транспорт ва бошқа маиший заруратлар билан таъминлаш;

2. Мазкур Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунлари иштирокчиларининг асарларини ўзлари маъқул кўрган нусхада нашр қилиш, рекламалар, кўргазмалар ташкил этиш;

3. «Турон чечаги», «Ўзбегим» дасталари ва «Насриддин Афанди» театрусининг Туркиядаги барча чиқишларини уюштириш, концерт залларини ижарага олиш, вақтли матбуот ва радиода чиқишлар, телевидениеда кўрсатувлар ташкил қилиш каби шартларни Туркистон тадқиқотлари вақфи зиммасига олади.

Битимда ҳамкорлик тадбирларидан тушадиган маблағ ҳар икки томоннинг ҳисобига тенг миқдорда ажрим қилиниши ва бу сармоялар келгусида Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси Тарғибот маркази ва Туркистон тадқиқотлари вақфи ҳамкорликда ўтказадиган тадбирларга сарфланиши таъкидланган.

Мухбиримиз мазкур ҳамкорлик битимини қисқача шарҳлаб беришни сўраб Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси Тарғибот марказининг бошқони шоир ва драматург Тўра Мирзога мурожаат қилди.

— Туркия жумҳуриятига менинг айрича муҳаббатим бор, — деди Т. Мирзо. — Гап тил ва дин бирлигида ҳам эмас. Салкам бир миллиардлик аҳоли нуфусига эга бўлган мусулмон мамлакатлари ҳали-ҳануз ё диний, ё неокоммунистик тузумда яшамоқда. Ягона демократик давлат Туркия бўлиб, унда инсон ҳуқуқлари, фикрлар хилма-хиллиги, кўпфирқалилик жумҳурият конституциясида қайд этилибгина қолмай, муттасил амалга оширилмоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кунда Туркия дунё давлатлари орасида айрича қудрат ва жозибага эга.

Бизнинг битимимиз Туркия ва Туркистон маданий алоқаларини кучайтиришга қаратилган. Бу жумҳуриятимиз ва Туркия ўртасида тузилажак бўлғуси битимга дебоча деб ўйлайман. Ҳозир бундай битимлар Озарбойжон, Қозоғистон ва Туркия ўртасида тузилиб самарасини бермоқда. Боку — Истанбул учоқ йўли очилди. Туркияда қозоқ маданияти кунлари ўтказилди.

Навоий бобомиз 500 йил бурун дунё туркларига буюк нафосатдан айрича сабоқ берган бўлсалар, ҳазратнинг номлари билан аталувчи бу йилда у табаррук кишининг руҳлари қўллаб, дунё туркларини яна бир-бири билан лутфан дўстлаша бошласалар. Иншооллоҳ, шундай бўлажак...

доимий ҳамроҳ

ТОНГДА ЙЎЛГА ЧИҚҚАН АЁЛ

Оналикнинг ўзи беқиёс шеърият ҳисобланади.

Ойгул Суюндиқова ана шуни яққол ҳис қилгани, уни англагани учун ҳам

Луғатлар, китоблар, тарих, шеърият,
Умрим улар билан елкама-елка. —

дея гўзал мисралар яратади.

Оналик ва болалик бахти, Ватанга муҳаббат, халқ дарди хусусида бедор туйғулар унинг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Эътиқод» номли биринчи шеърлар тўплами асосидан қизил ип бўлиб ўтади.

Бугунги кунда одамлар гапдан чарчаган. Дунёнинг ҳамма гаплари айтиб бўлинганга ўхшайди. Аммо шоира Ватанга бўлган муҳаббатини шундай ифодалайдики, бу кўҳна гаплар билан қалбларга илиқлик, ёниқ бир туйғу оқиб киради:

Қушиқлар бесабаб туғилмас,
Бесабаб дарёлар тўлиб тўлғонмас.
Бесабаб оналар саҳар уйғонмас,
Агар беиз ўтса умр умрмас.
Эзгулик бермаса, сурур сурурмас.
Бесабаб демасман Ватан — буюк сўз.

(«Қушиқлар» шеъри)

Шеърдаги самимийлик ва равонлик, сўзларнинг ички оҳанг билан ўзаро боғланиб кетиши ўқувчи психологиясига таъсир эта олади.

Ойгул ўзининг зилол суврдек муҳаббатини мисраларга маржондек теради:

Йўлларингда гул эмас,
менинг меҳрим ёнадур,
Меҳрим, ишқим саммий — сохталик бегонадир.
Балки қалбинг бу меҳр,
садоқатдан тонадур,
Билмам, у дам ким шоду қай кўнгил ғамхонадир.

(«Сендан» шеъри)

Севги... Неча асрлардан буён шоирларни девона қилган, ўзига мафтун этиб келаётган сирли муҳаббат. Шунинг учун бўлса керак, уларнинг муҳаббат ва севги ҳақидаги шеърлари истайсизми, йўқми, юрак торларингизни аста черта бошлайди. Шунда уларни беихтиёр шивирлаб, қайта-қайта мутолаа қиласиз.

Шоиранинг «Тушимга киради олис болалик» шеърини ўқир экансиз, ҳар кишининг ўз болалиги ёдига тушади. Бундай «туш»ларни фақат уйғоқ одамларгина кўра олиши мумкин.

Ойгул Суюндиқова

Эътиқод

Шеърлар

Шоирнинг илк китоби

Тушимга киради олис болалик,
Осмонранг ариқлар ҳушнуд ва чопқир.
Йўллар тикилади қуёшга тетик,
Болалик юлдузи тушади асир.

Болаликнинг бутун ташвишлари ва қувончлари, пок қалбларда кечаётган ғалаёнларни фақат Она билади. Фақат Онагина буни юракдан сезади ва сатрларга кўчира олади:

Руҳингда поклик туюлар абад,
Фақатгина осмон, фақат сен ва тун.
Йироқдир хиёнат, дабдаба, ҳасад,
Кимнидир, ненидир кутасан беун.

Мажмуадан жой олган шеърларнинг ҳаммасига ҳам бирдай фикрий теранлик хос дейиш қийин. Айрим сатрларда ғализликларни, баъзан ўринсиз ташбеҳлар учрайди.

Ойгул биринчи китоби билан шеъриятда кўп янгиликлар яратишга ваъда бермоқда. Ваъдаси чин бўлсин. Шеър орзу, армон, қийноқ ва туғёнлар билан ҳаёт бағрига кириб боради. Ҳаёт эса асов тўлқинлардан, курашлардан иборат.

Мирзараҳим МАМАЖОНОВ

ЎзАС ахбороти

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида шоир Рамз Бобожон 70 йиллигини нишонлаш бўйича юбилей комиссиясининг Ҳамид Ғулом раислигида йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда шу муносабат билан турли ижодий, ташкилий тадбирлар муҳокама қилинди ва белгиланди. Юбилейни 1991 йил декабрь ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказиш мўлжалланди.

●

Ғафур Ғулом номидаги Сирдарё давлат педагогика институтида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувни институт проректори Акрам Каттабеков олиб борди.

Филология фанлари доктори Бегали Қосимов шоирнинг ижод йўли ҳақида гапирди. Институт профессор ва ўқитувчиларидан Анқабой Қулжонов, Қаршибой Самадов, Умрзоқ Ўлжабоев, Қозоқбой Йўлдошев ўзбек шеъриятидаги устивор анъаналар ва Абдулла Орипов шеъриятининг адабиётдаги ўрни хусусида сўзладилар, талабалар шоир ижодидан намуналар айтиб беришди. Учрашув сўнгида Абдулла Орипов талабалар саволларига жавоб қайтарди, янги шеърларидан ўқиди.

●

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари олийгоҳи Маданият саройи талабалар, мураббийлар, илмий ходимлар билан тўлди. Улуғ бобомиз Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган бу адабий кечага таниқли навоийшунос олимлар: Ўзбекистон Фанлар академияси Адабиётшунослик илмий-тадқиқот билимгоҳи ходими, филология фанлари номзоди Ёқубжон Исҳоқов, Тошкент давлат дорулфунуни доценти Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев, тарих фанлари номзоди Билол Аминов, шоир Омон Матжон, публицист, ёзувчи Шодмонбек Отабоев, олийгоҳ мураббийлари, профессор Жаббор Рўзиев, доцентлар Фатхулла Зикриллаев, Саъдулла Мусаев Алишер Навоийнинг фалсафий, ахлоқий-диний қарашлари, илмий мероси тўғрисида сўзладилар. Айниқса, Ёқубжон Исҳоқов Навоий ғазалларининг айримларининг ёзилиш тарихи хусусида тўхталди.

Шоир Омон Матжон эса ўзининг Навоий ғазалларига ёзган мухаммаслари, янги ёзган шеърларидан ўқиб берди.

Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий Алишер Навоийнинг мусиқавий мероси, басталанган куйлари ҳозиргача деярлик ўрганилмаганлиги тўғрисида сўзлаб берди.

Ҳасан Ражабий бошлиқ таниқли хушовоз хонандалар Низомжон Тиловов, халқ ҳофизлари: марҳум Бобохон Сўфихоновнинг ўғиллари ва неваралари Шавкатжон, Фарҳоджон Сўфихонов Навоий шеър, ғазалларига басталанган классик қўшиқ ва куйлар ижро этдилар.

М. НЕЪМАТОВ

Ўзбекистон Маданият вазирлиги маданий маърифий муассасалар бошқармаси қошидаги Репертуар таҳлил ҳайъатининг бош редактори Ҳ. Абдурасуловга онаси

Ойжаҳон САФОЕВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси бошқарув ҳайъати ва жумҳурият Адабиёт жамғармаси жамоаси СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Мавлон Икромга онаси

Робия СИРОЖИДДИН қизи

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси бошқаруви ҳайъати ҳамда жумҳурият Адабиёт жамғармаси жамоаси СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, ёзувчи Аҳмад Аъзамга онаси

Муаззам ВАФОЕВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЭЪЛОНЛАР

БИР НИГОҲ ТАШЛАГАНДА

Нигоҳий табиб Абдуғаффор Абдуллаев кўп сонли беморларнинг талаб ва истакларига биноан 1991 йил 15 июлдан бошлаб

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИДА БЕМОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бош, оёқ ва қўл оғриғи, юрак ўйнаши, нафас қисиши, уйқусизлик, қичима ва қанд касалликлари билан хасталанганлар биринчи сеансдаёқ табиб таъсирини ҳис этадилар, оғриқлар тўхтайди.

Беморлар ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари), соат 17.00 дан 19.00 га қадар қабул қилинади.

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ МАНЗИЛИ:

Пушкин кўчаси, 1-уй, Метронинг Октябрь инқилоби бекати.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ А. ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

Қуйидаги мутахассисликлар бўйича кундузги аспирантурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Маданий-маърифий фаолият назарияси, услубиёти ва уни ташкил этиш, кутубхонашунослик ва библиографияшунослик.

ҲУЖЖАТЛАР 1991 ЙИЛ 31 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади.

Мурожаат учун манзилгоҳимиз: 700164, Тошкент шаҳри, Яланғоч даҳаси, 3-сектор, 127«а»-уй.

Телефонлар: 62-04-63, 62-03-23.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси, шеърият кенгаши ва бадиий таржима маркази илк бор

ТАҚДИМА

маросими ўтказади.

«Жаҳон адабиёти дурдоналари» сериясида нашр этилган ШЕКСПИР жилди жамоатчиликка тақдим этилади.

Азиз қаламкаш дўстлар, мухлислар, матбуот, радио, телевидение мухбирлари, тақдимга марҳамат!

Маросим шу йил 16 июль, сешанба, соат 16.00 да Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида бошланади.

БИР «ОЧЛИК» ТАРИХИ

«Самарқанд» ижтимоий-маданий уюшмаси йиғилишлари сўнгида, албатта, шеър ўқилади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Йиғилганлар Салим Кенжанинг дўстликка бағишланган янги шеърини қаяжон билан тингладилар.

— Ўзбеклар, тожиклар, руслар — ҳаммамиз Ўзбекистоннинг фарзандларимиз, — дейди озиқ-овқат техникуми ўқитувчиси Исомиддин Акромов, — олдимизда турган қийинчиликларни биргаликда, ҳамжиҳат бўлибгина енгишимиз мумкин. Фақат шундагина заминимиз тинч ва осойишта бўлади. Бундан бошқа йўл йўқ.

Уюшма кенгаши аъзолари яқин-келгусида Самарқандда ягона миллатлараро маданият маркази тузиш лозим деган қарорга келдилар. Кенгаш раиси, Самарқанд дорулфунуни доценти Аслиддин Қамарзода ЎзТАГ мухбири Святослав Фенютин билан бўлган суҳбатда қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Уюшмамизга Ёзувчилар уюшмаси маҳаллий бўлими қошидаги «Сайқал» тўгараги аъзолари асос солишди. Тўгарак йиғилишларида шеърият, адабий-бадиий жараён муаммоларидан ташқари турли ҳаётий масалалар хусусида ҳам баҳс борарди. Узоқ мулоҳазалардан сўнг биз турғунлик йилларининг хатоларидан бирини, яъни халқимиз маданиятини талаб даражасида ривожлантириш муаммосини ҳал этишда зиёлилар фаол иштирок этишлари керак, деган хулосага келдик.

Менинг бутун ҳаётим Самарқанд билан боғлиқ ва комил ишонч билан айта оламанки, бу кўҳна шаҳар номини жаҳонга овоза қилган маънавий қадриятлар ичида энг муҳими — асрлар давомида шаклланган ва қарор топган халқлар дўстлигидир.

Дўстлик илдизлари бу табаррук заминда ғоят чуқур илдиз отган. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий, Мирзо Турсунзода ва Ғафур Ғулом, Садриддин Айний ва Ҳамид Олимжон дўстлигининг энг ёрқин саҳифалари шу шаҳар билан боғлиқ.

Абдураҳмон Жомий таваллудининг 575 йиллиги, Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги ва маърифатпарвар байналмилалчи шоир Саидаҳмад Ажзий таваллудининг 125 йиллигига бағишланган адабий-маданий тадбирлар шаҳар маънавий ҳаётида катта воқеа бўлди десам, муболаға бўлмас. Умуман, Самарқандда дўстлик, қардошлик мавзуларидаги тадбирлар ҳамиша ҳам юқори савияда ўтади.

Ижодкорларнинг «Сайқал» тўгараги машғулотларида ҳам, кейинчалик «Самарқанд» уюшмаси йиғилишларида ҳам биз, ҳеч қачон миллатчилик кайфиятларига берилмаганмиз, бундай кайфиятни ҳеч қачон қўллаб-қувватламаганмиз.

Биз ўз Низомимизга «Самарқанд» уюшмаси ўз сафларига тожиклар ва тожик тилида сўзлашувчи аҳолининг маданиятини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган фуқароларни ихтиёрий равишда бирлаштиради», деб ёзиб қўйганмиз. Ўзбекистоннинг истаган фуқароси, миллатидан қатъий назар, бирлашмамизга аъзо бўлиши мумкин.

Низомда, шунингдек, бизнинг яқин-келгусидаги мақсад ва вазифаларимиз ҳам ўзининг аниқ ифодасини топган. Яъни, тожиклар ва тожик тилида сўзлашувчи халқларнинг миллий ва маданий ўзига хослигини ривожлантириш ишига амалий ҳисса қўшиш, тожиклар ва тожик тилида сўзлашувчи халқлар ютуқларини тарғиб қилиш, тарихи, тили, маънавий-маданий ҳаётини ўрганиш ва тадқиқ қилиш. Бундан ташқари биз бошқа миллат вакиллари билан биргаликда атроф-муҳитнинг тозалиги учун курашиш, экологик саводхонликни ошириш, тарихий ва маданий ёдгорликларни асрашни ҳам ўзимизнинг асосий вазифаларимиздан деб биламиз. Қисқача қилиб айтганда, жумҳуриятимиз олдида турган барча вазифаларни бажариш — бизнинг бурчимиз.

Шу ўринда айтиб ўтишим лозимки, биз расмий идоралар, партия ва совет ташкилотлари ёрдамида ҳозиргача тожик ва тожик тилида сўзлашувчи аҳолининг маънавий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ кўпгина муаммоларни ҳал қилдик. Тожик тилида «Овози Самарқанд» вилоят газетаси нашр қила бошланди. Қатор район газеталари ўз саҳифаларида тожик тилида ёзилган мақолаларни мунтазам ёрита бошладилар. Вилоят аҳолиси Душанба телевидениеси кўрсатувларини томоша қилиш имкониятига эга бўлди. Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими қошида тожикзабон ижодкорлар секцияси фаолият кўрсата бошлади. Умумтаълим мактабларида тожик синфлари анча кўпайди. Самарқанд дорулфунунида тожик тили ва адабиёти факультети қайтадан тикланди. Шаҳардаги бошқа илмгоҳларда ҳам тожик группалари ташкил топди...

СУҲБАТДОШИМИЗНИНГ ЮҚОРИДАГИ ФИКРЛАРИГА қўшимча қилиб қуйидагиларни айтиш мумкин. Кейинги йиллар ичида Ўзбекистон ва Тожикистон Давлат Матбуот қўмиталари ўртасидаги амалий ҳамкорлик алоқалари анча кучайди. Тошкентда тожикзабон ижодкорларнинг энг яхши асарлари жамланган «Гулдастан Самарқанд» тўплами нашр этилди. Абдураҳмон Жомий асарлари икки марта, «Дўстлик кутубхонаси» сериясида тожик муаллифларининг олти китоби босмадан чиқди. Икки жумҳурият ўртасида китоб айирбошлаш ҳам кенг йўлга қўйилди. Қардош Тожикистонга ўтган йили 650 минг сўмлик китоб жўнатилди, 200 минг сўмлик китоб олиб келинди.

— Юқорида айтганларингиздан кўринадики, — дейман суҳбатдошимга, — ишлар анча юришиб кетган. Мен сизларга омад тилайман, ютуқларингиз кўпаяверсин. Аммо, бир нарсани четлаб ўтиб бўлмайди. Надоматлар бўлсинким, орамизда гоҳо-гоҳо ишлар юришиб кетаётганидан ташвишланаётган кимсалар ҳам учраб туради. Бундайларни биргина Самарқандда эмас, бошқа вилоят, бошқа жумҳуриятларда ҳам учратиш мумкин. Масалан «Московские новости» газетаси яқинда ўз муштарийларига навбатдаги ваҳимани тарқатди: «Самарқанд» уюшмаси очлик эълон қилди». «Московские новости» Ўзбекистон билан боғлиқ бунақа «хушхабар»ларни биринчи бор тарқатаётгани йўқ. Газетанинг «Муқаддас Бухорода исловотхона очилди», деган уйдирмасини эслаб ўтайлик. «МН»даги ҳамкасбларимиз воқеалар моҳиятини бузиб талқин қилишга, бўрттиришга устаси фаранг бўлиб кетишган.

— Ёлғоннинг умри қисқа. Ташкилотимиз раҳбарларидан бирортаси ёки унинг бирорта аъзоси очлик эълон қилган эмас. Биз буни «очлик» тўғрисидаги хабарни эшитибоқ зудлик билан Самарқандга етиб келган «МН»нинг миллатлараро муносабатлар бўлими мухбири Владимир Алексеевич Емельяненкога яхшилаб тушунтирдик. Меҳмон уюшмамиз вакиллари, профессорлар А. Ахтамов, Р. Муқумов, доцентлар А. Саиджонов, Р. Маъруфий, инженер К. Сирожқуловлар билан нақд икки соат гаплашди. Биз унга айтдик: жамоат ташкилотлари тўғрисидаги жумҳурият қонунига мувофиқ «Самарқанд» уюшмаси вилоят ижроия қўмитасининг адлия бўлимида рўйхатга олинган. Биз қонун ва фақат қонун доирасида ишлаймз, «халқ ҳимоячиси» ниқоби остида баландпарвоз маърузалар қилиб сохта обрў қозонаётган, аслида эса эл-юрт тинчини бузиб халқлар дўстлигига нифоқ солаётганларнинг қилмишларини қатъиян қоралаймиз. Одамларни тўғри йўлдан адаштириш, чалғитиш — уларнинг мақсади.

— Хўш, унда жумҳуриятимиз ҳаётидан деярли бехабар Москва газетаси «Самарқанд» уюшмаси раҳбари деб кимни назарда тутди?

— Гап Ўктам Бекмуҳамедов ва унинг «сафдошлари» устида бормоқда. «МН»дагилар Ўктамни яхши билишади. Чунки у Москвага тез-тез хат ва телеграммалар йўллайди. Ачинарлиси шундаки, Ўктам ўз номи остига «Ўзбекистон ССРда яшайдиган тожиклар ва тожикзабон аҳоли ижтимоий-маданий марказининг масъул котиби», деб имзо чекади. Биз «МН» мухбири Ў. Бекмуҳамедовнинг, у билан бирга А. Ахмадиён, М. Мирсаидов, А. Юсупова ва С. Саидовларнинг ҳам уюшмамизга мутлақо алоқаси йўқлигини тушунтирдик. Ўтган йили, аниқроғи 24 ноябрь куни «Самарқанд» вакилларининг умумий йиғилишида улар ташкилотимиз аъзолигидан чиқарилган. Бундай қилганлигимизнинг боиси шуки, неча бор огоҳлантиришимизга қарамасдан, улар «Самарқанд» уюшмаси номидан экстремистик руҳдаги сиёсий талабларни ўртага қўйбердилар. Бажариш мутлақо мумкин бўлмаган талабларга халқ хоҳиш-иродаси деган либос кийгиздилар.

— Демак, эълон қилинган очликка «Самарқанд» раҳбарларининг мутлақо алоқаси йўқ. Очлик эълон қилиш ташаббускори, айтганингиздек, Ўктам Бекмуҳамедов. Хўш, бу йигит ким ўзи, унинг сафдошлари-чи?

— Ўктамнинг инсоний сифатлари тўғрисида гапирмоқчи эмасман. Ёши 44 да, турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Даҳолик давоси бор, халқ номидан гапиришга одатланиб қолган. Уюшмамиз аъзоларига унинг бу «фазилатлари» унча хуш келмади, натижада «халқ сардори» рад этилди. Охирги иш жойи— «УЗНИИПГРАДОСТРОИТЕЛЬСТВА» филиалидагилар ҳам шундай қарорга келишди, яъни прогулчига орамизда ўрин йўқ, деб ишдан бўшатиб юборишди.

Ў. Бекмуҳамедов ва унинг сафдошлари иш «услуби»га хос бир далил айтай. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши сессияси Давлат тили тўғрисида қонун қабул қилиши керак эди. Мен қонун лойиҳасига нисбатан ўзимнинг таклиф ва мулоҳазаларимни сессия номига батафсил қилиб ёзиб юбордим. Мазкур ҳужжатни қайта ишлашда менинг кўпгина таклифларим инобатга олинди. Аммо, орадан бироз вақт ўтгач, не қулоқ билан эшитайки, кимдир менинг номимдан Тошкентга телеграмма йўллаб, Қонун лойиҳасининг асосий моддаларини бутунлай рад этибди. Зўр машаққат билан телеграмманинг ҳақиқий «муаллифини» аниқладик, у Ў. Бекмуҳамедовнинг «сафдоши» Мирсаидов бўлиб чиқди.

— «Московские новости»дан ҳадеб кўчирма келтиравериб газетхонларни зериктирмоқчи эмасман. Аммо мана, бу сўзларга эътибор беринг. Газета Бекмуҳамедов ва у кабиларнинг асосий талаблари деб қуйидагиларни ёзади: «Тожик халқи муаммоларини инкор этаётган Самарқанд вилоят ижроқўми истеъфога чиқсин. Бу муаммоларни ҳал этиш учун жумҳурият Президенти Ислом Каримов билан учрашув ўтказилсин. «Самарқанд» уюшмаси раҳбарлари бундан икки ой муқаддам Президентга мактуб йўллаган эдилар. Аммо у жавоб қайтармади. Яқинда КПСС Марказий Комитети секретари Олег Шенин Самарқандда бўлганида Ислом Каримов тожик маданий маркази вакиллари билан учрашишдан бош тортди».

— Ҳаммаси ғирт ёлғон гаплар. И. А. Каримов ва О. С. Шенинлар Самарқандда бўлганларида бизнинг уюшмамиздан ҳеч бир киши улар билан учрашиш талабини қўйганлари йўқ. Президентимиз бизнинг ҳамма сўровларимизга жавоб қайтарди. Биз ҳатто у кишининг қабулида ҳам бўлдик.

Тожик аҳолисининг муаммолари ҳал этилмаётганлиги масаласига келсак, бу хусусда вилоят кенгаши раиси, обкомнинг биринчи котиби П. Абдураҳмонов олиб борган «давра суҳбати»да батафсил гапирилган. Биз бу учрашувни роса уч ой тайёрладик. Учрашув вақти ва жойи тайин бўлганида Бекмуҳамедов эътиборни ўзига қаратиш учун очлик эълон қилиб қолди. Унгача қўлини совуқ сувга ҳам урмаган эди.

А. Қамарзода ўша учрашув стенограммаси билан танишишни таклиф этди. Мана, айрим сатрлар:

Н. ХУРРАМОВ, дорулфунун ўқитувчиси, область кенгашининг депутати: Мен бирон бир норасмий ташкилот аъзоси эмасман. Аммо ушбу суҳбат чоғида кўтарилаётган масалалардан четда тура олмайман. Афсуски, норасмий ташкилотларнинг айрим аъзолари ўзларини йўлбошчилар деб билсалар-да, аслида ўз манфаатларидан нарига ўтаётганлари йўқ. Мен вилоятда бирон бир халқнинг ҳақ-ҳуқуқлари камситилаётганини билмайман. Бюрократия аломатлари, муаммоларни ечишдаги сансалорлик, ўйлаб айтилмаган ҳар бир сўз, ҳавойи шиорлар муносабатларни таранглаштириши аниқ...»

А. САИДЖОНОВ, Мирзо Улуғбек номидаги архитектура-қурилиш институтининг доценти: «Мен «Самарқанд» уюшмасига аъзоман. Аммо ўзимни Ў. Бекмуҳамедовга ўхшаганлар билан бир сафга қўя олмайман. Улар Москвада газета нашр этиб «халқ номидан гапиряпмиз», демоқдалар. Бундай ҳуқуқни уларга ким берган? Мазкур нашр халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилмайди, аксинча ўртага нифоқ солади, адоват урушини сочади. Халқ фикрини бузиб талқин қилаётганлар қонун олдида жавоб беришлари керак».

А. НАРЗИҚУЛОВ, партия ветерани: «Кеча Қўшҳовуз маҳалласида бўлдим. Қарасам, Бекмуҳамедов бир шериги билан ўтирибди. Стол устида чой. Ҳаммаёқни варақалар босиб кетган, денг. Ҳаммаси сиёсий талаблар. Мен тасодифан кириб қолгандим. Жуфа хафа бўлдим. Ҳозир сиёсий ўйинлар пайтими? Халқимиз ўз бошидан кўп қийинчиликларни ўтказди. Энг қийин пайтлари бир бурда нонни ҳам бўлиб еганмиз, бир-биримизни суяганмиз. Ҳозир-чи? Нималар бўлаяпти ўзи? Бекмуҳамедовга ўхшаганлар кўнгли тусаган номаъқулчиликни қилиб юраверадими...»

ЎзТАГ мухбири «Давра суҳбати» иштирокчиси, Самарқанд районидаги «Комсомол» жамоа хўжалиги раиси Маҳмуджон Ўроқов билан суҳбатлашди. Мана, унинг сўзлари:

«Хўжалигимизда турли миллат вакиллари меҳнат қилади. Миллий асосда бирор низо чиққанлигини эслай олмайман. Аммо Бекмуҳамедовга ўхшаганларга бундай тинчлик хуш келмас экан, чоғи. Кунларнинг бирида у колхозимизда пайдо бўлиб қолди. Хўш, хизмат, дедик. Маълум бўлишича, у шаҳарда яшайдиган бир тарафдорининг номзодини депутатликка бизнинг округдан қўймоқчи экан. Бордию биз уни қўллаб-қувватламасак, «колхозни расво қилди», деб ҳаммаёққа ёзаман, дея пўписа ҳам қилди. Мен унга боплаб жавоб қайтардим. Тилим қисиқ жойим йўқ. Хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам. Бировнинг ёрдамига муҳтож эмасмиз. Шунинг учун ҳам чақирилмаган меҳмонга эшик қайси томондалигини кўрсатиб қўйдик. Аммо у ваъдасининг устидан чиқди. Ёзмаган жойи қолмади. Комиссия устига комиссия келавериб тинкамизни қуритди. Ҳеч нарса топишгани йўқ. Бекмуҳамедовга ўхшаганларни, одамларни чалғитаётганларни, ишлаш ўрнига сафсата сотиш билан банд «йўлбошчиларнинг» таъзирини бериб қўйиш керак».

Жамоа хўжалиги раисининг фикрларини фирқа фахрийси, СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Холиқ Мирзозода давом эттирди. Ёши саксонда, ярим асрдан кўпроқ вақт Душанбада ишлади, энди эса юртига қайтиб келиб «Самарқанд» уюшмасида актив фаолият кўрсатмоқда.

— Ачинарлиси шундаки, — дейди у биз билан суҳбатда, — нияти бузуқ кишилар кўпинча яхши ишнинг белига тепишади. Норасмийларнинг Москвада нашр этилаётган «Суғдиёна» газетасида С. Садиевнинг «Чин дилдан» сарлавҳали мақоласи босилибди. Редакция мақола муаллифини «Самарқанд» маданий маркази бошқарувининг раиси» деб таништиради. Бундай сохта раисда чин дил нима қилсин? Ёки бошқа мисолни олайлик. Опера ва балет театрида ўтаётган шеърият кечасини бекмуҳамедовчилар сиёсий митингга айлантирмоқчи бўлишди. Шу мақсадда «Растохез» ташкилотидан вакиллар, жумладан душанбалик техника фанлари номзоди Миржамоловни таклиф қилишибди. Меҳмон гапирган гапларнинг шеъриятга мутлақо алоқаси йўқ. Бизга бундай ташвиқотчилар керак эмас.

— Ўша учрашувда жамоатчилик ва маҳалла қўмитаси Бекмуҳамедов ва унинг шериклларини Қўшҳовуздан чиқариб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишган эди, — дейди А. Қамарзода. — Очлик эълон қилган сардорларнинг даъволари худди пуфакдек ёрилиб кетди. «Московские новости» даъволари билан ҳам айни шундай бўлди...

Бекмуҳамедов ва у билан бирга очлик эълон қилганларга келадиган бўлсак, буёғи жуда қизиқ бўлди. Кўпчилик муштарийлар яқинда матбуотда эълон қилинган жумҳурият прокуратураси ва ички ишлар вазирлигининг хабарларини ўқишган бўлишса керак. Сиёб район ижроия қўмитасининг раиси Ф. Ҳошимов ҳуқуқ-тартибот органларининг вакиллари билан биргаликда Қўшҳовуз маҳалла аҳлининг талабига биноан очлик эълон қилинган жойга келганида Бекмуҳамедов ва унинг шериклари уларни ҳақоратли сўзлар билан қарши олишди. Шундан кейин кутилмаган воқеа юз берди. Москвадан учиб келган Бағдасарян деган тайинсиз бир кимса тун ярмида бекмуҳамедовчилар орасида пайдо бўлиб қолди. Милиционерларни кўриб ёнидаги пистолетини яширмоқчи бўлди. Шу яқин орадаги милиция бўлимига бориб унинг кимлигини аниқлашмоқчи бўлишганида эса Бекмуҳамедов чидаб тура олмади ва муштига эрк берди. Натижада милиция майори С. Эгамбердиев касалхонага тушди.

Бекмуҳамедов ҳимоя қилмоқчи бўлган москвалик «меҳмон» ким? — Бағдасарян Бенин Бахратович, 1948 йили туғилган, қиладиган ишининг тайини йўқ. 1966, 1967, 1972, 1977, 1981 ва 1985 йиллари Душанба шаҳри район судларини «обод» қилган. Самарқандга бир эмас иккита паспорт билан ташриф буюрган: бири ўзининг номида, иккинчиси Али Аҳмедов номида. Ўша куни қўлга олинган Қаноат Ҳикматовнинг ёнидан эса пистолет патронлари топилган.

«Московские новости» жар солган «очлик» мана шундай ниҳоясига етди. Бекмуҳамедов билан Бағдасарян устидан тергов олиб борилмоқда, йштаҳалари ёмон эмас. Абдулҳаким Аҳмадиён, Қаноат Ҳикматов, Жамол Мирсаидов, Мирфозил Садиевларни тинчгина уйларига қўйиб юборишди. Милиция ходимларига қаршилик кўрсатиш, қонунсиз қурол сақлаш фактлари бўйича иш қўзғатилди.

А. Қамарзода суҳбатимиз сўнгида шундай деди:

— Бугунги мулоқотимизни яхши ният билан якунламоқчиман. Уюшмамиз олдида кўп вазифалар турибди. Такрор айтаманки, уларни бажариш учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқаришимиз, саъй-ҳаракатларни бирлаштиришимиз зарур. Бизнинг сафларимизда ғайрат-шижоатли, ишчан одамлар кўп. Мана, масалан Холиқ Мирзозодани олайлик. Яқинда у «Самарқанд» газетаси саҳифалари орқали бутун шаҳар аҳлига: «Келинглар, халқлар дўстлиги, чинакам байналмилалчилик байроғи остида бирлашайлик», деб мурожаат қилди. Мен ҳам айни шу фикрдаман, уюшмамизнинг кўпчилик аъзолари ҳам шу фикрда. Бугунги суҳбатимизни ҳурматли оқсоқолимизнинг қуйидаги сўзлари билан якунламоқни истардим: «Биз халқимиз маданиятини ривожлантириш ишига бел боғладик. Фисқу-фасод, кимнидир ёмонлаш, кимгадир тош отиш, иложи бўлса кимнидир бадном қилиш мақсадида сафларимизга кириб олган кимсалар билан йўлимиз бир эмас. «Самарқанд» эшиклари холис ниятли кишилар учун ҳамиша очиқ».

ЎзТАГ

ЎСИШ НАВБАТИ СОҚОЛГА

●

Ақл ўсиш навбатини соқолга бўшатиб берди.

●

Амир Темур қайси мамлакатда тиланчи кўп бўлса, ўша мамлакатнинг ҳокимини жазолар экан. Сиз Амир Темурдан қўрқмайсизми?

●

Донолардан яхшироқ яшаётган аҳмоқларни қайси аҳмоқ аҳмоқлар рўйхатига кирита олади?

●

Виждонсизларга маза. Виждон азобида қийналиб юрмайди.

●

Катта ақл ҳеч қачон ўз эгасига фойда келтирмаган. Тенги йўқ ҳусн ҳам.

●

Талантлар ижод қилади. Таланти йўқлар эса қалам ҳақи олади.

●

Инсоният тарихида фаровон ҳаёт кечирган донишмандлар ҳам бўлганми?

●

Аҳмоқларнинг ақли ўзидан ортиб ётади. Донолар-ниқи эса етишмай юради.

●

Ҳар қадамда найрангбозларга дуч келаверсанг, одамзоднинг маймундан тарқалганига ҳам ишонасан-да.

●

Маданият ходимларининг барчаси маданиятли бўлиши шарт эмас.

●

Бошлиқнинг эътирозига қайтарилган энг маъқул жавоб — сукут.

М. ХОЛИЁРОВ

Саъдулла ҲАКИМ

БУ ЙЎЛДА...

Бу йўлда ўт кўкармайди,
Тикони йўқ, хори йўқ.
Ярақлайди пўлат каби
Гарди йўқ, ғубори йўқ.
Тоғ дуч келса
кесиб ўтган,
Дарахтларни кўчириб.
Сув дуч келса
кечиб ўтган,
Оловларни ўчириб.
Бундан не-не номдор,
азиз,
Жангар зотлар
ўтмишлар.
Тўғри йўлдан
бормоқдасиз,
Дея айтиб кетмишлар.
Лойга ботиб ётмас бунда
Аравaнинг гупчаги.
У кунларни солар ёдга
Момоларнинг чўпчаги.
Қор ётмайди, аёз ойи
Кетмагайсан тойиниб.
Йўқдир фақат борар
жойи —
Манзилининг тайини...

ШАЖАРА

Биров дейди: «Одамзод
Муҳаббатдан яралган».
Биров буни этар рад,
«Йўқ, маймундан
таралган».
Ҳар икки тахминда ҳам
Ҳақиқат зоҳир асли.
Бани аъмолига мос
Аждоду насаб, насли.
Баъзилар шажараси
Кўппакни ёдга солар.
Яқинидан ўтиб кўр,
Шартта почангдан олар.
Баъзилар қулдай ишлаб
Заққумлар ютаверар.
Ҳоксор наслига ўхшаб,
Ким минса, кетаверар.
Баъзилар парранда̀лар
Туркумига киради.
Гоҳ у қўноқда, гоҳ бу
Қўноқда қичқиради.
Баъзи бир кимсаларнинг
Аждаҳо қариндоши.
Чунки ҳар нозирликда
Бордир биттадан «боши».
Баъзи бировлар чиндан
Маймун зотин мардуми.
Ҳар вилоят, туманда
Учрар биттадан «думи».
Бўлар давом эткизса
Бу нисбатни яна ҳам.
Қолганлари, алқисса,
Муҳаббатдан яралган.

НОРТУЯ

(Сорбонга)

Нортуяга қўниб олиб,
Мағрур кетиб борасиз.
Пиёдалар сизга толиб, —
Олисроқни кўрасиз.
Насиб этмиш шундай
шараф
Карвон сиздан орқада.
Живир-живир чорлар
сароб,
Қурбон сиздан орқада.
Олов саҳро оташига
Чора топиб қўйгансиз.
Туя офтоб кийган бошга,
Сиз шляпа кийгансиз.
Юравериб нортуянинг
Товонлари зирқирар.
Нортуя тиз чўкса чўкар,
Тиз чўкмайсиз сиз сира.
Аммо доғил ҳаётингиз,
Ўхшаб кетар эртакка.
Ҳақ таоло туянгизни
Матаб қўйган эшакка!

ПИВОГА ҚАЛАЙСАН, ДЎСТИМ?

(Пиёнисталар ўқимасин)

— Эй, қиёматли дўстим, юр, бир отамлашиб пиво ичамиз.

— Йўқ, мен ичолмайман оғайни, ичсанг ўзинг ичавер.

— Ие, бу қанақаси, сен қачондан бери ичмайдиган бўлиб қолдинг? Илгарилари пиво деса, ўзингни томдан ташлардинг-ку.

— Ичмаслигимнинг бир нечта сабаблари бор. Биринчидан, пиво ичишни дўхтир менга тақиқлаб қўйган. Иккинчидан, бундан буён ичмаслик ҳақида хотинимга алвастининг қасамини ичиб қатъий ваъда берганман. Учинчидан эса, мен аллақачон ўн кружка отволдим.

●

— Уят эмасми, дўстим, ваъдани беришга бериб қўйиб, кеча яна ишга ичиб келдинг-а?!

— Бўлмаган гап, ҳечам ичганим йўқ эди.

— Ие, ўзинг айтдингку ўшанда, бугун улфатлар билан маишат қилиб, ароқни сувдай ичибман, деб.

— Вой, галварс-ей, мастликда айтган ўша гапларимга чиппа-чин ишониб ўтирибсанми?!..

Турсунбой МАҲМУДОВ

Сиз қандай изоҳлайсиз?

ИККИ БОЙГА БИР МАЛАЙ

Эсингизда бўлса, ҳафталигимизнинг шу йил 3 май сонида навбатдаги изоҳли суратни эълон қилган эдик. Орадан бир ҳафта ўтгач хатлар шунчалик кўпайиб кетдики, санаб саноғига етиш қийин бўлиб қолди. Айниқса, ўтган гал Турдиевларнинг оилавий жавобларини эълон қилганимиз учунми, оилавий изоҳлар жуда кўплаб кела бошлади. Афсуски, уларнинг ҳаммасидан фойдаланишнинг иложи йўқ. Иложи бўлганларини эса бугун эълон қилаяпмиз. Демак, навбат изоҳларга:

Ўйнашмагин арбоб билан,
Арбоб урар ҳар боб билан.

Ж. ИЎЛДОШЕВА

Иштихон.

●

Икки бойга бир малай.

Ш. ҚУРБОНОВ

Тошкент.

●

Икки айғир тепишса,
ўртадаги той ўлар.

Б. ЖУРАҚУЛОВ

Ильич тумани.

●

Эру хотин ўртасига эси
кетган тушади.

Б. МИРЗАЕВ

Самарқанд.

●

Яхши қўзи икки онани
эмади.

Р. ХУДОЙБЕРДИЕВ

Ургут.

●

Ўзбошимчанинг жазоси

Т. ХУЖАМБЕРДИЕВ

Ғаллаорол.

●

Гадонинг душмани гадо
бўлади

Ҳ. ХОЛМАТОВА

Чуст.

●

Қўш хотинлилик балоси.

А. СОДИҚОВ

Охунбобоев тумани.

●

Икки «катта» бир бўлиб
«Кичкина»ни едилар.
Буни ҳеч ким кўрмади,
Гувоҳ йўқ-ку, дедилар.

Н. ҚУРАМАТОВА

Жиззах.

●

Бугун бозор бизники
Қўлда жарақ пул бўлсин
Биз наҳанглар турганда
Чувалчангга йўл бўлсин.

Ф. ҲУСАИНОВА

Қўқон.

●

Ҳурматли муштарийлар, навбатдаги изоҳталаб суратни сизларнинг ҳукмингизга ҳавола этишдан олдин жавоб йўллаган чойхонамизнинг барча чойхўрларига миннатдорчилик билдирамиз.

ШУМ БОЛА

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ ВА ЖУМҲУРИЯТ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН КП МҚ НАШРИЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АҚБАРОВ, Рамз БОБОЖОН, Одил ЁҚУБОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИД ДИНОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик ҚАЮМОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ, Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; бош муҳаррир ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул котиб — 33-49-93; котибот — 32-58-49, БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; назм ва наср — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56, хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; шум боланинг чойхонаси — 32-54-71.

Навбатчи муҳаррир — Камол МАТЕҚУБОВ
Босишга топшириш вақти — 20.00 Босишга топширилди — 19.15

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ 25 ТИЙИН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. индекс 64592 Буюртма 5709